

ХАЛҚ КИТОБЛАРИ



**Қиссаи
МАШРАБ**



Тошкент
«Ёзувчи» нашриёти
1992

Нашрга таёрловчилар: *Сайфиддин Рафъиддин,*
Мухаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли.

Сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифлари: *М. Жўраев,*
Сайфиддин Рафъиддин.

4702620101 — 33

М _____ 5. 1992

ISBN 5 — 8255 — 0005 — 7

М 362 (04) — 92

© Тўглаб, нашрга таёрловчилар: Сайфиддин Рафъиддин, Мухаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли, «Ёзувчи» нашриёти. 1992

«ҚИССАИ МАШРАБ» ХУСУСИДА

*Биз дор қадар чекиндик,
авлиё Машраб бўлиб.*

О. Матжон

Эътиборингизга ҳавола этилаётган «Қиссаи Машраб» халқ насрининг энг гўзал намуналаридан биридир. Машраб ҳаёти ва ижоди «Қиссаи Машраб», «Девонаи Машраб», «Девона Машраб», «Шоҳ Машраб», «Ғазали эшони шоҳ Машраб», «Эшон Машраб», «Эшон шоҳ Машраб», «Эшони шоҳ Машраби девонаи Намангоний», «Мухаммаси шоҳ Машраб» каби турли номлар остида инкилобга қадар китобат қилинган бўлиб, машрабхонларнинг энг севимли асари сифатида катта шуҳрат қозонган.

Сиртдан қараганда халқ дostonлари ёки қиссаларини эслатувчи бу асарларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг асосини Машраб ҳақидаги ривоят ва қиссалар ташкил этади, насрий қисм нихоясида эса шоир шеърятидан намуналар бериб борилган. Кўп уриьларда шеърый асарлар қисса ва ривоятлар мазмунига мос келмаслигига асосланиб, мазкур қисса муаллифи — тузувчиси Пирмат Сеторий шоирнинг афсонавий саргузаштларига бағишланган ҳикояларни жамлаб, ҳар бир мустақил сюжетли ривоятга Машраб шеърларини илова қилиши натижасида бу асар халқ қиссалари ҳолатига келиб қолган деб тахмин қилиш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар «Қиссаи Машраб»даги ривоятларда «шоир шахси бузиб кўрсатилган» ёки «Машраб ҳақидаги ақлга сиғмайдиған, ишониш қийин бўлган» маълумотлар келтирилган деб ёзишади. Бизнингча, «Қиссаи Машраб» типидagi халқ китобларига киритилган асарлар ўзбек фольклорининг тарихий ривоят ва тарихий афсона жанрларига мансуб ҳикоялар ҳисобланади.

Бундай ривоят ва афсоналар халқимизнинг Машраб шахсияти ва ижодига бекиёс меҳрининг тимсолидир. Бинобарин, «Қиссаи Машраб» шоир тўғрисидаги халқ ривоятлари ва афсоналарнинг Пирмат Сеторий томонидан жамланиб, бадий жиҳатдан қайта ишланган ва китобат қилинган намуналаридир. Шоир ўзи ҳаётлик вақтидаёқ унинг дилрабо ғазалларини ҳофизларимиз севиб қўйлашгани сингари «икки жаҳонга сиғмаган» соҳиби ишқнинг ғаройиб ҳаёт йўли, муқаддас қадамжолар ва азизлар остоналарини зиёрат қилиб юрган бузруквор шоир — қаландар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб, эл орасида ривоятлашиб, Машраб номи тилларда дoston бўлиб кетган. Кейинчалик эл орасида тарихий наср намунаси сифатида оммалашиб улгурган бу ривоят ва афсоналар халқ оғзаки ижодиётининг маҳсули бўлиб, бизгача асосан оғзаки ва ёзма манбалар орқали етиб келган. Ровийлар бу шоир ҳақидаги ривоятларни севиб суйлаганлар, ўзининг бутун умрини ҳақиқатга етишиш йўлида азият чекишга сарфлаган Машрабнинг бевафо оламда маънавий тубанлик, разолат, ақлий нажосатга ботган инсонларга — подшодан тортиб қозигача, сохта олиму вафосиз обидгача, ўғридан тортиб ноёб дeҳқон-

гача бўлган нафрат-газаби, Ҳақ ишки йўлидаги собит иймони, адлпарвар, одампарварлиги эл-улус орзу-умидларининг ифодаси янглиғ тобора мажозийлашиб, афсонавийлашиб борган.

«Қиссаи Машраб»даги тарихий ривоят ва ҳикоятлар Урта Осиё халқларининг қадимий фольклор анъаналари асосида яратилган. Ровийлар гоҳ эл орасида азалдан айтилиб юрган машхур ҳикояларни Машраб номи билан боғлаб «қайта ишлашган» бўлса, баъзида шоирнинг ғайритабиий мўъжизаларга бой саргузаштларини (масалан, ўтда ёнмаслиги, Хизр билан учрашиши, сув остига кириб, анча вақт туриб қолиб, сўнгра қайтиб чиқиши, ўз тақдирини олдиндан каромат қила олиши каби) тасвирлашда халқимизнинг қадимий мифологик тасаввурларидан фойдаланганлар. Айрим қисса ва диний ривоятлар сюжети эса бевосита Машраб ҳақидаги ривоятларга сингдириб юборилган. Мулла Бозор охунд билан Машраб мунозарасига бағишланган ривоят шу тарика юзага келган:

«Алқисса, Мулло Бозор охунд Машрабдин бу ошиқона сўзларни эшитиб, офаринлар қилиб, Машрабнинг ҳақиқа дуойи хайрлар қилдилар. Андин сўнг айдилар: «Эй, ўғлум, ато ва анонг хизматларида бўлғил!» Шох Машраб айдилар: «Ошиқнинг атоси ва аноси бўлмас, эй охуним! Сиздин бир саволим бор, агар жавоб берсангиз атом бирла аном хизматларида бўлсам бўлайин». Охунд айдилар: «Сўргил!» Машраб айди: «Ўшал куниким, худойи таъоло ҳазрати Одам алайҳиссаломни ўз қудрати комиласи бирла пайдо қилиб, ер юзига туширди, анда Ҳазрати Одам алайҳиссалом айдилар: «Мани пушти камаримдин фарзандлар пайдо қилиб, оламини тўлдиргайсен андоғ эрса аларнинг руҳларини манга кўрсатгил!» худойи таъолодин нидо келди: «Эй одам, ўнг қўлингга қарагил!» Ҳазрати Одам алайҳиссалом қарадилар, эрса тамом оқ кийинган арвоҳларни кўрдилар. Айдилар: «Худовандо, булар кимлардур!» Нидо келдики: «Эй одам, булар сани солиҳ фарзандларингни арвоҳларидур». Яна фармон бўлдики: «Ё одам, сўл қўлингга қарагил!» Ҳазрат Одам алайҳиссалом қарадилар, эрса тамом қора кийган арвоҳларни кўрдилар, айдилар: «Худовандо, булар кимлардур?» Нидо келдики: «Ё Одам! Сани кофир фарзандларингнинг руҳларидир». Эй охунум, ўшал вақтда маним руҳим қайси тарафда эрди? Асҳоби яминда эрдиму, ё асҳоби шимолда эрдиму? Агар дарҳақиқат, ўнг тарафда бўлса, мен хотиржам бўлиб, субху шом ато-аномни хизматларида бўлайин?!» — дедилар».

Одам Ато ҳақидаги бу қадимий ривоят сюжет қисса тарклибига қўчганида муаяян поэтик ўзгаришларга учраган бўлиб, қачонлардир руйи заминда яхши ва ёмон одамларнинг пайдо бўлишини, ўнг-чап, оқ-қора, эзгулик-ёвузлик тушунчаларининг моҳиятини изоҳлашга хизмат қилган бу асотир Машрабнинг ақллигини, теран фикр соҳиби эканлигини ишонарли тасвирлаш мақсадида келтирилган.

«Қиссаи Машраб»да одамзоднинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимий ривоятлар ҳам ўзининг бадий ифодасини топган. Ҳикоя қилинишича, худо Одам Атони тупроқдан яратган экан. Шу боис Ёркенат ҳокимининг шоҳона тўшагини ифлос қилган Машраб маломат қилган бекка қараб: «Сен ўзинг нимадин бўлгансен?» — деб сўраганида, у: «Туфроқдан!» — деб жавоб беради. Шунда Машраб: «Андоғ бўлса, сен ўз вужудингга сиярмусен?» — деган экан. Тупроқнинг мифологик моҳиятини улуғлаш тасаввуф фалсафасининг асосий ришталаридан бири. Тасаввуф таълимотига кўра, тупроқ — камтарлик, фақирлик ва улуғ инсон вужудининг рамзидир. Буюк шоир Аҳмад Ясавий ўз ҳикматларидан бирида, «Бошим тупроқ, ўзим тупроқ, жисмим тупроқ, Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ» деб бежиз айтмаган. Машраб тасаввурида инсон

жисми Аллоҳнинг меҳридан яратилганлиги учун замин муъминларининг тупрокни ифлос қилишлари шоир назарида ўз вужудини ҳаромлаш билан баробар эди.

«Қиссаи Машраб» ривоятларида ҳикоя қилинишича, шоир «арғамчининг бир учини ўзларининг бўйинларига боғлаб ва бир учини итларининг бўйинига боғлаб Хожам подшоҳи соҳибқирон хизматларига равона бўлибдилар». Қизиғи шундаки, Машраб Маҳмуд Қатағон пиширтган ошни ҳам ўзи емай, итининг олдига суриб қўяди. Шоирнинг бу эъзозли жонивор — вафодорлик рамзи билан илк бор дучлашиши ҳақида шундай ривоят бор:

«Шоҳ Машраб Лангар мазоридин чиқиб, йўлга равона бўлдилар. Ногоҳ бир қўйчи қўй боқиб юрур эрди. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй қўйчи, пирингни билурмисен?» Қўйчи айтиди: «Билмасмен!» Шоҳ Машраб айдилар: «Мен агар сани пирингни баён қилсам, манга нима берурсан?» Қўйчи айтиди: «Бу қўйлар кишининг қўйидур, менда ҳеч нимарса йўқтур санга берсам». Машраб айдилар: «Йўқ эса ушбу итингни бергил, ман санга пирингни баён қилай». Қўйчи ночор бўлиб, итини берди. Андин сўнг Шоҳ Машраб асҳоби Қаҳфнинг исмларини бир-бир баён қилдиларки, Ямлихо, Максалино, Кашфутат, Озарфат Юнус, Ювонис Юнус, Табюнус, Кашофат Юнус, исми калбуҳум Қитмир, — дедилар. Андин сўнг итни олиб айдилар: «Эй жонвари безабон, эмди манга бўлгил!».

Бу ривоятнинг қуръондаги «Қаҳф» сурасининг сюжети билан боғлиқлигини кўрамыз. Хоразмдан ёзиб олинган ривоятлардан бирида ҳикоя қилинишича, қадим замонларда Даққиюнус деган бир подшоҳ ўтган экан. Кунлардан бир кун унинг ҳузурига бир ғайридин дарвеш кириб келибди-да, ўз этиқодидан воз кечиб, янги динга имон келтиришга ундабди. Шоҳ дарров рози бўлиб, дарвеш тарғиб қилган динни қабул қилибди ва ўз ўғлини ҳам шунга йўлга бошламоқчи бўлибди. Аммо шаҳзода ўз динидан қайтишни истамай, яқин дўстлари билан олти киши бўлиб, шаҳардан бош олиб чиқиб кетибдилар. Йўлда улар бир чўпонга дуч келибдилар. Чўпон йигит ҳам бўлган воқеадан хабар топгач, эл-юрт бузилганлигидан ҳафа бўлиб, қочоқлар билан бирга кетадиган бўлибди. Унинг битта ити бор экан, у ҳам йигитларга эргашибди. Буни кўрган етти йигит: «Бу ит бизни сотиб қўймаса гўрга эди?!» — деб ўйлаб, итни ҳайдамоқчи бўлишган экан, кучук одамдай тилга кириб, бийрон-бийрон сўзлай бошлабди: «Эй муъминлар! Мен сизларга сираям ёмонлик қилмайман, илтимос, мени ҳайдаманглар!» — дебди у. Бу гапни эшитиб ҳайратга тушган йигитлар итни ҳам кўтариб, йўлларини давом эттирибдилар ва бир тоққа етиб борибдилар. Тоғда бир ғор бор экан, етти йигит ва уларнинг итлари ўша ғорга кириб, оғзини тошлар билан бекитиб яшириниб олибдилар ҳамда роппа-роса минг йил ухлабдилар. Бир маҳал ўйғониб, ташқарига чиқиб кўришсаки, Даққиюнус аллақачон оламдан ўтиб кетган, ундан кейин неча-неча ҳоконлар даври-даврон суриб ўтган эканлар. Шундан сўнг етти йигит ва ит ғорга қайтиб кириб, қайтадан уйкуга кетишибди. Энди улар то рўзи қиёматгача ухлашар эмиш.

Бу ривоят турли хил вариантларда Ўрта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган бўлиб, ниҳоятда қадимий манбаларга бориб тақалади. Ҳатто улуг бобомиз Абу Райҳон Беруний ҳам ўзининг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарида сурия халқ тақвими бўйича нишонланадиган байрамлар ҳақида маълумот берар экан, «Тиштрия ойининг бешинчи кунини Эфес шаҳри яқинидаги ғорда ухлаган авлиёлар хотирланади», — деб ёзган эди. Маълум бўлишича, бу ривоят Кичик Осиё халқлари фольклорига милоннинг III — IV асрларида пайдо бўлган ва дастлаб сурия-христиан агиографик адабиётларига, кейинчалик мусулмон

манбаларига киритилган экан. Халқимиз орасида Даққиюнус номи билан машҳур бўлган афсонавий ҳукмдор аса милоднинг 201 — 251 йилларида яшаб ўтган Рим ҳокони Кай Мессий Квинт Троян Деций эманлиги ҳам манбаларда таъкидланган.

Қадимги сурия-христиан этнографик манбаларидаги ҳикоят ва қиссалар талқинига кўра, Эфес шаҳрида яшовчи олти йилит Деций деган золим ҳукмдор таъкибдан қочиб кетаётганларида, тоғда кўй боқиб юрган чўпонга дуч келадилар. Чўпон ҳам ити билан уларга эргашади, ҳаммалари тоғдаги бир горга яширилиб, 300 йил ухлайдилар. Орадан шунча йил ўтгач, уйғонган йилитлар Ямлихони нон олиб келиш учун шаҳарга юборадилар. Бозорда нон сотиб турган киши Ямлихо чиқариб берган тангаларда бундан 300 йил бурун ўлиб кетган ҳукмдор Деций суратини кўриб ҳайратта тушади. «Децийдан қолган тангаларни» кўтариб келган йилитнинг саргузаштларини эшитган одамлар етти йилитни авлиё деб синавадилар.

Бундай қисса ва ривоятлар бизнинг халқимиз орасида ҳам кенг тарқалган. Ҳатто тилимиздаги «алмисоқдан қолган» маъносини англатувчи «Даққиюнусдан қолган» ибораси ҳам ана шу қадимий ривоятлар асосида келиб чиққан ва халқимиз ўртасида шу қадар оммалашганки, ҳатто горда узоқ муддат ухлаб, сўнгга гайритабиий равишда уйғонган, яъни тирилган етти авлиё номи билан боғлиқ тумор матилари ҳам юзага келган. Элшунос олим Г. П. Спесаревнинг ёзишича, хоразмликлар етти авлиё номи битилган «сабулкан» ёки «тамрихо» дуоси ёзилган туморларни тақиб юрган кишига ҳеч қандай зиён-заҳимат зарар етказмайди деб ишониларкан. Бинобарин, Машраб билан чўпон ўртасидаги суҳбатда етти авлиё номи талға олингани ҳам ана шу қадимий афсоналарга боғланади.

«Қиссан Машраб»даги ривоят ва афсоналарнинг ҳаммаси ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиийдир. Бу мажмуа Машраб ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тарихий-биографик манба вазифасини бажаролмас-да, унда ҳассос ижодкор дунёҳарашининг кўпгина номж кўрраларини яхшироқ тушуниш имконини берадиган гоёт муҳим маълумотлар, шoir яшаган давр руҳини ўзида акс эттирувчи ҳаётий даҳалар учрайдики, шунинг ўзи ҳам асарининг илмий-амалий аҳамияти беқубслигини кўрсатувчи далил ҳисобланади. Шунинг билан бирга юқорида билдирган мулоҳазаларимизга қўшимча тарзда айтмоқчимизки, Машраб ҳаётига оид тарихий далиллар айрим ўринларда мушқоқ тўғри келмаслиги, унинг саргузаштлари бутунги кун кишисининг эстетик қарашларига баъзан «малоқ» келиши мумкин. Бундан ташқари қиссага киритилган ғазаллар, мухаммаслар эркин талқин қилинганки, уни Машраб девони билан муқояса қилиш ҳалқ оғзаки ижоди табиятини тушунымаслик бўлур эди. «Қиссан Машраб» турли замонларда, ҳар хил котиблар томонидан муайян мақсадларда кўп мартаба кўчирилганлиги учун бу китобнинг юзлаб нусхаларида айрим фарқ ва ўзгачалиklar юзага келган. Котиблар Машраб ҳақидаги ривоятларни ўз савиялари, дунёқараш ва мақсадига кўра саралаб, танлаб олганлар. Сиз, мухтарам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилаётган «Қиссан Машраб» хусусидаги мухтасар фикрларимиз мана шулардан иборат. Бу китоб ўзбек адабиётининг улғу сиймоларидан бири Бобораҳим Машраб ҳақидаги тасавурларингизни боийтади ва баърифат аҳлига манзур бўлади, деган умиддамиз.

Мамагкул Жўраев
Сайфиддин Рафийидин.



БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Алҳамду лиллаҳи раббил оламин. Вал оқибату лил муттақин. Вассалоту вассалому ало расулиҳи Муҳаммадин ва олиҳи ва асҳобиҳи ажмаин.

Ноқилони ахбор андоғ нақл қилурларки, шоҳ Машраб вақтеки, анодин таваллуд топиб, вужудга келдилар, валии модарзод эрдилар. Аммо Наманган шахридиндурлар. Худойи таборак ва таоло азал кунда руҳларини ошиқ яратибдур. Шул важҳдин айтгон байтлари ошиқонадур.

Алқисса, шоҳ Машраб аноларини қоринларида етти ойлик ҳомилада эрдилар, ҳануз ер юзига келганлари йўқ эрди. Бир кун анолари икки тўта ип олиб нафақа учун бозорга бордилар. Кўрдиларки, икки дона узум ерга тушубдур, ани ердин олиб оғзилариға солдилар. Ул ерда бир баққол узум сотиб туруб эрди. Машрабни анолари ҳануз икки қадам қўйғонлари йўқ эрдикки, қоринларидин овоз келди: «Эй ано, Худодин кўркмай, махлуқдин уёлмай, кишини ҳақини нима деб едингиз? Агар шул узум эгасини рози қилмасангиз, қорнингиздин ғойиб бўлиб кетарман», — дедилар. Анолари бу сўзни эшитиб, беҳуш бўлуб йиқилдилар. Соатидин сўнг хушлариға келиб, ул ердан туруб, уйлариға кўркунч бирла йиғлаб келдилар. Эрса, бу ҳолни эрлари кўруб айдилар: «Эй хотун, нима учун мунча изтироб бирла йиғларсиз?» Хотунлари айдиларки: «Эй шавҳар, йўлда менга бир сир пайдо бўлди, шундин кўркуб йиғларман». Анда эрлари айди: «Эй хотун, санинг бирла бир ястукқа бош қўйубман, тани маҳрами рўзғоримсан, ул сиррики сандин ўтубдур, манга баён қилсанг ҳеч бок йўқтур».

Шоҳ Машрабни анолари айдилар: «Эй шавҳар, билгил ва огоҳ бўлгил, ман бозорга бориб эрдим, бир баққол узум сотиб туруб экан, халойиқ ондин узум олур эрдилар, икки дона узум ерга тушуб экан, шул икки дона узумни ердин олиб, оғзимга солиб ютдум, ҳануз икки қадам қўймаб эрдим, қорнимдаги боламдин овоз келди: «Эй, ано, Худодин қўрқмай ва махлуқдин уёлмай кишини ҳақини единг, агар шу узумни эгасини рози қилмасанг қорнингдин ғойиб бўлурман», — деб анинг сўзини эшитиб зор-зор йиғларман. Андин сўнг эрлари айди: «Эй хотун, Худойи таъоло сизга бир фарзанд ато қилибдур, агар ўғул бўлса иншоаллоҳ соҳиб сулук ва соҳиб жазаба бўлғай. Сан ўзунгни ҳўб пок тутгил, ул баққолни бориб рози қилгил», — дедилар. Шоҳ Машрабни анолари икки танга пулни рўмолларини учига тугуб, ул баққолни хидматиға олиб бордилар, айдилар: «Эй баққол, ман сизни икки дона узумингизни ердин олиб еб эрдим, рози бўлинг», — деб икки танга пулни баққолни олдиға қўйдилар. Баққол айди: «Эй ано, ўтган одамлар мани узумимни олиб ейдурлар, ман анга розидурман», — деб кўзидин ёшини равон оқузди. Андин сўнг шоҳ Машрабни анолари уйлариға бориб тоат ва ибодатға машғул бўлдилар. Тўққуз ой, тўққуз кун, тўққуз соат тамом бўлуб ул фарзанд таваллуд тобти. Кўрдилар бир шермард гўёки май ичиб масти мустағрақ ётибдур. Ани кўруб хушқол ва хуррам бўлдилар. Шул соат болани ердин кўтариб олдилар. Андин сўнг бола кеча ва кундуз йиғламоқдин тинмади. Оре, Аллоҳ таъолонинг ошиқ бандаларининг иши йиғи ва зори бўлур ва бу гўдакни етти кунлик бўлганда бешика солдилар. Отларини Раҳимбобо қўйдилар. Етти ёшга етганда хатна қилдилар. Андин сўнг мактабга бердилар. Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, «алиф» денг?» Шоҳ Машраб «алиф» дедилар. Устозлари «Бе» денг?» — дедилар. Шоҳ Машраб устозларининг сўрдиларки: «Алиф» ни маъноси нима ва «Бе»нинг маъноси нимадур, эй домла?» Устозлари ачигланиб дедиларки: «Эй, баччаи нодон, сан ким? Бу маънини сўрамоқ ким?» Шоҳ Машраб айдилар: «Эй домла, «Алиф»ни маъносини сиз айтмасангиз, ман айтарман». Устозлари айдилар: «Эй ўғлум, «Алиф»ни маъниси нимадур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Домла, алифни маъниси бирдур. Ул сабабдин «Бе» демасман. Мундин ўтмак хатодур». Устозлари бу сўзни эшитиб, ҳайрон бўлиб қолдилар.

Шоҳ Машраб бу ғазални ўқидилар:

Алифни дилга жо қилмоқни бисмиллодин ўргандим,
Шаҳид қонини тўқмақни каломуллодин ўргандим.

Ўшал кун ҳашт дари жаннатни бир бугдойга сотмоқни,
Тарики бандалиқни Одаму Ҳавводин ўргандим.

«Заламно раббано»ни дилга жо қилмоқни ҳар соат,
Гунаҳ қилмоқни ман Одам сафиюллодин ўргандим.

Кўзумдин қон тўқуб, фарёд урубон навҳа қилмоқни,
Худодин роз эшитмоқни ўшал Мусодин ўргандим.

Жаҳон мулкида ҳаргиз тору сўзан сақламай ўтти,
Мақомоти тажаррудни ўшал Исодин ўргандим.

Ҳақиқат минбари васлига Исони шафеъ этти,
Тарики имтиҳонни руҳи Армиёдин ўргандим.

Сулаймондек азалдин салтанат тахтига чикмоқни,
Бу йўлни Осаф ибни руҳи Бархиёдин ўргандим.

Ки тинмай неча йиллар охиратни ваҳмидин куйди,
Қиёмат ваҳмини ул ҳазрати Яҳёдин ўргандим.

Тушиб бошига мотам доғи фарзандиға ўртанди,
Кўнгулни чоҳини бил ул Юсуфи барнодин ўргандим.

Балиғ қорнида Юнус зикри Ҳақдин бўлмади ғофил,
Ки зикр этмоқни ман ул Юнуси донодин ўргандим.

Танини барчасини кирми мотам туъма айлабдур,
Мақоми сабрни Айюби ҳабибуллодин ўргандим.

Муҳаббат мубтало ҳукмида ул нури илоҳидин,
Кўнгул аррасини зикрини Закариёдин ўргандим.

Сабо маҳшар кунда оси-жофиларга ҳомидур,
Ҳақиқат сиррини руҳи расулуллодин ўргандим.

Абубакру Умар, Усмон иймоним гувоҳидур,
Азални ҳимматини Ҳайдари аълодин ўргандим.

Ҳасан бирла Ҳусайн Ҳақ йўлида жонини тобшурди,
Кўнгул таъсирини Фотимаи Захродин ўргандим.

Кийибон салтанат фақрин танимга мосиво бўлдум,
Фақирлики Муҳаммад ибни Абдуллодин ўргандим.

Ҳама айтурки Машраб мунча илми кимдин ўргандинг,
Худо лутф айлади, ман барчани Мавлодин ўргандим.

**Шоҳ Машраб бу байтни ўқуғондин сўнг мактабхона-
дин чиқиб, биёбонга равона бўлуб, бу мухаммасни ўқу-
дилар:**

Ибтидо қилдимки, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим,
«Кулҳуваллоҳу аҳад» зотинг эрур исми азим.
«Кунту канзан махфиян» ҳар банда кўнглида муқим,
Минг бир исмингни сифотини бири эрмиш карим,
Оламу одамни қилмасдин бор эрдинг сан қадим.

Жумла олам подшоҳи сан эурсан зулжалол,
Барчалар фони бўлур, бўлмас санга ҳаргиз завол,
Рост келмайдур сани васфингни ман қилсам хаёл,
Оре, сан ваҳдатда яктову Худойи бемисол,
Барча ашё келдилар жунбушга сандин эй ҳақим.

Қудратинг бирла яратинг халқни Парвардигор,
Аршу курси, нуҳ фалак фазлингдин эрмиш барқарор,
Бирни қилдинг сен гани-ю, бирни қилдинг хору зор,
То худолиғ исми зотинг бўлди улдам ошкор,
Кофиру мўъминга неъмат бергучи сансан карим.

Ҳазрати Одамни пайдо қилди ул кун берди жон,
Шукр этибон қўбтию келтурди иймон ул замон,
Амр қилди: «Сажда қил, — деб, — Эй малоик бегумон»,
Чун Азозил айди: «Ул туфроғу ман нури аён»,
Лаънати, сад лаънати, ул бўлди шайтони ражим.

«Рабби арини» деди Мусо Тангридин қилди савол,
«Лан тарони», — деди, — Эй Мусо, кўролмассан жамол»,
Боз Тангрим дедиким, кўрмак жамолимни маҳол,
Ҳазрати Мусо бу сўзлардин бўлубон ақли лол,
Минг савол айлаб уйиға ёнди Мусойи Калим.

Ул кеча меърожға чиқти расули Мустафо,
«Қоба кавсайн»и «авадно»ға борди мужтабо,
Махрами асроридин Аҳмадга билдурди Худо,

Ҳам шариат, ҳам тариқат, ҳам ҳақиқатдин Худо
Англагиб, Аҳмад димоғига тегиб бўйи насим.

Жабраил келтурди ваҳий, айдики раббул оламин,
Халқи оламға сани қилди расули мурсалин,
Бўлдилар уммат Муҳаммадга ҳама рўйи замин,
Ҳақ таъолоға анингдек ўзгаси йўқтур яқин,
Чун Муҳаммад икки дунёга эрур дурри ятим.

Жабраил келди, деди эй, гавҳари олижаноб,
Чун салом деди Худо, баъд аз дуруди беҳисоб,
Тухфа бердиким, санга оти эрур фурқон китоб,
Чун шариат аҳли андин токи тобқайлар савоб,
Аввали қуръонда ёзилмиш алифу лому мим.

Жабраил ҳазрат паёмига бўлубон посбон,
Чунки саййид мурсалин тожи ҳама пайғамбарон,
Рўзи маъшарда шафоат қилгай ул нури аён,
Киргиси жаннатга охир бу сабабдин осиеён,
Жумла оламини димоғига етиб бўйи насим.

Кўзлари тафсиридур оятда «мозоғ албасар»,
Бу жаҳонга мўъжиза кўрсатти ул-шамсул қамар,
Ул лаинлар дедилар, эрмиш Муҳаммад сеҳргар,
Ҳазрати Аҳмад расулни қаҳридин қилмай ҳазар,
Чун Муҳаммад қаҳридин бўлди сазовори жаҳим.

Баъд аз он наъти наби алқоби ёрони кибор,
Сан тилимға жори қил мадҳини айлай ошкор,
Ёри аввал Сиддиқ эрди бе назири рўзгор,
Ёри дуввумдур Умар исломни этти ошкор,
Чунки дарёйи ҳақиқатда эди дурри ятим.

Эмди келдим ёри саввум мадҳини айлай баён,
Жомиъул қуръон, ки Усмон эрди ул оли нишон,
Ёри чорум ҳазрати шери Худо соҳибкирон,
Қотили куффор, ул, дулдул сувори лемакон,
Ходийи роҳи ҳақиқатда сиротул мустақим.

Ё илоҳи, эмди қилгайсан бу банданга назар,
Жандами, бар душ этиб кирдим бу йўлга дарбадар,
Дашту саҳрову биёбонларни излаб сарбасар,
Тобмади ҳаргиз бу Машраб ўз вужудидин хабар,
Бир назар қилсанг, ки роҳат тобқуси жону таним.

Иккинчи таҳаллуслари Маҳди, учинчиси Зинда эрди. Алқисса анолари эшитиб, орқаларидин излаб чиқиб, зор-зор йиғлаб Машрабни кўрдиларки, йиғлаб юрубдур. — Эй, нури дийдам, болам, — деб қўлларидин тутуб, бир неча панду насихатлар қилдилар, шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Ярайдур манга ҳижрон илгидин фарёдлар қилсам,
Бориб Ҳақ олдида дасті фалақдин додлар қилсам.

Агарчи додима етса чоқибон ишқ чоқмоғин,
Фалақни уйига ўтлар қуюб фарёдлар қилсам.

Мани бир дам халос эт, эй биродар гуссаву ғамдин,
Ани ёди билан ҳар дам кўнгулни шодлар қилсам

Мани ҳолим агар ишқ аҳли кўрса зор йиғлайдур,
Агар дарду ғамингдин зарраи бунёдлар қилсам.

Ўшалким ғарқи дарёи муҳаббат бирладур Машраб,
Дилу жоним билан ҳар дам агар фарёдлар қилсам, —

деб, шоҳ Машраб анолари бирла уйга келдилар. Анолари орзу қилур эрдиларки, янги либос кийиб юрсалар деб, аммо шоҳ Машраб либосларини ҳар ерда ожиз, бараҳна-лар бўлса анга берур эрдилар. Анолари йиғлаб айдиларки: «Эй нури дийдам, болам, сизга неча орзулар бирла либос қилиб берсам на учун киймайсиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Эй ано, сиздин таваллуд бўлғонда либосим бор эрдиму?» Анолари айдилар: «Йўқ». Шоҳ Машраб айдилар: «Яна бараҳна кетарман», — дедилар. Анолари бу сўзни эшитиб, Худога қўб шукрлар қилдилар. Андин сўнг айдиларки: «Эй ўғлум, бу сирни ҳеч кишига изҳор қилманг», — деб қўб хурсанд бўлдилар. Яна шоҳ Машрабни анолари шавҳарларига дедиларки: «Эй шавҳар, бу ўғлимиз жинни эмасдур, аммо девонае барҳақдур». Вақтеки, Шоҳ Машраб ўн беш ёшга етган вақтгача авратларини очилганидин мутлақ хабарлари бўлмай масти беихтиёр юрур эрдилар. Бир кун атолари айдикки: «Эй хотун, бу ўғлунгни девонае барҳақ дерсан, лекин бу шаҳарда югудек бўлмадим, келгил, иккимиз мулло Бозор охундни хизматларига бориб, дуоларини олиб келайлик. Ул киши бузрук кишидурлар, шоядки, панду насихат қилсалар. Нафасларини шарофа-

тидин ўғлимиз девоналикдин халос топиб, шариат амрини пос тутуб юрса», — деб эшони мулло Бозор охундни хизматлариға келдилар. Йиғлаб айдиларки: «Ё ҳазратим, бизлар ноқобил фарзандни дастидин жанобингизга додга келдук». Аммо мулло Бозор охунд андоғ бузрук киши эрдилар, ҳар вақтки зикр этсалар оғизларидан ўт чиқар эрди, айтур эрдиларки: «Эй, сўфилар, гофил бўлманглар, манинг ўз вужудимдин ўт зоҳир бўлуб, охирул-амр ўшал ўт бирла куюб нобуд бўлурман».

Алқисса, сўрдиларки: «Ўғлунгни оти нима?» — деб. Айдилар: «Раҳимбобо девонадурки, ўн беш ёшга борибдур. Аммо либос киймайдур, мунинг номусидин бизлар бош чикорғудек бўлмадук. Сиз карам қилиб панду насиҳат қилсангиз. Шоядки, ҳушиға келиб, сатри аврат қилиб юрса экан», — дедилар. Ҳазрати эшони мулло Бозор буюрдиларки: «Чорланглар! Раҳимбобо қайдадур?» Алар айдиларки: «Ҳазратимни қадам жойларида, андин бери келмайдур». Бу сўзни эшитиб ҳазрати эшон муридлари бирла зикру самоъ қилиб йўлга равона бўлдилар. Аммо шоҳ Машрабни одатлари шул эрдикки, ҳар ерда гўристон бўлса одамларни устухонларин кўруб, йиғлаб айтур эрдиларки: «Эй одамизод, охир ўлуб бошингга тушадурғон иш будур». Вақтеки, ҳазрати эшон муридлари бирла зикру самоъ қилишиб келгач, шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Шахду шакардин ортуғум, ул ороми жоним келдилар,
Кўнгил уйини кўргали руҳи равоним келдилар.

Кетиб эди ақлу ҳушим, билиб тузарлар хохишим,
Йўқтур алардек ҳеч кишим, ширин забоним келдилар.

Соқи манга сўнгил қадах, махмур эдим ман ишқида,
Шаҳри вужудим сайриға шоҳи жаҳоним келдилар.

Ёд айлар эрдим гоҳ-гоҳ, келгайму деб ул подшоҳ,
Бўлди юзум монанди коҳ, ул дилситоним келдилар.

Доим анга ҳайрон эдим, ишқида саргардон эдим,
Мен Машраби гирён эдим, ким ёри жоним келдилар.

Алқисса, мулло Бозор охунд етиб келдилар. Шоҳ Машраб ўрунларидин туруб эъзоз ва икром бирла бу ғазални ўқудилар:

Бақунжи офият биншин, бихур нони ба осони,
Агар ту пири қанъони бавакти, марг дармони.

Агар ринди хароботи, вагар пири муножоти,
Агар саййиду содоти бавакти, марг дармони.

Агар масти-ю махмури, вагар аз офият дури,
Агар Мансури Ҳалложи, бавакти марг дармони.

Агар ту симу зар дори, вагар заррин камар дори,
Бигу дар ҳар нафас охи, бавакти марг дармони.

Агарчи Машрабо шоҳи, ки дарवेशи ҳамеҳоҳи,
Бигу дар ҳар нафас охи, барвакти марг дармони.

Алқисса, мулло Бозор охунд Машрабни бу ғазалла-
рини эшитиб, масти беихтиёр бўлдилар. Андин сунг айди-
ларки: «Эй ўғлум, ато ва анонгни розилиғиға ҳам қаро-
ғил, чунки Аллоҳи таъоло ўз каломида хабар берибдурки:
«Вабил волидайни эҳсоно», — деб. Андин сунг эшони мул-
ла Бозор охунд Машрабға қўб лутфу марҳаматлар қилиб,
муҳаббат билан фарзанд ўқудилар:

Аз амри Худо баландтараст амри падар,
Беамри падар касе ба жое нарасад.

Жаннатки, ризое модаронаст,
Зери қадамони модаронаст.

«Эй ўғлум, санга ва манга ато-анони хизматлари фар-
зу вожибдур, аларни хизматларини ғанимат билгайсан». Бир неча панду насихат қилдилар, эрса шоҳ Машраб яна бу мухаммасни ўқудилар:

Ишқида қуймас ҳеч ким, афсона бўлмағунча,
Шамъида ёнмас ҳеч ким, парвона бўлмағунча,
Сўймас садафни ҳеч ким, дурдона бўлмағунча,
Адҳам сифат дунёдан бегона бўлмағунча,
Бошга олиб маломат афсона бўлмағунча.

Сансиз манга нигоро, икки олам керакмас,
Тахту бахту Сулаймон, манга Хотам керакмас,
Хизр умрин берсалар, манга ул ҳам керакмас,

Сансиз ўлай дуо қил, манга бу дам керакмас,
Жону таним қолмади бегона бўлмагунча.

Аршинг куяр оҳимдин тонгла бўлса қиёмат,
Инсу малак йиғлашур, айтур начук аломат.
Хуру ғилмон бихиштинг айтушурлар надомат,
Чикса ўғум заррача ҳеч ким қолмас саломат,
Қолмас Молик дўзахинг сўзона бўлмагунча.

Қонлар тўқуб кўзумдан ҳар дам ани ёд этай,
Қози бўлса Ўғоним, сийнам ёриб дод этай,
Зор кўнгулни шод этиб, васлин ани ёд этай,
Маҳшар қуни дод этиб хаста кўнглум шод этай,
Дилбар сўймас кўнгулни вайрона бўлмагунча.

Ишқи дилға ўт урди фано йўлин чоғладим,
Қисмат шундоғ эркаи ким, белим маҳкам боғладим,
Ошиқлиғда ман букун юрак-бағрим доғладим,
Дардим беҳад зўрлади даргоҳиға йиғладим,
Раҳм айламас нигорим, гирёна бўлмагунча.

Ошиқ бўлсанг шундоғ бўл жонни фидо айлағил,
Ҳажру фурқат меҳнатин кунда меҳмон айлағил,
Етса жавру жафолар элдин пинҳон айлағил,
Зулфи чин-чин куфрини жонга имон айлағил,
Жонингга жон уланмас жонона бўлмагунча.

Номус кетмас ҳеч кимдин ишқа қадам қўймаса,
Адҳамсифат дунёни то пушти по урмаса,
Восил бўлмас васлиға ялғуз ўзин суймаса,
Рози бўлмас қазоға ишқ ўтига қуймаса,
Тобмас дилбар сўроғин бирёна бўлмагунча.

Вақти баҳор май ичгил, билгил ишрат ғанимат,
Соқи сўнғил қадаҳни, фурсат, суҳбат ғанимат,
Зоҳид айтур, дўстларим, тасбеҳ тоат ғанимат,
Машраб қаландарингга ҳар кун офат ғанимат,
Кўрмас маъшуқ юзини афғона бўлмагунча.

Алқисса, мулло Бозор охунд Машрабдин бу ошиқона
сўзларни эшитиб, офаринлар қилиб Машрабни ҳақиға
дуойи хайрлар қилдилар. Андин сўнг айдилар: «Эй ўғлум,
ато ва анонг хизматларида бўлғил». Шоҳ Машраб айди-

лар: «Ошиқни атоси ва аноси бўлмас, эй Охунум, сиздин бир саволим бор, агар жавоб берсангиз атом бирла аном хизматларида бўлсам, бўлайин». Охунд айдилар: «Сўрагил?» Машраб айди: «Ўшал куники, Худойи таъоло ҳазрати Одам алайҳиссаломни ўз қудрати комиласи бирла пайдо қилиб, ер юзига туширди анда ҳазрати Одам алайҳиссалом айдилар: «Мани пуштикамаримдин фарзандлар пайдо қилиб оламга тўлдургайсан, андоғ эрса аларнинг руҳларини манга кўрсатгил?» Худойи таъолодин нидо келди: «Эй одам, ўнг қўлингга қарагил!» Ҳазрати Одам алайҳиссалом қарадилар, эрса тамом оқ кийган арвоҳларни кўрдилар. Айдилар: «Худовандо, булар кимлардур?» Нидо келдики: «Эй одам, булар сани солиҳ фарзандларингни арвоҳларидур». Яна фармон бўлдики: «Ё одам, сўл қўлингга қарагил!» Ҳазрат Одам алайҳиссалом қарадилар. Эрса, тамом қаро кийган арвоҳларни кўрдилар. Айдилар: «Худовандо, булар кимлардур?» Нидо келдики: «Ё одам, сани кофир фарзандларингни руҳларидур». Эй Охунум, ўшал вақтда мани руҳум қайси тарафда эрди. Асҳоби яминда эрдиму ё асҳоби шимолда эрдиму? Агар дарҳақиқат ўнг тарафда бўлса, ман хотиржам бўлуб, субҳи шом ато-аномни хизматларида бўлайин», — дедилар. Охунд айдилар: «Эй ўғлум, мандин сиз бир улуғ — зўр масала сўрадингиз, муни илми ғайб дерлар. Илми ғайб хосайи Худойи таъолодур. Ани Худодин ўзга ҳеч киши билмас». Машраб айди: «Эй Охунум, сиз ўз ҳузурингизда бўлунг». Андин сўнг эшони мулло Бозор Охунд гирён-гирён ўз тоатхоналариға равон бўлдилар. Эрса, Машраб бу мухаммасни ўқудилар:

Илоҳи раҳм қил ман хастағага қўб нотавондурман,
Қизил гул ғунчасидек таҳ-батаҳқим бағри қондурман,
Қилурга шарҳи дил йўқтур забоним, безабондурман,
Ғариби бекасу беманзилу ҳам бемақондурман,
Ғадое хонае бардўшу расвое жаҳондурман.

Бало даштида Мажнундек ажаб оворадур кўнглум,
Жунун бозорида Мансур каби афсонадур кўнглум,
Муҳаббат ўтида куйган, ўшал парвонадур кўнглум,
Тушуб зиндони ғам ичра кўрунғ хайронадур кўнглум,
Асири ғам бўлуб банд ичра рангги зааъфарондурман.

Мунаввар моқ эди бахтим, тутубдур гардини ҳола,
Бу янглиғ тира бахтдурман, кўнгул — паргола-паргола,
Чароғон кирпичим устидадур монандае ҳола,
Муҳаббат шавқида ҳар дам қилурман кумридек нола,
Кечодин то сахар ман ҳамдаму оху фиғондурман.

Жаҳонни ҳеч бақоси йўқ, қани Қайхисраву Дороб,
Қани Жамшиду Искандар, қани Рустам, қани Сухроб,
Қани жумла паямбарлар, қани ул соҳиби меҳроб,
Қани Бу Бақру Сиддику Умар Усмон дури ноёб,
Қани Ҳайдар, дер эрдилар, ки ман соҳибкирондурман.

Тамони мулки оламни ажални чокари кўрдум,
Ҳаёл ила назар қилдим, ўзумни кофари кўрдум,
Бориб бутхонага қирдим, ўзумни озарм кўрдум,
Бу дайри кўхнага боқтим, бузулган лангари кўрдум,
Ки ман йўл ўтгучи ғурбатдаги бир корвондурман.

Бу Машраб остонанга келибдур Каъбатуллоҳ деб,
Келиб даргоҳинга турмуш, ҳабибаи шайануллоҳ деб,
Адам мулкига юзландим қилай имонни ҳамроҳ деб,
Ба ҳаққи олу асҳобинг қуруқ қайтарма гумроҳ деб,
Қаён боргайман эй Аҳмад, саки ул остондурман.

Алқисса, шоҳ Машрабни қилмишлари қибоб эрди.
Ихлос қилган кишиларга носазо сўзлар айтур эрдилар.
Ярим кулоч яғончи от қилиб миниб юрур эрдилар. Аммо
ёшлиқда ихлос қилган бир муридлари бор эрди, ул ҳам
яғочдин от қилиб, миниб юрур эрди. Шоҳ Машраб эшон
мулло Бозор охунднинг орқаларидин шаҳарга равона
бўлуб, бу ғазални ўқудилар:

Тушти савдойи муҳаббат бошима,
Ор этиб мардум келурлар қошима.

Сажда зоҳид айлагай меҳроб аро,
Мен қилурман сажда эгма қошима.

Муҳтасиб тўқтурди соқи бодасин,
Етмади ақли мани сирдошима.

Кунда юз минг жавр қилсанг ўргулай,
Қўй қараб ғам юкини бардошима.



Машраби девонани дилшод этиб,
Не сабабдин келмадинг бир қошима.

Алқисса, шоҳ Машраб отлариға миниб, шаҳарга равона бўдилар, аммо шоҳ Машрабни бир муриди бор эрди. Ани оти Пирмаст эрди. Чоқириб айдилар: «Эй Пирмаст, отим неча кундин бери очдур, арфанг бўлса чиқариб бергил?» Пирмаст «хўб бўлур» деб, бироз арфа чиқориб бердилар. Шоҳ Машраб отлариға солиб айдилар: «Эй жонвар, хўб егилки, манзил узоқ, уқбалар баланд, йўллар хатарнок, ҳамроҳлар кетди, эмди навбат бизларга етти, ҳориб, шарқ манда қилмагайсан, егил», деб арфани олдиға солиб, мулла Бозор охундни олдиларида бу ғазални ўқудилар:

Маърифатни гулзори мулло Бозор девона,
Ошиқларни сардори мулло Бозор девона.
Йўқтур асло кийнаси, баҳри урфон сийнаси,
Нури Ҳақ ойинаси, мулло Бозор девона.
Жойларидур Наманган, Ҳақ йўлида жон берган,
Муридларин синоған, мулло Бозор девона.
Ичларидур тўла нур, пирларидур Баҳодур,
Бухорода ул машхур, мулло Бозор девона.
Машраб ўзи девона, ишқ ўтиға парвона,
Йўл юродур сарсона, мулло Бозор девона.

Эшон кўрдиларки, Машрабда ажаб ҳолати бордур.
Айдилар: «Эй, девона, хуш келдингиз». Шоҳ Машраб эшони мулло Бозорни илтифотлариға бу ғазални ўқудилар:

Ишқинг ўтиға куйноли келдим,
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.
Савдойи зулфинг тушги бошимға,
Сандин давосин сўрголи келдим.
Баҳрингга кирдим, ғаввос бўлай деб,
Бир дурри максуд олғоли келдим.
Мандин сўрасанг, эй гулбозорим,
Маҳви жамолинг бўлғоли келдим.
Осий кулунгман ёниб гунаҳдин,
Астағфируллоҳ айғоли келдим.
Қофила кетти, манзилға етти,
Мен ҳам аларға етголи келдим.

Соки қадаҳни қилғил муҳайё,
Ваҳдат майидин ичголи келдим.
Раҳмат эшигини Машрабга очғил,
Ишқинг кўйида ўлғоли келдим.

Алқисса, эшони мулло Бозор айдиларки: «Борокаллоҳ, эй Машраб, қайда эрдинг?» Қибоб қилиб айдиларки: «Бир маъшуқим бор эрди, манга ваъда қилиб эрдик, эримни алдаб сахроға юборурман, келғил икковимиз айшу ишрат қилурмиз, деб эрди, сиздин жавоб олғони келдим, борайму бормайму?» Эшон табассум қилиб айдиларки: «Борғилки, «Ал-ваъдату дайнун» яъни ваъда қарз дерлар, ваъда қилгандин кейин ваъдага вафо қилмоқ лозимдур». Анда шоҳ Машраб хушнуд бўлуб, чиқиб равон бўлдилар. Эшоннинг муридлари айдилар: «Тақсир, Машраб олимни масхара қилди, ани баҳридин ўтунг ва бу даргоҳдин қувланг». Эшони Охунд айдилар: «Ҳар ким Машрабга озор берса, ман ул кишидин озор топарман. Ҳаргиз даҳл қилманғлар. Исойи ҳам ўз йўлига, Мусойи ҳам ўз йўлига, — дедилар. Аммо Машрабнинг пири рухсат кунандаси Қошғардадур. Иши анда тамом бўлур».—Аммо икки сўфи орқаларидан мўралаб борур эрдилар. Бир-бирларига айтур эрдиларки: «Агар бу деган сўзи чин бўлса тутуб, юзига қаро сўртиб даргоҳдин қовлармиз»,— деб. Келиб кўрдиларки, шоҳ Машраб бир ҳолатига тушуб, кўчаларда Худойи таъолоға нолаву зорилар қилиб, бу ғазал андин зуҳурға келадур:

Нақши ҳастиро шикастам, боракаллоҳ-ул азим,
Яъни чашм аз ғайр бастам, боракаллоҳ-ул азим.

Борҳо будам гирифтори каманди доми ақл,
Пора кардам дому растам боракаллоҳ-ул азим.

Толиби мажҳул бошад то бакай жўёни Ҳақ,
Барқи шамъи у бижустам боракаллоҳ-ул азим.

Айюҳал ушшоқ Ҳақ гўяндае «қолу бало»,
Жўши дарёи аластам боракаллоҳ-ул азим.

Ғайри Ҳақро гар биржўям нест мўъмин номи ман,
Машраби бал бутпарастам боракаллоҳ-ул азим.

ВАЛАҲУ АЙЗАН

Етти дўзах марди Ҳақни олдида гулзордур,
Қўл тутарға раҳнамойим марди соҳибкордур,

Гар қўлунгдин келса ҳаргиз мўрчани оғритмагил,
Ким, Худо бандам демас ҳар кимки дил озордур.

Бўлмагил зоҳидсифат, дунёда бўл марди фақир,
Кимки бад ҳолат бўлуб кетти тани мурдордур.

Сан азиз этган кулингни ҳеч киши хор айламас,
Сан агар хор айласанг ҳар ерда бўлса хордур,—

деб шоҳ Машраб юрур эрдилар, халқ орқаларидин эрга-
шиб, аҳволлариға таажжуб қилур эрдилар.

Ўшал кун санга эй шўхи ситамгар ошно бўлдум,
Жамолингни кўрай деб орзу бирла адо бўлдум.

Ба бозори Муҳаббат гавҳари қиймат баҳо эрдим,
Рақиблар олдида мисли садафдек кам баҳо бўлдум.

Қаландарвор ҳажрингда навову нолалар қилдим,
Сани дарду ғамингдин, эй пари пайкар адо бўлдум.

Муҳаббат ўти куйдурди юрак-бағримни эй Машраб,
Куюб кул бўлди жисмим, нест бўлдум, зери по бўлдум,—

деб, шоҳ Машраб идғоҳга келдилар. Ўшал кунлар ид мав-
суми эрди. Идғоҳда бир катта қўл бор эрди. Шоҳ Машраб
жомаларини ташлаб, ўшал қўлда чўмулдилар. Ҳама халойиқ
кўруб турар эрдилар. Шул қўлга бир шўнғудилар. Ҳеч бир
асарсиз бўлуб кеттилар. Бу воқеани кўруб, халойиқ ҳай-
рон бўлдилар. Анолариға хабар еткурдиларки, Машраб ўзи-
ни қўлга ташлаб, ғойиб бўлди, деб. Анолари эшитган ҳамон
ох, жоним болам, деб зор-зор йиғлаб келиб, қўлни лабида
ўлтуруб дедик: «Эй нури дийдам, жон болам, сизни шул
умид бирла боқиб эрдимму? Мундоғ бўлғонингизга рози
эмасман»,— деб жудолик ғамидин бу ғазални ўқудилар:

Бу ғариблик даштида куюб адо бўлдум балам,
Мисли ул боди хазондек қаҳрабо бўлдум балам.

Бу жудолиғ дардини айтай эшитинг дўстлар,
Рози дилни айтайин сандин жудо бўлдум балам,—

десалар, шоҳ Машраб сувнинг ичида туруб, аноларига бу
байтни ўқудилар:

Ёш қолибман отадин кўнглумни шод этган аном,
Меҳрибонлиғларни кун-кундин зиёд этган аном.

То қиёмат бу жудолиғ дардига туштум дебон,
Нури чашшим қайдасан деб анда ёд этган аном,—

десалар, шоҳ Машрабни анолари эшитиб, хурсанд бўлуб бу
ғазални ўқудилар:

Бу жудоликқа қолибман қайдасан жоним балам?
Ҳасратингдин қон ютубман, қайдасан жоним балам?

Тун сахарларда туруб совуқ бешигингни кучуб,
Эмчагимдин сут берибман, қайдасан жоним балам,—

десалар, шоҳ Машраб «Аллоҳу акбар» деб, сувдин чиқиб,
аноларига салом бериб дедилар: «Эй меҳрибоним аном ва
эй ғамгузорим аном, манингдек ноқобил фарзанддин рози
бўлунг, Аллоҳи таъоло мани шул кўйга солибдур,— деб
эшони мулло Бозор охундни хизматларига равона бўлди-
лар. Тамом одамлар сайҳа тортишиб шоҳ Машрабни орқа-
ларидин юрур эрдилар. Мулла Бозор охунд кўрдиларки,
шоҳ Машрабни кўзларида йиғлагон ёшни асари бор. Охунд
сўрдиларки: «Қайда эрдинг?» Шоҳ Машраб айдилар: «Маъ-
шуқум бирла ҳазл ва мутоиба қилиб ўтуруб эрдим, бано-
гоҳ эри сахродин ўтун кўтариб келиб қолди ва мани тутуб
олиб, таёқладилар. Шарманда бўлаёздим. Лозимимни
қўлтуғлаб қочтим»,— дедилар. Эrsa эшони мулло Бозор
охунд бу сўзга таажжубда эрдилар. Ўлтурғон халойиқдин
овоз чиқтики: «Таксир Охунум, Машраб ялғон айтадур.
Кўчаларда йиғлаб юруб, идғоҳга бориб, кўлға чўмулуб
чиқти»,— дедилар. Эrsa мулло Бозор охунд ҳай дариғ,
деб қўлларини тиззаларига уруб, дедиларки: «Сизлар бе-
адабдик қилибсизлар, Машраб бу вилоятни фиску фужу-
рини кўторур эрди. Эмди Машрабни кўрмоқ йўқтур»,—
дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй охунум, сизга бу ви-
лоят қутлуғ бўлсун, бизга йўл қутлуғ бўлсун»,— деб бу му-
хаммасни ўқудилар:

Токай мани бечороға бу дарду аламдур,
Васлингги тилаб кўнглума ғам устина ғамдур,
Ҳижрон ичида мунча манга жавру ситамдур,
Бу даври фалак балки ба тақдири қаламдур,
Бу ғуссадиң ўлсам бошима оҳим аламдур.

Сан дилбари, жононаву ман ошиқи шайдо,
Жонимни берай васлинг учун эй дури якто,
Неткум мани ишқинг бу сифат айлади расво,
Мажнунға тушуб доғи ғаминг кўзлади сахро,
Васлингға етиб ўлса бу ошиқға на ғамдур.

Васлингта етолмай санамо хаста бу жоним,
Тун-кун сани излаб, югуруб ташна забоним.
Бир неча маҳалдурки, чекар ғусса равоним,
Етмасму санга мунча мани оху фиғоним,
Бу хастани дойим тилаги луфту қарамдур.

Жон қийнамайин восили жонона бўлурми?
Найсонки садафсиз дури дурдона бўлурми?
То кўймаса шамъ ўтига нарвона бўлурми?
Оғзини очиб сўзламай афсона бўлурми?
Васлинг асалу ҳажру ғаминг аччиғи самдур.

Ҳайратда юурман санамо, васлингни излаб,
Дойим бу тафаккур кўзи бирла сани кўзлаб.
Ҳайрону саросима юруб телбали сўзлаб,
Уқбо ғамидин хавф этаман сан сари бўзлаб,
Охир бу ажалнинг қўлидан барча адамдур.

Чин ошиқ эсанг берма кўнгул нафси ҳавоға,
Куб ётма саҳар, ўйғона кўр зикри Худоға,
Ғофия юрума, бўлма гирифтори балоға,
Машраб ўзинги солма неча жавру жафоға,
Тўғри юрусанг эл сўзидин санга на ғамдур.

Алқисса, тамоми халойиқға бехудлиқ рўй бериб, Машрабни орқаларидин эргашиб юрсалар, Машрабни жунунлари зиёда бўлиб, бозор бошиға келиб, қўлларига созни олиб, бу мухаммасни ўқудилар:

Ишқ ичра қадам қўйдуму то тарки сар этдим,
Сийнамни маломат ўқиға ман сипар этдим,

Бу манзили беҳудани ташлаб сафар этдим,
То олами зохирға келиб ман гузар этдим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар этдим.

Ҳижрон кечаси нола қилиб ҳамдами тобмай,
Ҳижрон қилчи захмасига марҳами тобмай,
Бу дарди — дилимни дегани одами тобмай,
Ахволи кўнгул айғоли бир маҳрами тобмай,
Зулмингни қариндошу ғамингни падар этгим.

Эй ёр, сани лаъли лабинг мисли асалдур,
Ҳар бир бокишинг тири бало жонга халалдур,
Рум аҳлини занги асир этти на масалдур,
Савдойи сари зулфунг учун неча маҳалдур,
Жон кишварини буздуму зеру забар этгим.

Қилди бу фалак шуъбадаси хаставу дилреш,
Ошиқ кишилар билса ани душман эрур хеш,
Бир йил, ўн икки ою ҳамал ёз ила ҳам қиш,
Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвиш,
Бас жандани кийдим ўзими дар-бадар этгим.

Ғам кечалари бўлди манга мунису дамсоз,
Ул шўҳи бало сайди қилур кўзлари шахбоз,
Ғам хайли жафо бирла эди соҳиби ҳамроз,
Васлинг ҳаваси бирла кўнгул этгали парвоз,
Ҳар ўқки, юрак узра эди болу пар этдим.

Эй ёри азизим қани Одам била Ҳавво,
Ул шоҳи тариқат қани Нажмиддини Кубро,
Мардони Худо билгувчи бу нуктае тўғро,
Ошиқға раво эрмас учун маскану маъво,
Чун оби равон бўлдиму яъни сафар этдим.

Ман мунда хароб ўлдиму сан анда саломат,
Дунёйи дағо ичра манга йўқту ҳаловат,
Жон мулкина меҳмон келиб эрса на саодат,
Ифтора кабоб этгали эй аҳли маломат,
Хуни жигарим жамъ қилиб мо ҳазар этдим.

Қадр кечасида бўлғали ёрим била ҳамгаб,
Бир ғамзада торож этибон дин ила мазҳаб,
Сиррини ниҳон этти будур боиси мансаб,

Кўтоҳ назари бўлмаса деб хаста бу Машраб,
Минг маънини бир нукта билә мухтасар этдим.

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални то охир ўқуб жазаба ва жунунлари зиёда бўлуб, бир тефаға чикдилар. Тўрт тарафга боқиб, «Қошғар тарафидин бир марди Худони йси келадур», — деб равона бўлдилар. Илгари эшитиб эрдиларки, набирайи ҳазрати Махдуми Аъзам Офоқ хожам Қошғарда деб. Маъние Офоқ улдурки, «Кутбил Олам» деган бўлур, дунёда икки Офоқ ўтубдурлар: бирлари Хожа Абдул Холиқ Ғиждивони, яна бирлари ҳазрати Офоқ хожамдурлар. Машраб андиша қилдики: «Мундоғ юргонимдин андоғ зоти шарифни хизматлариға борсам беҳроқдур», — деб бу ғазални ўқудилар:

Надоматда тўқуб ёш, васлинг излаб юргоним беҳроқ,
Ғаму дардинг рафиқ айлаб, мудом ох ургоним беҳроқ,

Жаҳон айвонида юрган, муҳаббат ўтиға куйган,
Суяр қуллар изини кўзларимга сурганим беҳроқ.

Ушал Мажнуни ҳайрондек юрак-бағрим оқар кўздин,
Санамни ҳажрида саҳрову чўлни кезганим беҳроқ.

Қиёмат ҳашроҳида сўралғай барча кирдорим,
Якомни чок этиб валлоҳ, букун дод этганим беҳроқ.

Муяссар бўлмаса жаннат ичида давлату дийдор,
Биҳиштдин кечибон дўзах ичида куйганим беҳроқ.

Хазон бўлмай гулистони баҳори умр, эй Машраб,
Саҳар вақтида булбулдек фиғонлар қилганим беҳроқ.

Алқисса, шоҳ Машраб Лангар мазоридин чиқиб, ўз ҳасби ҳоллариға бу ғазални ўқудилар:

Намангон шаҳридин кетсам, мани йўқлар кишим борму?
Ғариблик шаҳрида юрсам, мани йўқлар кишим борму?
Муҳаббат шарбатин ичдим, қозондек қайнабон тоштим,
Бу фони дунёдин кечтим, мани йўқлар кишим борму?

Тушубдур бошима савдо, рамузи ишқдин ғавго,
Ўзига айлади шайдо, мани йўқлар кишим борму?
Туради тоқатим йўқлар, асарға ҳолатим йўқтур,
Юшгани ишқ ўти кўбтур, мани йўқлар кишим борму?

Қарорим йўқ турай десам, Намангонда юрай десам,
Жаҳонни сайр этиб кезсам, мани йўқлар кишим борму?
Бу мискин зор Машрабинг киши ҳолини билмайдур,
Бу ердin бош олиб кетсам, мани йўқлар кишим борму?

деб, йўлга равона бўлдилар, ногоҳ бир қўйчи қўй боқиб юрур эрди. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй қўйчи, пирингни билурмусан?» Қўйчи айтти билмасман. Шоҳ Машраб айдилар: «Ман агар сани пирингни баён қилсам, манга нима берурсан?» Қўйчи айди: «Бу қўйлар кишини қўйидур, манда ҳеч нимарса йўқтур сизга берсам». Машраб айдилар: «Йўқ эса ушбу итингни бергил, ман санга пирингни баён қилай». Қўйчи ночор бўлуб, итини берди. Андин сўнг шоҳ Машраб асҳоби Қаҳфнинг исмларини бир-бир баён қилдиларки: Ямлихо, Максалмино, Кашфутат, Озарфат Юнус, Ювонис Юнис, Табюнис, Кашофат Юнис, Исми Калбуҳум Қитмир, дедилар. Андин сўнг итни олиб айдилар: «Эй жонвари безабон, эмди манга бўлғил», — деб итга боқиб, бу байтни ўқудилар:

Эй рафиқи безабон, ҳар ерда бўлсак биз иков,
Хоҳ саҳроларда, хоҳ шаҳр ичра бўлсак биз иков,

Ҳар жафову жаврлар бўлса Эгам тақдиридур,
Хоҳ яхши, хоҳ ямонлиғ, шоду ғамда биз иков.

Бесару сомон юрурмиз, бу жаҳон айвонида,
Рози дилни айтишиб ҳар ерда бўлсак биз иков.

Молу мулку, хонумонни ташлабон Адҳамсифат,
Маккаву Батҳо, Мадина анда бўлсак биз иков.

Аввалан топсак ҳидоят пири муршид топибон,
Кеча-кундуз хизматини жонда қилсак биз иков.

Машрабо юз шукр қилғил, санки тобтинг бир рафиқ,
Қайда бўлсак, қайда юрсак, ёри содиқ биз иков, —

деб, шоҳ Машраб йўлга равона бўлдилар. Дарё лабига етдилар. Эrsa, ҳеч ким Машрабга парво қилмади. Девонани жунунлари туғён қилиб, сеторни қўлларига олиб, бу мухаммасни ўқудилар:

Зиқи расволиғим оламға солди шуру шар танҳо,
Наҳанги нуҳ фалак дарёси бўлди алқазар танҳо,
Нигорим бирла ман бир пираҳанда, ҳалқи дайр танҳо,
Қаландар ман жаҳонни сайр этиб айлаб сафар танҳо,
Чу симургки парвоз айлагай бе болу пар танҳо.

Биҳишт айвонидин тоқу равоқин орзу қилмай,
Олурға дину дунёни матоъин орзу қилмай,
Бари Руму Хито божу хирожин орзу қилмай,
Шаҳи рўйи замини тахту тожин орзу қилмай,
Ғадойи фақр бўлдум сайр эгарман баҳру бар танҳо,

Дили тиғи ситамдин пора бўлган халқни кўрдум,
Тани дарду аламдин ёра бўлган халқни кўрдум,
Кўзи вақти сахар сайёра бўлган халқни кўрдум,
Фано мулкида куб оввора бўлган халқни кўрдум,
Жунун тугён этибдур ҳар бирини баҳру бар танҳо.

Аё эй толиби содиқ, будур арзим баён билгил,
Валиюллоҳ ғойибларни сан ҳам хўб аён билгил,
Қаро туфроқ танингу дилни хуршиди жаҳон билгил,
Назар то кутби олам қилмагунча бегумон билгил,
Начук олғай жавоҳир баҳрдин соҳиб назар танҳо.

Ғараз кавиу макондин ишқ эди на кону на жавҳар,
Мусулмонзода бўлсанг эй биродар, айлагил бовар,
Танингда бўлса гар жон тинмайин сан истагил раҳбар,
Муҳаббатдин насими субҳи содиқ бўйи гул истар,
Қани бу булбули шўридадин охи сахар танҳо.

Мижозий шохлар дарвозасин ёстанмағил зинҳор,
Кириб ғори фанода ётгилу ўйғонмоғил зинҳор,
Жафо етган била марди Худодин тонмағил зинҳор,
Бало дашти агарчи пур хатардур ёнмағил зинҳор,
Қадам бу води узра қўйғасен чун шери нар танҳо.

Букун махмурман пири муғон олдида бош урдум,
На шайх олдиға бордум, на бараҳман сўзида турдум,
Йўлунгда гоҳ югурдим, гоҳ йиқилдим, гоҳ ўлтурдум,
Сани эй нозанин, то кўргунча Таърига топшурдум,
Мани мундоғ мусофир айлади даври қамар танҳо.

Тиларсан Машрабо жон телбасидин суҳбати маъшук,
Йуқ этгил ўзлугунгни келмағай то ғайрати маъшук,

Вужудунгни адам қилмоғлигингдур миллати маъшук,
Муяссар бўлмаса махрам саройи хилвати маъшук,
Бу йўлга ғайр бирла киргали бўлмас магар танҳо,—

деб, шоҳ Машраб Андижон тарафига равона бўлдилар.
Дарё лаби бирла борур эрдиларки, Балиқчидан бир неча
қизлар келиб чўмулуб, турур эрдилар. Шоҳ Машраб алар-
ни кўруб, ҳазлу мутоиба қилдилар. Қизлар айдилар: «Эй
девона, нағма қилиб ғазал ўқунг, бизлар тамошо қило-
лук». Шоҳ Машраб: «Хўб бўлур», — деб бу ғазални ўқуди-
лар:

Бир бокиб кўз учидин танға кетурди жон қиз,
Айланиб, юз ўгуруб, қилди юракни қон қиз.

Кунда минг ўқин отти бу ҳазин жонимга,
Бирига айламади лабларидин дармон қиз.

Юзига парда тутуб, шамъ ўстида фонус каби,
Юз туман зуҳд элини айлади сарғардон қиз.

Золиму ҳам қотилу, хунхордур бешафқат,
Ёр ила ағёрни олдида билур яксон қиз.

Ишқида оҳим ўти учқунидур ой ила кун
Ким, дегайлар бу шарар кўзлари ул чўлфон қиз.

Бу фалак хоби уза қилма гумон ахтар деб,
Садаф хуснига тўлдурди дуру маржон қиз.

Асли гулзор аро булбулдек эрур, эй Машраб,
Шаккарин ханда била тўтйи Ҳиндистон қиз, —

деб, шоҳ Машраб Балиқчидин Андижон йўлиға равона бў-
луб, йўлда бу ғазални ўқудилар:

Масти жоми вахдатам, жоно санга ман зор ўзум,
Шориби хамри аластам ошиқи дийдор ўзум.

«Рабби арини» деди Мусойи калим ҳеч етмади,
Ишқидин нолон бўлубон кечалар бедор ўзум.

Ул Халилуллоҳни содди ўтға Намруди лаин,
Сайрар эрдим ул замон ул булбули афгор ўзум.

Юсуфи зиндонига бўлди муяссар тожу тахт,
Ҳасратида мисли Яъқуб дийдаси хунбор ўзум.

Етти ғабродин ўтуб, тўққиз фалақдин ҳам тақи,
Қурби Ҳақни кўзлаган ул Аҳмади Мухтор ўзум.

Бирлигинга ман сигиндим, ё Аҳад сандин мадад,
Машраб айтур, ё Илоҳи барчадин безор ўзум,—

деб, шоҳ Машраб Андижонга бу талқинни айтиб кирдилар:

Мажнун ила кездим неча йил дашту биёбон,
Лайлини сўроғлаб юрудум бесару сомон.

Бу ранжи дилимни эшитиб раҳм эта кўргил,
Висолингни тилаб кимки манингдек санга ҳайрон,

Юз жоним агар бўлса сани йўлингга исор,
Хуштур бу гадолиғ, на қилай тахти Сулаймон.

Маст айлагани бу мани бечора ғарибни,
Бир ғамза қилиб, ўтти қошимдин мани жонон.

Ҳуснунг сифатини ўқубон пири мугонлар,
Девона бўлуб, белни букуб, бўлдилар урён.

Ишқинг ўтида бу юрагим ўртанадур ох,
Охир юрагим бўлғуси ишқ ўтида бирён.

Ҳажринг ғамидин бошима юз жавру жафодур,
Васлингга етай деб сани ошиқ кўзи гирён.

Раҳм айлагилу маҳрами асрор эта кўргил,
Сан ҳарна десанг ман қилайин бандаи фармон.

Бечора кулинг санга деюр арзи дилини,
Бергил, талаби бандани эй Холиқи инсон.

Соқийи азалдин майи бир жўрға тотибман,
Бас онини учундир манга бу нашъайи даврон.

Эй дилбари жонон, сани деб хаста бу Машраб,
Тушти ани бошига бугун меҳнати ҳижрон, —

Йўл уза келди Машрабинг, қўл узат эй Офок холам,
Ман киму Ҳаққа етмагим ёки пирим десаммукин, —

деб, шоҳ Машраб доводдин оштилар. Манзил-баманзил
борур эрдилар. Хожамни остоналарига яқин етгим деб
димоғлари чоғ бўлуб, бу ғазални ўқудилар:

Эй мани нозик ниҳолим, ёри жоним қайдасан?
Бу кўнгул бўстояйда ғунча дидоним қайдасан?

Ҳолимиз беҳад ямондур, келмасанг ҳолим сўрәб,
Эй мани хуш меҳрибон руҳи равоним қайдасан?

Неча кундур бу кўнгул муштоқ эрур дийдорингта.
Ўргулай эй дилбари ширин забоним қайдасан?

Кўзларим гирён бўлуб, қолди бу ғам саҳросида
Ҳасратингда чиқти бу оху фиғоним қайдасан?

Ташналабдур Машрабинг бўлди юраги ҳам кабоб,
Фурқатингда эй мани ороми жоним қайдасан?—

деб, шоҳ Машраб ўзларини ўшал соатда Қошғар вилояти-
да кўрдилар. Қошғар халқини кўруб, жунунлари зиёда бў-
луб, бу ғазални ўқудилар:

Даргоҳингга бир ожизи афгор келибман,
Арзи дилими айтмак учун зор келибман.

Йўқтур илгимда санга бир тўхфае лойик,
Жуз зилли гунаҳ эл ичида хор келибман.

Рад қилма қабул айлаки шармандалигимдин,
Расвойи сари кўчаву бозор келибман.

Бозори жаҳон ичра ўшал шахри адамдин,
Жон нақди била санга харидор келибман.

Лутф ила карам айлаву дардимга даво қия,
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.

Зор ила тавалло қиладур хаста бу Машраб,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман, —

деб, шоҳ Машраб Офоқ хожам остоналарига бориб бу муножотни ўқудилар:

Азалдин то абад дўстлар хамиша оҳ деб келдим,
Тилимда раббиял аъло яна Оллоҳ деб келдим.
Ки сан авлоди Пайғамбар, отингдур ҳазрати Офоқ,
Ки навмид қуймағайларким, улуғ даргоҳ деб келдим.
Азалдин манга солди ушбу утни эй мусулмонлар,
Анинг учун қуярман туну кун юз оҳ деб келдим.
Ҳидоят кўргузунг Офоқ хожам пушти паноҳим сиз,
Адашган йўлда қолганман ғарибга роҳ деб келдим.
Кел эй Машраб, умид этгилки авф этгай гуноҳингни,
Ҳасан бирла Ҳусайним хурмати ул Шоҳ деб келдим.

Алқисса, Машрабни муножотлари Ҳазрати Офоқ ҳо-
жамга маълум бўлди, айдилар: «Эй сўфилар, ҳеч хабарла-
рингиз борму? Бир шўрида ҳол девона келиб эшикда йиғлаб
турубдур, шул бечорани мунда олиб келинглар». Мулла
Боқи охунд бирла мулла Соқи охунд чиқиб кўрдиларки,
бир йигит эмди мўйлаб сабз қилган қави ҳайкал, сару по
бараҳна, кўзларидин ўт чиқиб турубдур. Мундоқ де-
вонани ҳеч киши кўрган эмасдур. Девонани ҳазратни
олдиларига олиб кирдилар. Шоҳ Машраб ҳазрати
подшоҳим жамолларини кўруб, бу муножотни ўқудилар:

Бо ҳазрати ту гўям ҳар дам ба сад тавалло,
«Инни заламту нафси фағфирланал» хатоё.
Гар мў сафед кардам, дар роҳи фиску исён,
Ул фазлинг ила ё раб, қилма бу кулни расво.

Роҳи махуф дар пеши ағёр дар каминанд,
Бандангни йўлга бошла лутф айлабон Худоё.
Хоҳи ба лутф сози, хоҳи бақаҳр сўзи,
«Инни илайка насъо ё дофийал балоё».

Ҳақни йўлига юрмай, Шайтон йўлига юрдум,
Узр айғоли тилим йўк, ёраб ба лутф бахшо.
Дар чашми аҳли олам, сўфивашам ба зохир,
Сийрат тирози Ҳомон, андар либоси Мусо.

Бир сандин ўзга ёраб, кимдин умид тутарман,
Чун худ падида кардий аз фазли хеш моро.

Уэри бадин гуноҳи Мансури нотовонро,
«Е раббано, тақаббал минни ба ҳаққи тоҳо.»

Бу муножотни ҳазрат Офоқ ҳожам эшитиб айдиларки: «Эй сўфилар, девонани яқинроқ келтурунглар. Андин сўнг сўфилар икки қўлларидин тутуб олиб келиб ҳазратимиз оёқлариға йиқиттилар. Ҳазратим Машрабни қўлидин тутуб айдилар: «Эй девона, қайдин келурсиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Намангондин келурман». Ҳазратим айдилар: «Ҳожа Ҳофиз Шерозийнинг ғазалларидин ҳеч бир байт билурмусиз, бизга бир ғазал барғи сабз учун ўқусанғиз», — дедилар. Анда шоҳ Машраб хўб бўлур деб, бу ғазални ўқудилар:

Онҳоки хокро ба назар кимё кунанд,
Оё бувадки, гўшаи чашм ба мо кунанд.
Дардам нухуфта беҳ зи Табибони муддаи,
Шоядки, аз хазонаи ғайбаш даво кунанд.

Ҳазратим қўллариини кўториб: «Ҳай бас, агар мундин зиёда ўқусанг кўюб кетарман — дедилар, — эмди ўз ғазалинғдин ўқуғил», — деб амр қилдилар. Шоҳ Машраб ўқудики:

Бугун Махдуми Аъзам подшоҳим кўргали келдим,
Итидек остониға юзумни сурғали келдим.

Қиёмат боргоҳини тузар ул кун малоиклар,
Ки сан кимё назарсан, ман мисам зар қилғали келдим.

Санинг бузруклигингни шуҳрати оламни тутқондур,
Қулинг Машраб дуое хайр ила ёд этғали келдим.

Алқисса, шоҳ Машрабни бу ўқуғонлари Ҳазратимға хуш келиб ишорат қилдиларки, яна ўқуғил, шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Бузруку марди худо деб, дуо тилаб келдим,
Валийи шернамо деб, паноҳ тилаб келдим.
Қўлиға ханжар олиб, ул санам деди: «бош, бер?»,
Камина бекасу ожиз, ризо тилаб келдим.
Қаландаринг яна Машраб йўлунгга бош қўюбон,
Бу остонаға яъни зиё тилаб келдим.

Бу сүз Ҳазратимға хуш келиб, назари илтифотлари бирла қараб, қўлларини очиб, Машрабни ҳақиға дуое хайр қилиб кифтиға қоқтилар. Эрса, бисмил бўлгон мурғдек беҳуд бўлуб, йиқилдилар. Шул подшоҳим Машрабни бошини тиззалариға олиб, ботиндин хабар олдилар. Эрса Машрабни дилини чароғиға ёғ қуюб, филитасини тайёр қилиб, равшан қилғони бир пири комил тобмай юрган экан. Ҳазратим айдиларки: «Эй сўфилар, сизлар гувоҳ бўлунглар, бу девонани отини Машраб қуйдум, оллоху акбар», — дедилар. Андин сўнг, девонанинг оти Машраб демакликға шуҳрат тобти, бошларини кўтариб кўзларини очиб, яна бир ғазал ўқудилар:

Қўлум олинг ё пирим, манда токат қолмади,
Йўлга солинг ё пирим, манда ҳолат қолмади.

Ҳазратимдин ман бугун дуо тилаб келибман,
Бўйни синуқ етим ман, манда роҳат қолмади.

Офоқ ҳожамким суюб, отинг Машраб дедилар,
Бўсоғонгда ўларман, манда ҳасрат қолмади, —

деб, шоҳ Машраб ўз ҳолини кўрдикки, ҳолати ўзгачадур. Билдикки, илми ҳолни олдида илми қол бир касб, анга лойиқ бу ғазални ўқудилар:

Даъвийи ишқ этгани Мажнунни бенаво керак,
Ўзини хоксор этиб, дарбадари гадо керак.

Шому саҳар фиғон этиб, ёр висолини тилаб,
Тун кечаларда уйғониб, ёш тукубон дуо керак.

Жаҳду жадал бугун, эртани кечга қуймағил,
Орифи Ҳақ бўлай десанг Адҳами бо сафо керак.

Чикти расул мақом ошиб Жабраил эргашолмади,
Яъни бу сирни билгани орифи мунтаҳо керак.

Алқисса, Ҳазратим бу байтни эшиттилар. Подшоҳлик қилиб айдиларки: «Эй Машраб, бизга хизматкор бўл». Машраб туруб, таъзим қилди уч йил ўтун тоширдилар, яна уч йил машқда сув тошидилар, яна бир йил остонада ёттилар, бу етти йилда бир пустун кийдилар, ёзда чармини кийдилар, қиш бўлса юнгини кияр эрдилар.

Эй, биродарлар кийибман бир кийимни етти йил,
Бас, машаққат тортмагунча лойиқи дийдор эмас.

Дубора ҳазратдин илтифот кўрмадилар. Машрабни кун-гулларига дард қилиб, ўзларига айдиларки: «Эй Машраб, бу даргоҳға келгонингға етти йил бўлди, пиринг бир йўл Машраб деди, яна бир йўл Машраб десалар, ишинг тамом бўлур эрди, кел эмди бир гуноҳ қилғил, Худойи таъоло бе-гуноҳни сўрамас экан, шоядки гуноҳ қилсам гуноҳкорни сўрсалар, керак. Шоядки, шул туфайлидин пирим айт-салар элтинглар бу Машрабни осинглар десалар, ўлсам армоним йўқ эрди», — деб шоҳ Машраб бу мухаммасни ўқудилар:

Ваъда қилди бир келай деб кўзга уйқу келмади,
Термулуб йўлида қолдим, шўхи бадху келмади.
Неча келди шум рақиблар, у парирў келмади,
Дардидин ўлдум, вале дардимға дармон келмади.
Ман шаҳиди ишки бўлдум қатрий су келмади.

Додхоҳ ман рўзи маҳшар қошима бир келмаса,
Йигламайму оҳ уруб, ҳаргиз кўзига илмаса,
Ўзага қилган вафони манга дилбар қилмаса,
Раҳмсиз бераҳм эрур ҳолимни бир дам сўрмаса,
Барчага ширин забон манга туршрў келмади.

Охи вовайло ғариблик шаҳрида кўб хорман,
Гар керак бўлса бу жоним олқи, ман беморман.
Пардани юздин кўтарғил, ой юзингға зорман,
Соқиё тўйгунча май бер, неча кун хуморман,
Барча мажлислар гули зулфи суманбў келмади.

Ташналаб қолдим гамингға меҳрибоним қайдасан?
Оҳ уруб йиглаб юрибман жона жоним қайдасан?
Изласам йўқтур маконинг ломаконим қайдасан?
Махрами зори дилим, оромижоним қайдасан?
Юз туман савдоси тушти маслаҳаттў келмади.

Ичу тошим гамга тўлди, гамгузорим кел сано,
Ҳарна қилсанг санг ўзунг гаил, дилфигорим кел сано,
Жумла шўҳларни увутг номдорим кел сано,
Марҳаматлик подшоҳим, тождорим кел сано,
Дилни зангорин кўргузгов ойинарў келмади.

Банда бўлдим ишқиди қилгон гуноҳим билмадим,
Қатл зторга тиг келтурди илоҳим билмадим,
Таолиъим эрмиш забун, бахти сиёҳим билмадим,
Ҳазрати Офок ҳожам пушти паноҳим билмадим,
Бу сабабдин дилбарим зону ба зону келмади.

Зоҳидо Машрабга дединг масжид ичра қўй қадам,
Фашшидин қилдим ибo ҳеч урмадим ман анга дам,
Ўлтуруб меҳробга деди хотирингни айла жамъ,
Турфа ишдур ким, кўрунг масжидга кирмиш дарду ғам,
Неча кун зоҳид бўлуб кўнгулга бир ҳу келмади, —

деб, шоҳ Машраб йиғлаб, чарх уруб, самоъ қилиб туруб
эрдиларки, подшоҳимизга оби таҳорат бергувчи бир ка-
низаклари бор эрди. Ул канизак равоқдин бошини чиқа-
риб, нозу карашма бирла дедик: «Эй Машраб, то етти
йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур.
Букун менинг бирла бир ерда ултурмасанг қиёматда мани
қўлим санинг этагингда бўлғай». Шоҳ Машраб кўрди-
ларки, бир нозанин моҳталъат жилва қилиб турубдур. Ани
кўруб беҳуд бўлдилар. Яна ҳушлариға келиб айдиларки:
«Эй бор Худоё, мунингдек офати жон бандаларинг бор
экан», — деб яна беҳуд бўлуб йиқилдилар. Бу воқеа ҳаз-
рати подшоҳимга аён бўлди. Қизил либос кийиб шамшири
бараҳна бирла рўбарў бўлдилар. Шоҳ Машраб ҳазратни
кўруб бу ғазални ўқудилар:

Девонадурман духтари султони Ажамга,
То банда бўлай олдидаги зулфи санамга.

Ногоҳ агар ичса эди бодани маъшук,
Ҳамдам бўлубон боргай эдук Макка Ҳарамга.

Маъшук агар олса қиличини баякбор,
Ман нола қилай Ҳазрати Эшони ҳашамга.

Бир оҳ урубон Лайлини Мажнун қилаёздим,
Пирсиз кишилар боргусидур нори аламга.

Машраб таниға кўрма раво оташи дўзах,
Нечунки ани сидки эрур шоҳи Ҳакамга.

Девонадурман шамъи шарар жилва санамга,
Курбон булай оташкадайи шуъла адамга.

Зебо санамим бода ичиб, юзни кизортиб,
Ўт қўйди паризоди гулистони Эрамга.

Бир ху чекибон Лайлини Мажнун қилаёздим,
Девоналиғим шона урур зулфи санамга.

Жоним қиличдин остида бетоблиг этти,
Ишқида бу жоним берайин қоши қаламга.

Машраб на балодур шикани туррайи кокил,
Барбед этадур кишваридин ушбу ҳашамга.

Эшони Офоқ ҳожам айдилар: «Эй сўфилар, Машрабни тутунларки, андан Мансури Қалложнинг бўйи келадур». Сўфилар Машрабни тутуб боғладилар. Шоҳ Машраб Худойи таъолоға нолалар қилиб, айдиларки: «Эмди то тирикман мундоғ гуноҳ қилмагайман, бир гуноҳ қилғонимга бандангни бандалари мунча таҳқиқлаб сўрасалар, тонгла қиёмат бўлғонида ўзунг қози бўлуб, шул гуноҳимни сўронингча ҳам дийдорингга тўярман», — деди.

Бир гуноҳни устига юз минг надомат яхшидур,
Юз туман ёзуқларим бери пушаймон манда йўқ.

Андин сўнг, шоҳ Машрабни подшоҳимни олдиға олиб келдилар. Шоҳ Машраб Оллоҳи таъолоға муножот қилиб айдиларки: «Илоҳо, поко парвардигоро, Аҳадо, Самадо, Маъбудо, агар сандин амр бўлмаса бандаларингни аёғларига бир тикан ҳам кирмас, бас бу карашмалар санга маълум», — деб бу ғазални ўқудилар:

Агар ошиқлиғим айтсам, кўюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон ўртар.

Кишиға ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлуб бесабру бетоқат юрак бағри чунон ўртар.

Мани бехонумон тинмай куюб ёндим фироқингда,
Отинг тутсам нигоро деб, ки завқидин забон ўртар.

На қаттиғ кун экан жоно, висолингдин жудо бўлмоқ,
Мани оҳим тутуниға замину осмон ўртар.

Қаю тил бирла эй жоно, сани васфинг баён айлай,
Тилим лолу, кўзум гирён, сўнгақларим ниҳон ўртар.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Бу Машраб дардини жоно, ки ҳеч ким бошиға солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, беҳишти жовидон ўртар, —

деб, ўзларини шаҳид бўлмоқлариға бу ғазални ўқудилар:

Ўлдураин демасмусан, куйдираин дамасмусан,
Бул бошима балоларинг келтураин демасмусан.

Юз минг саро боғи жаҳон рангини манга кўрсатиб,
Қаъбаи кўюнга яна бордураин демасмусан.

Ер сари ташлабон мани халқ ичида бериб изо,
Қуш каби бол ила парим юлдураин демасмусан.

Эй шоҳбози ломакон, тайри кўнгулни айлабон,
Табл ўруб, долбой қоқиб, кўндураин демасмусан.

Манки шаҳиди ишқи ман кийдур кафан тўнин манга,
Кўйнум аро қизил қоним тўлдураин демасмусан.

Тадхулул жаннот аро бер ул шароб ан тахур,
Ёлбора дорингга мани остураин демасмусан.

Ман бир санингдин ўзгани кўнглума олсам, эй Илоҳ,
Тасма каби ушбу таним тилдураин демасмусан.

Бу ҳама дард ила бало солди бошима найлайин,
Ишқ ўтиға бу Машрабинг куйдураин демасмусан.

Алқисса, Ҳазрати подшоҳим айдилар: «Эй Машраб мундоғ беодобликни ҳеч ким қилган эмас», — десалар шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Билдимки отинг Ҳазрати ҳодийи музиллин,
Мақбули ҳидоят бўлайин деб гуноҳ этдим.

Подшоҳим буюрдиларки, «Девонани босинглар», — деб. Сўфилар шоҳ Машрабни бостилар. Ҳазрати Офоқ ҳо-жам қиссаларидин муҳрларини олиб, ўтга ташлаб, қизитиб Машрабни гарданига бостилар. Валийқоллоҳ каромат билан тобтиларки, одамзоднинг шахватини жойи банди гардан тамуридадур. Ўшал тамурни топиб муҳр бостилар. Ҳазратимни илтифотлариға шоҳ Машраб бу байтни ўқу-дилар:

Бо ҳидоят дастгирам бош гумроҳ омадам,
Бар тавофи дарғаҳат имрўз беғоҳ омадам.

Зулқалодам дар вафоят пеши занжири туям,
Ҳалқан меҳрат багардан маъзиратҳоҳ омадам,

Машраби риндонаму кофир муриди беш нест,
Бори дигар дастгирам бош гумроҳ омадам, —

деб, шоҳ Машраб озурда хотир бўлуб, даргоҳдин мағмум ва паришон аҳвол Ёрканд тарафиға равона бўлдилар. Бир дамда ўзларини Ёрканд вилоятида кўрдилар. Ёрканд аҳли Машрабни кўрмоқға орзуманд эрдилар. Пешвоз чиқиб, кўрдиларки, бир қаландари оташнафас жазб ҳолатлиғ, сочлари фатила-фатила гирди камарларига тушган. Ота-ши Ишқ жабҳасидин шуъла уруб турубдур. Ёрканд ҳоки-ми келиб зиёрат қилди. Тамом одамларға беҳудлик ўй берди. Ёрканд охундларининг шогирдлари айдилар: «Тақ-сир охунум, мундоғ бонги қаландарни олдиға пешвоз чи-киб, бўлурми? Тамоми аъзоси очук келадур». Охунд айди-лар: «Эй ёронлар, хато қилдинглар, бориб зиёрат қилинг-лар», — дедилар. «Бу ҳаёларни кўнгулларингиздан кў-таринглар», — дедилар. «Авлиёликни бир нишоми шул-дур», — дедилар. Ёронлар келиб мулоқот қилдилар. Шоҳ Машраб буларни бир назар бирла кибру инониятларини кўнгулларидин дур қилдилар. Ҳамалари софдия бўлуб, орқаларидин сару по бараҳна сайҳа тортиб юрдулар. Шоҳ Машраб йўлда бу ғазалини ўқудилар:

Кўрсат юзинг ўлурман, танда тоқат қолмади,
Меҳрибоним қайдасан, танда роҳат қолмади.
Бало ёғди бошим, элда офат қолмади,
Чектим жафони акнуи танда ҳолат қолмади,
Кездим шахру биебон, дилда ҳасрат қолмади.

Ошиқ бўлдум юзунгга кўрмай ўлсам нетарман,
Боязиддек ўзумни кунда юз минг сотарман,
Мункар-Накир кирганда Лаҳад ичра ётарман,
Ҳарна қялсанг эй зоҳид, жом майидин тотарман,
Барбод бердим май учун, қўлда тоъат қолмади.

Ошиқ бўлсанг шундоқ бўл, олам куфринг битсунлар,
Расво бўлғил халқ ичра номинг олиб кетсунлар,
Яксон бўлғил оламда, санга кесак отсунлар,
Туфрок бўлғил йўл узра, сани босиб ўтсунлар,
Кофирлигдан ўзга ҳеч манда одат қолмади.

Кофир бўлсанг ишққа бўл, аҳли дунё бўлмағил,
Зоҳидсифат дунё деб ҳаргиз мурдор бўлмағил,
Адҳамсифат дунёни ҳеч кўзинга илмағил,
Мажнунсифат беҳуш бўл, ҳеч ўзингга келмағил,
Қўлум олинг ё пирим, манда ғайрат қолмади.

Рўзи азал куй деди, куйдим, ёндим кул бўлдим,
Йўлда ётган хор эрдим, назар тобгим, гул бўлдим,
Жоми шароб изладим, биҳамдуллоҳ мул бўлдим,
Бир эгасиз ит эрдим, эгам тобтим, кул бўлдим,
Ўттум мақом ҳайратдин манда ҳайрат қолмади.

Туттум пирини этогин охир йўлга бошлади,
Йўлда қолган гумроҳни Офоқ ҳожам хушлади,
Кимки кирди бу йўлга ўзлугини ташлади,
Ёди била оҳ ўруб икки кўзин ёшлади,
Тинмай айтай саносин хоби ғафлат қолмади.

Ишққа кадам қўймасанг, биллоҳ маъшук топилмас,
Мунда расво бўлмасанг, анда роҳат топилмас,
Бағринг кабоб бўлмаса, кўздин ёшинг сочилмас,
Йўл устида пул бўлмай нафси Шайтон чопилмас,
Пири муғон Май берди, дилда журъат қолмади.

Зоҳидсифат шайхларинг масжид сари юрғуси,
Қўлларида тасбеҳи риё тоъат курғуси,
Тили бирла зикр айтиб, Аҳмад даврин сурғуси,
Бир-бир босиб, қўл солиб, ҳаво бирла турғуси,
Анинг учун ёронлар эда ибрат қолмади.

Рози бўлдим қазоға отим Машраб дедилар,
Ҳастим кўйди бу ўтға ҳўблар ушлаб дедилар,
Йўлда қолғон гумроҳни пирим хушлаб дедилар,
Оси жофи қул эрдим, хоҷам бошлаб дедилар,
Кечтим мову манидин, манда иллат қолмади, —

деб, шоҳ Машраб шаҳарга кирдилар. Ёрканд ҳоқими кимхобдин тўшак солиб, Машрабни тушурдилар. Машраб тўшак устиға ўлтуруб сийиб юбордилар. Ҳоқим айди: «Тўшакни сизни иззатингиз, деб солиб эрдук, нега сийдингиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Мундоғ иззатга сиймак керак». Ҳоқимдин сўрадиларки: «Сан ўзинг нимадин бўлгансан?» Ҳоқим айди: «Туфроқдин бўлгонман». Машраб айдилар: «Андоғ бўлса, сан ўз вужудингға сиярмусан?» Андин сўнг айдилар: «Эй ҳоқим, сани бу майдонингда бир гулхан солсам бўлурми?» Ҳоқим айди: «Зиёда яхши бўлур. Қандоғ қилсалар андоғ бўлсун», — деб. Буюрдиларки: «Ўтун олиб келинглар», деб. Шоҳ Машраб айдиларки: «Абдуллоҳхонни севгани янтоқдур, янтоқдур, янтоқ олиб келинглар?» — деб, алар янтоқ олиб келдилар. Гулхан солиб шоҳ Машраб фарёд қилдиларки: «Эй Сармаст, чилимни келтур», Сармаст чилимни олиб, тоза қилиб келтурди. Халойиқ кўрдиларки, чилимлари кўзадек, сархонаси косадек, Машраб кўлборлариға қўл солиб, бир қабза банг олиб бердилар. Сармаст чоғлаб берди. Машраб чилимни қўлиға олиб анинг шаъниға бир ғазални ўқудилар:

Аввал қадам пири муғонро ишқ аст,
Дуввум сару по бараҳнагонро ишқ аст.

Риндони Бухорофву бангиёни Кашмир,
Шоҳ Машраб тарки Андижонро ишқ аст, —

деб, шоҳ Машраб бир куллоб, икки куллоб, уч куллоб нафас тортиб дуд чиқардиларки, олам ҳама тираву торик бўлди. Гўёки булут дарёдин сув ичиб кўторилгандек. Тунлар пайдо бўлди. Анинг шаъниға бу байтни ўқудилар:

Дуди бангам саҳни масжидро зумуррадрез кард,
Рафт дар қаъри жаҳаннам ҳар ки 3-ин парҳез кард, —

деб, шоҳ Машраб сархонани олиб, оҳиста ерга қоктилар.
Эрса бир дона банг ҳам куйган йўқ. Олиб кўлборға солди-
лар. Халойиқ Машрабдан бу кароматни сариҳ кўруб таҳ-
син ва офарин қилдилар ва айдилар: «Мундоғ дунёни тарк
этиб юргониға ярошур, намоз ўқуса мундоғ қаландар
йўқ экан». Шоҳ Машраб рост кўпуб, сеторни қўлиға олиб
бу ғазални ўқудилар:

Дунёға келиб лойиға билмай бота қолдим,
Дармон йўқидин неча оғиз сўз қота қолдим.

Майхонаға кирдим била қолдим куяримни,
Масжидга кириб зоҳид яхидек қота қолдим.

Зоҳид манга бир шишада май, санга намозинг,
Минг тақвони бир шишайи майға сота қолдим.

Вахдат майини пири муғон илгидин ичтим,
Мансур каби дорға бошимни оса қолдим.

Девоналиғим шуҳрати оламға тўлубдур,
Бир жилвасиға икки жаҳондин ўта қолдим.

Айб айламангиз Машраби беҳудни ёронлар,
Найлайки, бу ғурбат кўчасидин ўта қолдим.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Ногоҳ кўрубон маҳви жамолинг бўла қолдим,
Ойдек юзинга боқтиму ҳайрон бўла қолдим.

Ўтдек тутошиб куйди юрагим била жоним,
Парвона бўлуб ўтқа ўзумни ура қолдим.

Юз ғамза била чиқти санам майкадасидин
Барбод урубон, дин ила дунё сота қолдим.

Кўрдумки, ажаб ишвагару дилбари танноз,
Девона бўлуб, ишқида ўтдек ёна қолдим.

Дилдор жамолини кўруб ишқи йўлида,
Гул-гул ёнибон маҳви тамошо бўла қолдим.

Машраб бошига солма ушл кун таман дзадор,
Шайдоси бўлуб оини хушимдин қола қолдим.

Алқисса, бу байтлар тамом бўлгандин кейин айдилар: «Авлиёни шоҳу мунгузи бўлмас, қибоб қиладур» — деб, ҳама халойиқ кафи поларини кўзлариға сурдилар. Шоҳ Машраб ботин кўзлари бирла кўрдиларки, ҳамани кўнгли ойинадек соф бўлуб, ихлос бирла ёпушубдурлар. Айдилар: «Эй Ерқанд халқи, сизларни юз ихлосингиздин мани бир сийдугум яхши», — деб этақларини кўториб «чуш-чуш» деб сиёбердилар. Муни кўриб халқ дедиларки: «Ҳай дариг, мундоғ масхара бангига киши ихлос қилурму?» — деб ихлосларидин қайттилар. Шоҳ Машраб «аллоҳу акбар» деб чиқиб йўлга равон бўлдилар. «Қаён бормай», — деб андишаманд бўлуб, ҳазрат Али каррамуллоҳу ваҳҳанинг авлодларидин ҳазрат имом Жаъфари Содик разияллоҳу анҳу Хўтан вилоятидадурлар. Аларни зиёрат қилғони Хўтан шаҳриға равон бўлдилар. Шул соат ўзларини Хўтанда кўрдилар. Охунд ва муллолари пешвоз чиқиб эрдилар. Машраб кўрдик, бир ариғ оқиб бородур. Этақларини кўториб сувға сиёбердилар. Бу воқеани муллолар кўруб айдилар: «Эй Охунум, мундоғ жинни қаландарға ихлос қилиб чиқармизму? Хилофи шаръ қилди. Муни албатта ўлдурмоқ керак», — дедилар. Охунд айдилар: «Рост айтурсизлар, бу бангини тутунглар», — дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Охунум, сизлар ўз жисмларингиз бирла ўзларингизни артурсизлар. Кўрдингизму, баласини онасиға қўштур, ҳеч боқ йўқтур». Охунд айдилар: «Эй қаландар, ерга сийсанг бўлмайдурму?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Қиёмат бўлса бир отни туёғича ердин етмиш минг калима гўяндалар «Ло ялоҳа иллаллоҳу Маҳаммадун расулуллоҳ», — деб турсалар керак, аларнинг ораларинда не саҳаркезлар бордурлар, не гўшанишинлар бордурлар, не бағри бирёнлар бордурлар, ҳама туфроққа омода бўлуб ётибдурлар ва ўзингиз нимадан офарида бўлжонсизлар?» Муллолар айдилар: «Туфроқдин». Шоҳ Машраб айдилар: «Андоғ бўлса, сизлар ўз вужудингизга сийрсизлар, ман анинг учун ерга сиймай сувға сийдим». Бу сўзларни муллолар эшитиб, айдилар: «Хуш келибсиз, ана Хўтан вилояти», — дедилар. Шоҳ Машраб Хўтанга киргунча бу ғазални оҳанчи-дилхарош ила ўқудилар:

Абри гуҳар сиришкаму маҳзангар омадам,
Найсони кон тарошаму маъдангар омадам.

Дар чоҳи ишқ баски расантоб гаштаам,
Зулфи суман бупечаму печангар омадам.

Аз дини куфр расму вафо меҳру маҳ тироз,
Гаҳ Каъбасозу, гаҳ баҳамангар омадам.

Исфандиёри ҳирси маро сабр душман аст,
Руинтан офаридаву баҳмангар омадам.

Бо Рустами замона тарфи зинда бо фаност,
Афросиёб созу Таҳамтангар омадам.

Он мутрибам, ки дар чамани дил ба сад забон,
Чун андалиб нолайи алвонгар омадам.

Бедоғи наргиси ў, дили базми тирарўз,
Чун шамъи базми рўзам, равшангар омадам.

Гаҳи насими гувиҷа, гаҳи рангу бӯйи гул,
Субҳи баҳор файзаму тулшангар омадам.

Парвонаи самандар, мулки мугони ишқ,
Оташфурӯзи шугълаи гулхангар омадам.

«Арини» шунида зи тури тасаввурам,
Мусо калими водии аймангар омадам.

Аз жомии бода мастии девоиҷи фурӯш,
Беҳудағи тарошаму гардангар омадам.

Юсуф талаб ба Миср зи Каъшон иштиёс,
Яъқуби гирия созаму маҳзангар омадам.

Дар роҳи ишқ бе сару по гашта Машребам,
Оташ фурӯзи сийнаи гулхангар омадам

деб, шох Машраб Хўтанга кирдилар. Охундлар келиб,
пештоқни тубида ўлтуруб айтур эрдиларки, қаландар
бўлса шундоғ бўлса, мунингдек оташнафас қаландар ҳар-

гиз келган эмасдур. Андин сўнг шоҳ Машраб Мушкоти Шарифдин бир икки масала ароға солди, айдики: «Эй Охунум, бу иборатларни маънисини нимадур?» Охунд бирига жавоб бердилар, иккинчисига сустроқ. Учинчига сукут қилиб, тамом шөгирдлари ожиз бўлдилар. Шул замон охундини бир солиқ шөгирдлари бор эрди, кўзин юмуб кўрдики, бир төва чўкиб ётибдур. Ул айди: «Эй охунум, иш қабоҳат бўлди. Қаландар илми ҳолдин хабардор экан». Дарҳол кўпуб: «Маъзур тутунг», — деб узр айттилар. Шоҳ Машраб алайҳирраҳма ҳам аларға тавозий қилиб, ўзларини ошқора қилиб, бу ғазални ўқудилар:

Ерни кўйида ўлган бормукин?
Бир ўлуб, икки тирилган бормукин?

Васлини излаб жахонда чарх уруб,
Термулуб йўлларда қолган бормукин?

Қатл қилмоқға яна ким тенглашиб,
Ёлбориб бўйинини сўнган бормукин?

Шоҳбози маърифат, султони Ишк,
Таъб уруб долбойға қўнган бормукин?

Дод этар Машраб Худони олдида,
Ул замон додиға етган бормукин?

* * *

Шукрулиллоҳ ғамгузорим келдиё,
Ғамда кўйғон гульузорим келдиё.

Жилвасини кўрсатиб зоҳирда элга ранг-баранг,
Бу бадан даштини кезган дилфигорим келдиё.

Неча кун васлин сўраб юрдум Хўтан саҳросида,
Жаъфари Содиқ имом Қутби замоним келдиё.

Машрабинг маҳшарда йиглаб дод этар,
Дод этиб ёрини истаб келдиё.

Охунд бу ғазални эшитиб дедиларки: «Таксир кўрни тилаги икки кўзидур. Ҳазратлариға орзуманд эрдук», — дедилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Охунум, ман сизга дуо қилайки, сизни пуштикамарингиздин бўлган фарзандларға Худованди таъоло илм ато қилсун, қиёматғача чароғингиз ўчмасун», — деб дуо қилиб аллоҳу акбар дедилар. Шоҳ Машраб айтган сўзларини бир яғочга ёзиб ташлаб қўяр эрдилар. Охунднинг шогирдлари айдиларки: «Шоҳ Машрабдин бир китоб қолса яхши эрди». Охунд айдилар: «Таксир подшоҳим, сиздин бир китоб ёднома қолса дермиз». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Охунум, мандин китоб қолмағай, — дерман. Агар мандин китоб қолса аҳли муҳаббат хароб бўлурлар», — деб китобларини ўтға ташлаб, бу ғазални ўқудилар:

Тамоша айламоқға гўшае бу анжуман келдим,
Хуруши булбули шўридадек сўйи чаман келдим.

Агар Яъқубдек қон йиғласам айб айламанг зинҳор,
Фироқи Юсуфим дардин чекиб байтул ҳазан келдим.

Шахидони Хўтанни тавоф этарман эй мусулмонлар,
Чу лола домани саҳро тутуб дашти Хўтан келдим.

Баҳори боғи маънини макон кўрсатти бўлғайму,
Хароби қирмизи пўшону гулгун пираҳан келдим.

Қадах Мансур отиға тўлдуруб келтурки эй соки,
Таним дору юрак ҳам, устухоним ҳам расан келдим, —

деб, кўнгулларини боғ-боғ очиб бу ғазални ўқудилар:

Ман эрдим булбулигўё фиғон бирла чаман келдим,
Юракда дарди доғи гулўзори ёсуман келдим.

Мани ошуфта кўнғлум гунчадек ҳаргиз очилмайду,
Юракдин ғам кетар деб, бу сабабдин ман Хўтан келдим.

Паямбар умматимиз чаҳор ёрни дўсторимиз,
Зиёрат айламоқға ҳазрати Вайсалқаран келдим.

Бу Машраб сўзини дурдонаи қиймат баҳо дерлар,
Жамиъи халқ аро бобида соҳиб суҳан келдим, —

деб, шоҳ Машраб Хўтан саҳросига равон бўлдилар. Кўрдиларки, бир деҳқон шоҳ Машрабни ғазалларини андин-мундин қармаб ўқуб юрубдур. Машрабни келиб тургонидин хабари йўқ. Машраб ҳам бориб ани ҳайдаб қўйгон ерини вайрон қилаберди. Деҳқон кўруб айтти: «Эй масхара жинни, мани еримни на учун бузарсан». Шоҳ Машраб айдилар: «Ҳеч масхара жинни сандек бўлурмуки, манинг иморатимни бузуб турубсан». Деҳқон айти: «Иморатинг қайсидур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Ўқуб турган ғазалинг манинг иморатимдур, бузуб ўқийдурсан, охир сўзим сандекларға қолиб хор бўлгунча куйгани беҳроқдур», — деб ўтға солмақларини боиси бу эрди. Андин «ху» деб равона бўлдилар. Шул юрганларича ўзларини Ййлада кўрдилар. Аммо Ййланинг ҳоқими Қунтожи эрди. Ани бир қизи бор эрди. Офоқ отлиғ. Ул қизнинг юз қанизаги бор эрди. Бир кун қанизаклари бирла сайри саҳро қилиб, эрди, ногоҳ шоҳ Машраб рўбар ў келди. Кўрдиларки, қизларнинг ичида бир қиз келодур, ани офтоб талъатидин олам мунаввар бўлубдур. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй бор Худоё, мундоғ паризодни ўз қудратинг бирла пайдо қилибсан», — деб шоҳ Машраб қизни қошиға келиб дедиларки: «Эй қиз, санинг муҳаббатинг мани кўнглумға жой олибдур», — деб қизнинг йўлини тўстилар. Қиз отини бошини тўхтатиб маҳрамиға дедик: «Эй вазир, бу қаландарни кўрдунгму? Умрум ичида мундоғ журъатлик қаландарни кўрганим йўқ. Санга ошиқ бўлдум», — дейдур. Вазири айти: «Эй Малика, ажаб қаландар экан». Қиз айти: «Эй қаландар, манга рост ошиқ бўлсанг бошимдоғи ўтоғимға муносиб бир байт ўқуғил», — деди. Шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Ер ўтоғосин кўруб телба кўнглум толпинодур,
Жон қушин долбойидур, бошидаги қар-қараси, —

деб, шоҳ Машраб қизни ўзини шаъниға бу ғазални ўқудилар:

Дилбар юзини кўргони девона келибдур,
Юз нозу қарашма билда жонона келибдур.

Девона бу жонингни фидо қил ани ҳаққи,
Жонона билда соҳиби паймона келибдур.

Жонингни фидо айлагил, эй Машраби ошиқ,
Лаблари шаккар, тишлари дурдона келибдур.

Қиз айди: «Эй қаландар, бурунги замонда Шайх Санъон деган авлиё ўтган экан, тўрт юз муриди бор экан, бир тарсонни қизига ошиқ бўлуб, ўз динидин ёниб, бутпараст бўлубдур, энди бу замонда сан манга ошиқ бўлсанг, ман қалмоқ баччадурман, мани динимга кирсанг манга восил бўлурсан», — деди. Шох Машраб бу ғазални ўқудилар:

Ломаконни шаҳрида ошиқни шайдо қилди ишқ,
Анбиёю авлиёларни хувайдо қилди ишқ.

Мустафони нуридин ёзилди Шамси Ваззуҳо,
Нурига сажда қилиб, маънини пайдо қилди ишқ.

Жилвасини кўрсатиб, зохирда элга ранг-баранг,
Ору номусдин кечиб оламга ғавго қилди ишқ.

Ёши етмишга кириб соттурди ўзин Боязид,
Маърифат бозорида кўргил, на савдо қилди ишқ.

Шайхи Шибли, Шайхи Аттору «аналҳақ» суҳбатин,
Кирди, ячти бодаву Мансурин дорда қилди ишқ.

Куфр этти деб Насимийнинг терисин сўйдилар,
Гўшти пўстин сўзлатиб оламда гўё қилди ишқ.

Шайхи Санъондин бўлуб, тўрт юз мурид соҳиб камол
Кўрди тарсозодани ҳукбону воло қилди ишқ.

Эшитиб билдики Машрабни қарори йўқ экан,
Зоҳирин гўё қилиб, ботинини бино қилди ишқ,—

деб, бу байтни ўқуб қизга бокиб дедилар: «Эй тарсобачча, сани сўзлатган ва мени бу ерга келтурган Оллоҳи таъолони ўзидур, чорам надур», — деб бу ғазални ўқудилар:

Баски, тарсо кўйида ман Шайхи Санъон бўлмадим,
Дайру жаннат кўйдуруб бир бутга майлон бўлмадим.

Зийнати дунё ажойиб бевафодур Машрабо,
Тахту бахтига миниб, бир дам Судаймон бўлмадим,—

деб, шоҳ Машраб айдилар: «Эй паризод, эмди ман санга ошиқ бўлубман, ҳар амрға буюрсанг қилмоқдин ўзга чорам йўқтур». Қиз вазирига қараб дедики: «Эй вазир, бу девонани ўйга олиб боргил, ман қайтиб келиб сўзга солурман», — деб сахро сайрига равона бўлди. Вазир шоҳ Машрабни ҳарам саройга элтти, кечқурун бўлгач, малика уч канизағи бирла девонани олдиға келиб, дедики: «Эй қаландар, бу кеча ман сани меҳмон қилурман». Машраб айтти: «Эй малика ман таъом емасман, манга бир коса сув бергил», — деди. Қиз югуруб туруб бир жом сув келтуруб девонаға тутти, девона жомнинг шаъниға бу байтни ўқудилар:

Ул жоми муҳаббатни тутган манга жонондур,
Дог устина дог қўйган бул сарву хиромондур.

Қиз бу сўзни эшитиб, завқ қилди. Вазирига айди: «Девонани Кўкшир ёйлоғимга олиб борғил. Уч юз тева илқимни боқсун». Вазир «Хўб бўлғай», деб шоҳ Машрабни олиб йўлга равона бўлуб, Машраб борғунча бу мустазодни ўқудилар:

Нозик бадано, сунъи Худованди жаҳонсан,
эи офати даврон,
Зулфи мусалсал, қоши ёсан, на балосан,
жон тахтиға султон.
Билмам на бало қўз учидин гоҳ боқарсан,
эи қўзлари офат,
Гаҳ мунда, гаҳи анда манга жилва қилурсан,
бандангға нафармон.
Эгма қошингга вўсма қўюб жоним олурсан,
раҳминг нега келмас?
Ҳам кулгу била қойирибон ёйинг оторсан,
эи сарву хиромон.
Машраб сани деб кечти букун икки жаҳондин,
раҳм айла илоҳим,
Ёлбора санга ташланди ўзини на қилурсан,
Эй Роҳиму Раҳмон.

Алқисса, шоҳ Машраб бу сўзларни деб, неча манзил йўл юруб, Кўкшир ёйлоғиға етиб, ул биёбонни шаъниға бу мухаммасни ўқудилар:

Ёрни кўйига ман бормоқ эдим,
Ҳар неча жавру жафо кўрмоқ эдим,
Қона тўлгон юрагим ёрмоқ эдим,
Ой санамни кўйида юрмоқ эдим,
Кокилини кўзима сурмоқ эдим.

Риштайи жоним била сочбоғиман,
Оёғин остидаги пайпоғиман,
Катчасин ичидаги чоқмоғи ман,
Ошиқи ичра юроги доғиман,
Даври Чину Руму Шом сўрмоқ эдим.

Салтанат тахтини ҳар ким оладур,
Мунда навбат наққорасин чоладур,
Ҳажр ўтини жони ичра соладур,
Ўтлуғ оҳидин бошиға жоладур,
Неча йилу неча ой турмоқ эдим.

Кўкширға ярошур лолақизок,
Таҳ-батаҳ қондур юрак борму пичок,
Ёрнинг ойдек юзи қизилу оқ,
Дилбаро Оқбўтадин келса бошоқ,
Гардини мижжам била қоқмоқ эдим.

Сувсасам фойдаси йўқ, сув сойдақи,
Эмди билсам сув топилмас қайдоқи,
Бўтақўз ёрими ўйнар тойлоқи,
Сан минар рахшингни кўйсанг ёйлоқи,
Кулума ўқруқ олиб илкингни қайтармоқ эдим.

Қўҳи ғам остида қолғондур таним,
Қайси бир дардингни айтай гул хоним,
Дарбадар ҳар ёна боқиб ўлгоним,
Сан олур бўлсанг қиличинга жоним,
Толфиниб қонимни ман сочмоқ эдим.

Олмани қўшса бўлурми норға,
Ҳақ ризо кўнгулни қўшган ёрға,
Бир назар қилсанг бу Машраб зорға,
Ўргўлуб арзим айтай сан ёрға,
Ёстониб кўюнг уза ётмоқ эдим.

Алқисса, шоҳ Машраб уч юз тевадин бир тевани тутуб
миндилар, уч йил ёмғир сувини ичиб ва гиёҳларни илди-

зини еб тева боқтилар. Шоҳ Машрабни ғаразлари бу қизни ишқи эмас эди, балки муддао бу эрдик, мундоғ нозанин дўзах ўтида куймагай, деб афсус ва надомат бирла айдиларки: «Шояд бу қиз мусулмон бўлуб, доҳили биҳишти анбар сиришт бўлса»,— деб уч йил риёзат тортиб тева боқтилар. Андин сўнг хабар Кунтожиға еттики, худопарастлардин бир қаландар келиб сизнинг қизингизга ошиқ бўлубдур. Уч йилдурки тева боқадур. Кунтожи буюрдик: «Ул қаландарни мунда олиб келинглр»,— деб. Икки киши айдилар, Машраб келмадилар. Кунтожи сўрдик: «Қаландар нима дейдур?» Алар айдиларки: «Тангри» деб йиғлаб юрубдур. Ўзгасини англомадук», дедилар. Вазир айтти: «Андоғ эрса ошиқни келтирмоқға маъшуқ керак. Қизингизни юборинг бориб олиб келсун». Кунтожи қизига айди: «Эй қизим, бориб ошиқингни келтур, кўрайки қандоқдур». Қиз ўзига оро бериб, ранг-баранг либослар кийиб, муносиб канизалари бирла равона бўлди. Шоҳ Машраб кўрдиларки, маъшуқалари келадур:

Ҳиммати баланд дор ба назди худову халқ,
Аз химмати баланд ба жоғ расиданд,—

деб, шоҳ Машраб қизни шаънига бу ғазални ўқудилар:

Бир боқшингта жумлайи жонона тасаддук,
Шахло кўзимга оқилу девона тасаддук.

Буржаъ кўтериб ёр манга ним қараса,
Жоним берайин йўлида ҳамхона тасаддук.

Соки бўлубон сўнса қадах ноз ила ҳар дам,
Ул ғамзасидин соғару паймона тасаддук.

Юсуфсифат ул жила қилб чинса қошимга
Ман ўргулайин Каъбаву бутхона тасаддук.

Жонингни агар бер деса, ул дилбари раъно
Жоним берайин йўлида мардона тасаддук.

Мужгон ўқиға қилса бу жонимни нишона,
Кўксум берайин йўлида хайрона тасаддук.

Ваъда қилибон айди, мамолшим кўрарсан,
Ваҳдат майидин ички, бу паймона тасаддук.

Гулгун кийибон чиқса ушал қомати раъно,
Мажнун бўлайин, ўргулайин ёна тасаддук.

Машраб сарй зулфинг тараса рашки келодур,
Зулфунг торидин боди сабо шона тасаддук,—

деб, шоҳ Машраб қарасалар, маъшуқалари қизил либослар
кийибдур, анга бу ғазални ўқудилар:

То кийди қизил ўзини зебо қилайин деб,
Ўт ёқти жаҳон мулкина ғавго қилайин деб.

Машшота била жилвада кўргузди қадини,
Мандек неча девонани шайдо қилайин деб.

Зебо санамим гул юзидин парда кўтарди,
Олам ҳама кўз бўлди томоша қилайин деб.

То айладим олдиға бориб арзу ниёзим,
Чин солди юзи сори таманно қилайин деб.

Ханжар қўлида Машрабига ургони келди,
Ғавғойи қиёматни хувайдо қилайин деб.

ВАЛАҲУ АЙЗАН

Зебо санамим ўзини зебо ясатибдур,
Қон тўқмоқ учун яна қизил жома кийибдур.

Билмамки ул ой қайси рақиб ила кўноғдур,
Май ким била ичтики юзини қизитибдур.

Шахло кўзини жоду демак айни хатодур,
Тангри ани ўзи майлича кофир яратибдур.

Сочи учига сочбоғи зеб тушубдур,
Қокиллари бел сорига чулғона келибдур.

Туфроғи уза дола ўнар вақтида Машраб,
Куйдурмак учун бағрима доғинг туташибдур.

Қиз айди: «Эй девона, Худойинг рост, дининг барҳақ экан, аммо мани динимға киргил, андин сўнг ишқ лофини урғил». Шох Машраб айдилар: «Эй тарсо, сан мусулмон бўлғил»,— деб бу ғазални ўқудилар:

Ногаҳ кўрунуб кўзима дилбар боқа қолди,
Буркаъ кўтариб қошини улдам қоқа қолди.

Ошиқ эконимни билиб ул дилбари раъно,
Ақлимни олиб жонима ўтни ёқа қолди.

Тарсобачани кўрдуму дин кетти кўлимдин,
«Қил сажда»,— дебон бўйнима зуннор тоқа қолди.

Рухумни яратиб ёшурун рўзи азалда
Ишқ чақмоқини жонима бул дам чоқа қолди.

Туфроқдин олиб сурати Одамни яратти,
Мужгөн ўқини кўксума найлай ота қолди.

Машраб юрубон тобмади олам аро бир мард,
Дилбар сориға ўзини ул дам қота қолди.—

деб, шох Машраб, тарсобаччага дедиларки: «Айғил, ла илоҳа иллаллоху Муҳаммадур расулуллоҳ». Қиз айди: «Эй девона, таҳаммул қил, мани бир йиллик ибодатимни зоёе қилдинг. Сан аввал зоҳирда мани динимға киргилки, мунда бир тадбир бордур.» Девона кўрдикки, қизни сўзи бемаъни эмасдур, «Балки бир маслаҳат бордур»,—деб бу байтни ўқудилар:

Май бихўр, мусҳаф бисўзу оташ андар Каъба зан,
Сокини бутхона бошу, мардум өзори макун.
Ба Каъба чи мерави дили якери дарёб,
Бехтар зи ҳазор Каъба бошад як дил,—

деб, тевадин ўзини ташлаб, қизни оёғини ўпти. Қиз айди: «Эй ўтакан кўрдунгму? Мани динимға кирди», (шох Машраб) бошини кўтариб айди: «Эй тарсозода, ҳар нима десанг қабул қилурман»,— деб бу ғазални ўқудилар:

Офатижоним ул санам, қоши қаросини кўрунг,
Икки юзига чўлгонур зулфи сиёсини кўрунг.

Хуру пари уёладур, шамсу қамар хижил эрур
Ким, ани кўrsa бандадур хусни зиёсини кўрунг.

Гоҳо қизил қабо кийиб, қирмизи сочбоғин солиб,
Нозу қарашмалар қилиб, аҳду вафосини кўрунг.

Гоҳо қошин камон этиб, кирпики ўқини отиб,
Жоду кўзини ўйнатиб, макрри-ла ёсини кўрунг.

Машраби бенаводуман, васли учун гадодуман,
Ҳажр ўтида куёдуман, ёр жафосини кўрунг.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Ёрни қўйида ман жавлон қилай,
Итлариға қўшулуб афғон қилай.

Ёр қилғон зулм етмас эй табиб,
Дема санга дардинга дармон қилай.

Кес бошимни ханжари нозинг била,
Сандин ўзга кимга саргардон қилай.

Зулфи мушкинин тасаввур айлабон,
Бу варақни сафҳайи райҳон қилай.

Ишқ куйдурса бу ошиқ кўнглини,
Сийна ичра ўт, начук пинҳон қилай.

Гул юзин кўрсатти, ўлдурди мани,
Ёр жисмим ароси жон қилай.

Машрабо бир қатра тоттим жоми май,
Ўзуми ишқ аҳлиға султон қилай,—

деб, шоҳ Машраб бошларини кўториб айдиларки: «Эй тар-собачча, хотиринг жамъ бўлсун. «Валлоҳ»ки, ит эгасига эркалик қилғондек санга тавозеъ қилдим». Қиз отдин тушуб таклиф қилди. Шоҳ Машраб теваға миниб, йўлга равон бўлуб борғунча бу ғазални ўқудилар:

Эй санам, ишқинг ўтида ман қалай қилмоқ эдим,
Мисли парвона бошингдин юз газ айланмоқ эдим.

Бу муҳаббат даштида ман неча юрдум ою йил,
Укргуи нозинг била илкингни қайтармоқ эдим.

Неча йил ҳамду сано васфингда этимишман қиём,
Аблаки лайлу наҳоринга миниб чофмоқ эдим.

Баҳри ишқ ичра сани оввозан хуснунг учун,
Майли Искандар олиб таблингни ман қоқмоқ эдим.

Машрабо умри Хўтанда бу қаро қонлар ютуб,
Юнисим батни самак* ўлғонда ман қармоқ эдим.

Алқисса, шоҳ Машраб кўрдиларки Кунтожи ўзини тахтдин ташлаб, икки қолмоқ икки қултуғидин кўториб турубдур. Кунтожи қичқуруб дедик: «Эй хазиначи хазинадин олтун олиб кел». Хазиначи бир табақ олтун олиб келди. Кунтожи айди: «Эй девона, Худойинг барҳақ ва дининг рост экан, тамом умрумни Худодин беҳабарлик бирла ўтқарибдурман. Бу олтунни олиб мани ҳақимга дуо қилинг. Шоядки, мусулмон бўлрайман». Шоҳ Машраб ул олтунни олмай, бу ғазални ўқудилар:

Ишқ водисиди бир кеча ман ҳай-ҳалаб ўттум,
Зухҳод элини мамлакатини ман талаб ўттум.

Олдим фашу мисвокни девоналик аялаб,
Парвонасифат жоними ўтга қалаб ўттум.

Офокни бир лаҳзада кездим на ажабдур,
Мино тоғидин аккасифат ҳаққалаб ўттум.

Дунё ясониб олдиға бир кун кула келди,
«Турғил нари» деб, кетига бир шатталаб ўттум.

Билдим ман ани душманни маккор эканиси,
«Ло» тирвоғи бирла изини тирмалаб ўттум.

Мардонни Худо дедик, дунё майи аччиғ,
Қандоғ эконин билмак учун бир ялаб ўттум.

* Батни самак — балиқ қорни дегани.

Солдим туну кун нафс итким бирла урушни,
Танчо таёки бирла ани ҳай-ҳалаб ўтгум.

Хомуш бичоқини ани бўйнига кўйдум,
Жуъ* найзаси бирла кўзига найзалаб ўтгум.

Девонайн Машраб бу сўзинг дардга даводур,
Ошиқ элини кўнглига бир ўт қалаб ўтгум, —

деб, шоҳ Машраб айдиларки: «Менга дунё бериб, дуо қил деган кишига дуо қилмасман, аввал мусулмон бўл, андин сўнг ман дуо қилай, дунё ва охиратинг маъмур бўлсун». Қунтожи Машрабни кўлидин тутуб, бир хилватга олиб кирди, айди: «Тақсир қаландарим, агар ошқора мусулмон бўлсам, юртни муҳолифларидин андиша қилурман, фасод чикар, ҳоло сизнинг олдингизда мусулмон бўлай, намозни пинҳон ўқуб, рўзани тутай, ҳайру саховат қилай, агар тонгла қиёмат қойим бўлғонда Оллоҳу таъоло қози бўлса, ҳазрати Муҳаммад Мустафо салалалоҳу алайҳи васаллам Шафоат тахтига ўлтурғонда, мусулмонлигимга гувоҳлик берурмусиз?» Шоҳ Машраб қабул қилдилар. Айдиларки: «Ло илоҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ» ва «Бис-сиддиқи валфоруқи ва зуннурайни вал Муртазо ризво-наллоҳи таъоло алайҳим ажмаъин». Қунтожи калима арза қилиб, мусулмон бўлди. Айдики: «Гувоҳ бўлунгки, ҳазрати Офоқ хожамни пир туттум, шаҳримни ниёз қилдим». Шоҳ Машраб Қунтожи бирла хотунига намоз таълим бердилар, нияти ғусл ўргатдилар. Машрабни нафас-лари таъсир қилиб энагаларга айдикки: «Эй Энагалар, ман қизимни шоҳ Машрабга ниёз қилдим», Энагалар қизни Машрабга қўшдилар. Қўқширға оқ ўй тикиб қиз анда қим-матбаҳо бурқини эгри қўюб ўлтургач, шоҳ Машраб бу га-зални ўқудилар:

Коқулунгму анбардур, жон ичинда жонон қиз,
Юзларингму ахтардур, ёки моҳи тобон қиз.

Бир кўруб сани жоно, қолмади мани ҳолим,
Танг бўлубдур аҳволим, билмадингки нодон қиз.

* Жуъ — очлик.

Тишларинг мисоли дур, юзларинг эрур чун гул,
Барча эл сангадур кул, хизматингда фармон киз.

Ой юзунгни кўрганда, лабларингни сўрганда,
Машрабинг килур ханда, лаъли шаккарафшон киз.

деб, шох Машраб қизга яқинроқ келиб, ўлтуруб дедилар-ки: «Эй қиз, манинг офати жоним экансан», — деб ани шайнига бу мухаммасни ўқудилар:

Қалмоқ бачаро дидам, гуфтам, чаканай бий,
Гуфто, яғаножи, шўраножи, ямонай бий,
Ман ножий эканинг билиб эрдим бижанай жий,
Авраки элни хоҳ, нохоҳ сўранай бий,
Дарханда бўлуб деди, макун тунанай бий.

Сўрдумки, надур отинг, бигуфто: Офок,
Яъники аном қирғизу атом қалмоқ.
Тангри мани берди санга кўз этма ирок,
Ножий бўлайин дедим, гуфт уйум ирок,
Тирноқ ялабон дедики мангғара яронай бий.

Бир кеча кўзум туттум, ўшал моҳи Офокни,
Ҳақдин тилодим, ёр ёвуқ килса ирокни,
Эрта била еткурди манга ринди Ирокни,
Мондем ба пешашки маоқдин бир табақни,
Гуфтам, деди ҳай-ҳай тож гуфто эданай бий.

Гуфтам, ки диҳи бўса, гуфто, бўлоножи,
Гуфтам, садқанг бўлай, бегуфто, сўроножи,
Гар қошлариға кирса рақиблар қулағожи,
Сўрдум, на қилиб турур ул гулшани божи,
Дар гиря бўлуб деди, фиғоним сўраной бий.

Кирдиму тарандимки, жамоли ту фаранжи,
Илкимни солиб бўйнига дедимки, уёнжи,
Суйсанг на бўлур бўсам деди, бўлуножи.
Маъшуқ қўлига олса яна тоза таронжи,
Гуфтам, ки тугой хуморда тортар ялуной бий.

Икки юзини қизили чун себи Самарқанд,
Гуфто, бидихам суйса агар Машраб дилбанд,
Гуфтам, ки қани поё билиш янгуру ялафи чанд,

Гуфто, ки равон бўл, тарфи Қошғару Ёрқанд,
Девонадуман, зор юзунгни кўроной бий.

Бу ғазални эшитиб қиз қўлидаги қадахни Машраб-
ға сўнди. Машраб қадахни олиб бу ғазални ўқуди-
лар:

Ул шўхи париваш била гар бода чекайино,
Сармаст бўлуб, шишае соғарни тутайино.

Махв ўлди бу кўнгулки анингдек баҳам ўлмаз,
Солғил назаринг мангаки қурбонинг ўлайино.

Олуда бўлуб бош-аёғим жўши гунаҳдин,
Раҳм айлаки, ваҳми ғазабингдин титрайино.

Помоли чаман сабзасифат бўлди вужудим,
Ташрифи қудуму қадаминг фотиҳ зтойино.

Машраб турушунг мисли насимдур бу жаҳонда
Бир дамда келиб, сайр қилиб зуд кетайино, —

деб, икковлон суҳбат қилиб ўлтуруб эрдилар. Энагалар ке-
либ айдилар: «Эй Малика, отангиз имон келтуруб, мусул-
мон бўлди, сиз ҳам мусулмон бўлунг». Қиз айди: «Эй эна-
галар, ман Машрабни кўрган он мусулмон бўлуб эрдим,
аммо алардин пинҳон тутар эрдим», — деб айди: «Эй
Машраб, менга калима айтурни ўргатгил?» Шоҳ Машраб
айдилар, айғилки: «Ло-илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур ра-
сулulloҳ». Қиз калима айтиб мусулмон бўлди. Айди:
«Эй Машраб, неча йил мани учун оч ва яланғоч юрдунг,
машаққатлар кўб кўрдунг», — деди. Қизни шундоғ дега-
нига шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Ман нола қилиб шому сахар ёр эшигида,
Жоним берайин шўхи ситамкор эшигида.

Ул лолаву, райҳону суман, тоза кизил гул,
Чун сарви қадинг йўқлади шамшод эшигида.

Хўбони жаҳон бўлса тақи Юсуфи Канъон,
Султону амир бандаву озод эшигида.

Олам бариси лаззати хуснуни тошибдур,
Гирёну фиғон нолайи бедод эшигида.

Зулфунг мани бу жонима юз доғи азалдур,
Жоним қушини айлади сайёд эшигида.

Савдойи муҳаббатга тушубман сани излаб
Ўлтурди ғаминг кўзлари жаллод эшигида.

Гулхан тўқубон хужрада ётқум кеча-кундуз,
Парвонасифат қўйди паризод эшигида, —

деб, шоҳ Машраб бу байтларни ўқуб дедик: «Эй нозанин, ман Худойи таъолони ишқу муҳаббатида куйгандурман, анинг учун меҳнату машаққат тортарман», — деб бу ғазални ўқудилар:

Манинг рози дилу зорим фаравондир битиб бўлмас,
Ки ишқ афсонасини дафтар узра шарҳ этиб бўлмас.

Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас,
Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас.

Кўзум тушти юзига термулуб ҳайрон бўлуб қолдим,
Фалакка қўл узотиб шамси анварни тутуб бўлмас.

Хаданги тирри мужгонинг, мани сийнама жо бўлди,
Кўнгул захмин очиб бедардларга кўрсатиб бўлмас.

Ушандоғ Мустафони ушбу оламдин фано этти,
Худога эй биродар, бу сабабдин баҳс этиб бўлмас,

Узоғ эрмиш ўшал зебо санамни қасри, эй Машраб,
Агар юз йил жадал қилсанг бу манзилга етиб бўлмас.

Андин сўнг кўрдиларки, илмоғда бир қўйни қуйруғи осиглиғ турубдур. «Уч йилдан бери ёрилғон оёғимни ёғлай», — деб бир парча кесиб олиб ўчоғни олдиға келиб ўтға тоблаб ўлтурдилар. Ушал вақт энагалар келиб айдилар: «Эй малика, Машраб нима дейдур?» Қиз айди: «Сенинг яратган Оллоҳ таъолони ўзига ошиқман, — дейдур, — сани нима қилайин — дейдур, — ҳоло қўл ва аёғини ёрилғонини доғлагани қуйруғдин олиб ўтға тоблаб ўлтурубдур». Энагалар

айдилар: «Отангиз айтадурларки, Машраб Оллоҳ таъоло-ни ошиқ бандасидур, они пуштикамаридин фарзанд бўлса манингдек русиях бандаларга шафиъ бўлурмукин?» — дедилар. «Сиз ҳам кириб рўбарусиға ўлтурунг, шоядки деб энагалар чиқиб кеттилар. Қиз ичкорига кириб, лозими солиб, ўчоқни лабиға келиб ўлтурди. Шоҳ Машраб кизни бу ҳолда кўруб, дафъатан кўзи уёт андомиға тушти, дедиким: «Дунёда ранж ва машаққат чекиб, мани аъзо-ларим улуғроқ ёрилибдур», — деб қизиқ кўйрукни кизни мавзуи хосасиға бости. Шоҳ Машрабни атворини Кунтожи эшитиб, ихлоси зиёда бўлди. Шоҳ Машраб намози хуфтандин кейин «суббухун, куддусун раббул молюкати варрух» деб, ҳифзи нафас қилиб, субҳ бўлгонда «ху» деб нафасларини кўбердиларки, оғизларидин куйган кабобни иси келур эрди. Машраб айдилар: «Эй нозанин ётурмусиз?» Қиз айди: «Тақсир ётурман».

Қоронғу кеча эрди, Машраб оҳиста-оҳиста кизни яқиниға бориб уёт жойға яқин кулоқ туттилар, эрса овоз келадурки: «Ато нон, ано нон» — деб, Машраб айдилар: «Ман ўзумни овқатимни қилолмай юрган гадодурман, аларни овқатларини нечук кечурурман», — деб яна қайтиб кетмоқни кўнгилға муқаррар қилдилар. Кунтожи кизини уч кунгача шоҳ Машрабға қўшуб кўйди. Ҳеч даҳл қилмадилар, аммо ҳикоят килурлар, бир кун ҳазрати Офоқ хожам подшоҳ хизматларида Хоним подшоҳ деган заифалари бор эрди. Шул заифа бир кун вақтни ганимат тоғиб айдиким: «Ушал Машраб қуллари Ислом юртидин сизни деб келиб оғзи ошқа етканда даргоҳдин қувладингиз, ман ўшал бечорани гуноҳини тилайдурман». Ҳазратим ҳеч жавоб бермадилар. Яна дедиларки: «Умид бирла бир такяға бош кўйубмиз ва махрами рўзгоримсиз, Куръони шарифни хурматидин Машрабни гуноҳини тилайдурман». Ҳазрати подшоҳим айдилар: «Сохиби Куръонга жоним тасаддуқ, ҳоло бир Машрабдур, агар минг Машраб бўлса гуноҳини кечтим. Жумъа кун Машрабни кўрармиз», — дедилар. Машраб киз бирла уйда ўлтуруб эрди, Хоним подшоҳни тилаб олғонлари Машрабға кашф бўлди. Машраб «ё пирим», деб сочраб, кўпуб «Ху» деб йўлга равона бўлдилар. Шул юрганларича ўзларини Ёрқандда кўрдилар. Кунтожи хабар олдики, Машраб кетибдур. «Оҳ дариг ул авлиёни қадрини билмадим», — деб яқосини йиртиб надоматлар қилиб қолди. Шоҳ Машраб ҳазрати эшоннинг даргоҳларидин

ронда бўлуб эрдилар. Шул важҳдин бир арғамчи олиб,
шул арғамчини бир учини ўзларини гарданларига боғлаб,
яна бир учини итларини гарданига боғлаб, ушбу ҳолат
бирла даргоҳга келиб, эшикда бу мухаммасни ўқудилар:

Гуноҳим беҳад эрди ман санга дод этгани келдим,
Фигону нела бирла оҳу фарёд этгани келдим,
Ҳазин кўнглумни раҳмат бобида шод этгани келдим,
Гуноҳ занжиридин бўйнушни озод этгани келдим,
Кўнгулни файзи анворида обод этгани келдим.

Қаро бўлгон юзумни сўргони келдим зиёратга
Бўсоғангдур мани қиблам қилурман сажда тоатга,
Кўзум дийдоринга тушти ишим йўқ ўзга ҳожатга,
Саодат тўтиёғи туфроғинг аҳли саодатга,
Неча журмум ададсиз бўлса барбод этгани келдим.

Қошинг меҳробидур ушшоқ элиға қиблайи таҳқиқ,
Эрур малъуни мутлақ ким малакдин қилмаса тасдиқ,
Сани меҳринг била ҳар йўл етургонлар топар тавфиқ,
Эрур шаққул қамар тасдиқи — ғар сиддику, ғар зиндик,
На иш қисматда бўлса они бунёд этгани келдим.

Санга ким банда бўлди, топти ул хатти омонлиғни,
Санинг амрингдадур, ким сурди ул оламда хонлиғни,
Эшикингда сани сабт эттилар оли маконлиғни,
Саодат аҳли топти итларингда ҳам забонлиғни,
Муҳаббат аҳлиға бу ишни иршод этгани келдим.

Санга ким кийна қилди, бўлди Ҳақ даргоҳидин мардуд,
Юзи бўлди қаро исён ўти бирла они чун дуд,
Жаҳонни неча тўлдирса ибодат бирла қилмас суд,
На баҳра тобқусидир, ул анга раҳмат йўли масдуд,
Ҳидоят бирла гумроҳларни имдод этгани келдим.

Фараҳ айлар кўнгул андуҳини мушки тоторимсан,
Шабистони фироқим дафъ этар шамъи мазоримсан,
Чароғим ичра ёғим, ҳам дилим ичра, қароримсан,
Назар жаннатга қилмам ҳашр аро ширин ниғоримсан,
Фароғат аҳлини Мажнуну Фарҳод этгани келдим.

Сани кўйунг насими файзидин жисмимда жон тобтим,
Ичурдинг жоми лаълингдин ҳаёти жовидон тобтим,

Етиб мақсудима то мосиволоҳдин амоғ тобтим,
Жамолинғ ичра музмар нури шамъи лемакөн тобтим,
Мани Машраб бу вахдат мулкин обод этгали келдим, —

деб, зор-зор йиғлаб, яна бу ғазални ўқудилар:

Йиғласам вақти дуо бўлғаймукин,
Куз ёшим дардига даво бўлғаймукин?

Бодайи ишқи муҳаббатдин ичиб,
Шавкати дунё жудо бўлғаймукин?

Бош ура келдим сани даргоҳинга,
Бир мададжорим Худо бўлғаймукин?

Йиғламоқдин манга имкон қолмади,
Ёрдин манга нидо бўлғаймукин?

Қайси бир дардимни айтай дўстлар,
Ўлмайин дардим адо бўлғаймукин?

Ёр кўйдурди мани ҳолим хароб,
Арз этарга дод этиб бўлғаймукин?

Телба Машраб йиғлаюр ё раббано,
Раббиял аъло девам бўлғаймукин? —

деб, шоҳ Машраб йиғлаб юруб, яна бу ғазални ўқудилар:

Кўрсат жамолинғ мастоналарға,
Ишқингда куйган парвоналарға.

Мандин дуову сандин ижобат,
Жоним тасаддуқ жононаларға.

Эй бағри қаттиғ раҳм айламассан,
Қилғил назора бечораларға.

Машраб сани деб кечти жаҳондин,
Бошини кўйди остоналарға.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Баңданг эрурман валоҳу биллоҳ,
Шому сахарлар ман санга шайдо.

Келдим эшикга деб шайъаниллоҳ,
Кўрдум юзунгни алҳамду лиллоҳ.

Боқсаиғ манингдек девоналарга,
Ақлу ҳушидин бегоналарга,

Исён чўлида овораларга,
Кўрдум юзингни алҳамду лиллоҳ.

Мастона қилган шаҳло кўзунгдур,
Девона қилган ширин сўзунгдур,

Афсона қилган ойдек юзингдур,
Кўрдум юзингни алҳамду лиллоҳ.

Излаб юрурман Шому Ироқи,
Топмадим асло ёрни сўроғи.

Куйдурди дўстлар ёрни фироки,
Кўрдум юзунгни алҳамду лиллоҳ.

Машрабга тегди оҳу надомат,
Ҳар ерда бўлсанг бўлгил саломат,

То рўзи маҳшар айтур давомат,
Кўрдум юзунгни алҳамду лиллоҳ.

Шоҳ Машраб шунча нола ва зори қилдилар, ҳеч бир ил-
тифот бўлмағач, бу ғазални ўқудилар:

Ул дилбари раънони мен ёр тутай дерман,
Май берса агар андин бир қатра тотай дерман.

Жаннат, хуру филмонинг тоқи-равоқ, айвонинг,
Балки оби ҳайвонинг бир пулға сотай дерман.

Ишқ йўлида зоҳид аҳли ошиққа қилур таъна,
Оҳ ўқи била отиб они йиқитай дерман.

Дўзах ўти ҳўл бўлди кўзинг ёшидин Машраб,
Ишқинг ўтидин тоблаб ани қурутай дерман.

Машраб бу байтни ўқуб, эшон Офок хўжамни хизмат-
лариға келиб, остоналарида турди. Ҳазрати подшоҳимға
хабар бердиларки. «Тақсир подшоҳим, Машраб қуллари
келиб эшиқда йиғлаб турубдур». Ҳазратим чиқиб кўрди-
ларки, Машрабни қўли орқасиға боғланган, арғамчини
бир учи гарданиға, яна бир учи итни гарданиға боғланган
ушбу ҳолда кўруб табассум қилдилар. Машраб ҳазрат-
ни кўруб бу ғазални ўқудилар:

Мухаббат ўтиға бағрим куюб бирёна йиғларман,
Висолингни тилаб, эй нозанин жонона йиғларман.

Умидим бодайи лаълу лабингдин жоми май ичсам,
Фигону нола бирла бар дари майхона йиғларман.

Сияҳ зулфинг манга зуннор, ўлдим кофари ишқинг,
Бўлуб расвойи олам сокини бутхона йиғларман.

Гаҳи булбул дар афғонман, гаҳи чун қумри нолонман,
Гаҳи чўғзи паришонман, ватан вайрона йиғларман.

Аё, лайливашим, бир ғамзайи нозинг билма ўлтур,
Фироқинг даштида Мажнун ила ҳамхона йиғларман.

На ҳожат манга дашту тоғ аросида ватан қилмоқ,
Агар бўлса бу йўлда жазбайи девона йиғларман.

Илоҳи баҳри жонимға гуҳар найсонини ёғдур,
Тилаб кўнглум садаф янғлиғ дури яқдона йиғларман.

Жамолинг партави оламға тушти барча ўртанди,
Кўюб Машраб мисоли ул пари-парвона йиғларман.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Жамолинг соғиниб, шому саҳар ман зор йиғларман,
Жунун саҳросида девона мажнунвор йиғларман.

Санга рози дилим изҳор этиб сўйлар мажолим йўқ,
Паришон ҳолу саргардону қал афғор йиғларман.

Юзинг «Шамсузуҳо» моҳи мунаввар, эй пари пайкар,
Лаби лаълу лисонинг шаҳди-шаккарвөр йиғларман.

Хатинг боғу баҳору лолаву сарву суман эрди,
Ки ман чун булбули шўридаи гулзор йиғларман.

Кўрай деб орзу бирла жамолингни ман эй зебо,
Турубдурман эшигингда, аё ғамхор йиғларман.

Кўзумдин мавж уруб селоби ашким тўла қон оқти,
Агар ёдимға тушсанг, эй пари рухсор йиғларман.

Илоҳи мағфират дарёсидин Машрабни шодоб эт,
Ҳамиша «Шайъаниллоҳ» деб қаландарвөр йиғларман.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

Қошинг меҳроби эй дилбар манинг ким қиблагоҳимдур,
Юзумг меҳри кўнгулни равшан этмакликка моҳимдур.

Ибодотим қиёми пойгоҳинг хонайи Каъбам.
Итинг ул остони оли узра такагоҳимдур.

Ики олам хаёлоту манга қотил эрур жоно,
Сипоҳинг тортиб отланса манга ёдинг паноҳимдур.

Бу кўнглум майл қилса ғайрни ёдини қилмакка,
Ғаминг фурқат ўтида ҳарна қилса ўз гуноҳимдур.

Вале кўнглум қабул этмас, ки сандин ўзга дилбарни,
Сочингни ҳалқаси ул зулмдин оромгоҳимдур.

Қаро кўрган фалакда абр эрмас ёқғани ёмғур,
Мани ҳолимға йиғлаб, ул қароси дуди оҳимдур.

Эмастур устихон бирла отинг остида судралғон,
Ғаминг ранжи билан бўлғон мани жисми табоҳимдур.

Мани ўлдурсаву тиргузсаву лутф айласа манга,
Аигадур ихтиёрим, ҳарна қилса подшоҳимдур.

Гуноҳим ғайрдин эрмас, кўзумдан, ихтиёримдан,
Ки душмандурки, қатл айлар, эмас бу додхоҳимдур.

Кеча кундуз бу Машрабни хаёли остонбўси,
Висолинг давлатин топмоқға итларни солоҳимдур.

Хожам подшоҳга Машрабни ҳоли маълум бўлди. Айди-лар: «Эй Машраб, Рустамона иш қилдинг, жон чекмагун-ча жонона қайдадур, эй Машраб, гуноҳингни кечтим», — деб Машрабни ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Машраб шукронаға бу ғазални ўқуди:

Кел, эй дилбар, бугун эмди мени васлингга етқургил,
Нетай сансиз тирикликни мани васлингга етқургил.

Гувоҳ бўлунг халойик, манки кечтим хонумонимдин,
Ки сандин ўзга ёрим йўқ, мани васлингга етқургил.

Яратқон подшоҳимсан, сўрарга додихоҳимсан,
Қиёмат қозиси сансан мани васлингга етқургин.

Азалдин то абад дўстлар бу ишқ ўтида ман куйдум,
Яна маҳшарда оҳ урсам мани васлингга етқургил.

Бу ишқ ўтида эй дўстлар, мажозидур агар билсанг,
Ҳақиқатдин баён айлай мани васлингга етқургил.

Кел эй Машраб, умид этгил, Худойинг лоязол эрмиш,
Муҳаммад Мустафо ҳаққи мани васлингга етқургил, —

деб, шоҳ Машраб бу муножотни ўқуғондин кейин ҳазра-тим айдилар: «Эй Машраб, сани ичинг торлиқ қилди, маъ-нини ошқора қилдинг, оғзингни оч», — деб Машрабни оғ-зиға тупурдилар. Машраб они ютуб, кўзларини очиб «Ло-такрабус-салота ва антум сукаро» деб қарасалар замину осмон жумбушга кириб, ҳама зикру саноға машғулдурлар. Ҳазрати подшоҳим айдилар: «Ҳар киши Машрабга кў-шулди, Худоға қариб бўлди.» Машраб ҳазратни илтифот-лариға бу мухаммасни ўқудилар:

Тоқи равоқи чарх уза Исойи босафо ўзум,
Ҳашт дари биҳишт аро Идриси пешво ўзум,
Лужжайи ваҳдат ичида гавҳари бебаҳо ўзум,
Дунёни пушги по уруб, Адҳами бенаво ўзум,
Авжи фалак узосида шорики пурзиё ўзум.

Шеъри муҷаддадим мени олама берса равнақи,
Чикса лаҳаддин оҳ уруб Машраби бирли Мушрифиди,
Саъдиву Жоми айтадур, анда на қилгуси Нақи,
Банда эмам, Умам эмам, миннати Узаддин тақи,
Йўқтур табиба ҳожатим дардима ҳам даво ўзум.

Ҳимматим илгида агар бир дами бўлса бу қалам,
Сафҳайи дилни ичини лаҳзада айласам рақам,
Бўлса мунаввар ул замон, жоҳ или нури физзалам,
Мам тиласам жамолнин Тур ичида дам-бадам,
Мусолайин асо олиб, тункотари Худо ўзум.

Кечтим бу фони дунёдин, бир йўли Адҳамлайин,
Ганжи қаноат изладим зоҳиду обидлайин,
Кирдим йўлиға тарк этиб, барчани барҳамлайин,
Шарҳи тариқи ҳақлайин, Султони Орифлайин,
Пири Муқаддамим қўйуб матлаби ҳам худо ўзум.

Кайсари Румдин илгари шаън ила шавкатим мани,
Нуширавони Кайқубод бахт ила давлатим мани,
Рустами дoston эрур қуч ила қувватим мани,
Куфр ила динда йўқ магар ҳеч нима нисбатим мани,
Ҳам Ҳасану Ҳусайн ўзум, ҳам шаҳу ҳам гадо ўзум.

Қўйди бу зийрак фақир меҳнату гурбат ичида,
Заррача қадри қолмади иззату ҳурмат ичида,
Тинмади зор йиғлади, коҳиши кулфат ичида,
Машраби хаста айтадур олами шухрат ичида,
Бир бутти бебадал учун ошиқи мубтало ўзум.

Шоҳ Машраб ул кун ҳазрати подшоҳимни орқаларидин
намози жумъаға бордилар. Имом «аллоху акбар» деди.

Шоҳ Машраб шу турганларича бир кеча ва кундуз чиқ-
май туруб қолдилар. Ҳазрати подшоҳим сўрадиларки:
«Машраб қайдадур?» — одамлар жавоб бердиларки туно-
кун намози жумъаға тургонларича туруб қолдилар. Ҳаз-
ратим қўз ёш қилиб дедиларки: «Эй сўфилар, огоҳ бўлунг-
ларки, Машрабдин Мансури Ҳалложнинг иси келадур.
Мансурни мақомиға етибдур», — деб ҳақиқа дуойи хайр
қилдилар. Айдиларки: «Эй сўфилар, Машрабни мунда
айтиб келинглар». Сўфилар бориб Машрабни ҳазрати
подшоҳимни хизматларига олиб келдилар. Анда Машраб
келиб бу ғазални ўқудилар:

Бошида қўли қочинида қароми обдор ўқуб
Қийсам сўзунг оғт бўсу қилор ўқуб.

Мастанга салгани кўра олмас кўруг рақиб,
«Лотарифус — салота ва антул сулар» ўқуб.

Субҳи кўрун сониғиша аёл эйти, субҳи шам,
«Валлайль»ни тажадилсидин «Ванмаҳор» ўқуб.

Машруи қадимга сурийи «Вашини» боғажидан
Одобн қуллуғини шахи момкер ўқуб.

Эй булбули ситамзада, қил дари ила фиғон,
Умрунгу тугонди қиссайи фасли баҳор ўқуб.

Гар ояти жасая тиласанг ёр ўргатар,
Машраб деганга йидағсен зор-зор ўқуб.

Шоҳ Машраб ҳазратимни олдиларига йиғлаб гурдилар. Тамоми мурид ва мухлислар ҳозир эрдилар. Энди Шайх Нуриддинни ҳикоясидин сўз эшитмак керак. Тошканд вилоятида ҳожа Нуриддин деган бузруквор бор эрдилар. Ҳоҷам подшоҳга ҳамшира эрдилар ва ҳўб олим киши эрдилар. Етти мартаба ҳаж қилиб, молларини торож қилдуруб, қоимуллайл ва соимуннаҳор эрдилар. Касби камолат ҳосил қилиб эрдилар. Шайтонга баҳсу жавоб қилиб эрдилар. Умрлари етмишга етиб эрди. Бир кун бемор бўлуб, зиёда ҳолати назъда эрдилар, яъни Малакулмавт жон олмоқни қасдида эрдилар ва Шайтони лаъин имон қасдида эрди. Ул лаъин бирла неча баҳсу жадал ва радду бадал бўлуб охирул амр шайтони лаъин ғалаба қилиб, ушбу ҳолат ҳазратимга кашф бўлуб, ҳай дариг, деб бошларини кўториб муридларига қараб айдилар: «Киши бормуки, бориб хожа Нуриддинни шайтони лаъинни чангидин халос қилса», то уч мартаба айттилар, ҳеч кимдин овоз чиқмади. Соатидин сўнг шоҳ Машраб жойларидин туруб: «Эй подшоҳим, ушбу хизматни ман камина бажо келтурсам», — дедилар. Подшоҳим айдилар: «Эй девона, аввал деганимда нега турмадинг?» Машраб айдилар: «Аввал оқ соқолларга қародим, иккинчида қаро соқолларга қародим, учунчида киши турмади, ночор камина жавоб бердим». Ҳазратим Машрабни ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Анда, Машраб бу ғазални ўқуб равон бўлдилар:

Раҳнамо мажруҳдилман узрхога ман борай,
Жабрга мисли Ҳалилдек ҳар жафога ман борай.

Жабҳа зард этдимӯ тан қўйдӯм Худо тақдириға
Ул Хусайн ибни Алидек Карбалоға ман борай.

Соати ўлтурдум хамуш, аҳли сулуклар бор учун,
Гар ҳазар қилса бўлар ул мубталоға ман борай.

Амрингиздин ўргулай пушти паноҳим ё пирим,
Сиз дуода ёд этинг, ул мудоға ман борай.

Ким қадам қуйса бу йўлга пой то фарқи қуяр,
Орифи биллоҳ ўзум, дафъи балоға ман борай.

Чун азалда ғам била омодадур лойим мани,
Ҳар жафо етса, кўруб, тири қазоға ман борай.

Мустафони душмани бўлса Алиға амр этар,
Пайрави шери Худо ман ул ғазоға ман борай.

Аршни устида ман арзи дилим айлай баён,
Гар нидойи мағфират келса давоға ман борай.

Жабраилдек шахпарим ёпмиш жаҳон айвонини,
Ҳам заминни тай қилиб, суйи самоға ман борай.

Вожибул — мавжуд сўроғин қилди кулли хосу ом,
Роҳи хосалхос ила назди Худоға ман борай.

Келмаса раҳмат нидоси жойини қилса жаҳим,
Жумла дард аҳлин йиғиб, ул ҳашргоҳға ман борай.

Хожа Нуриддинни Машрабга гуноҳин ўтмасанг,
Оси жофи қўймасун, дўзахқа танҳо ман борай.

Манзилу марохилларни тай қилиб борурда тоғларни ора-
сида бу муножотни ўқудилар:

Ё илоҳо, қодиро, якто узунг сан бирубор,
Барчани сан халқ этибсан холиқи лайлу наҳор.

Кўз очиб юмғунча тарсони қилурсан боимон,
Лаҳзада чўлни қилурсан бўстони марғузор.

Тоати сад сола нобуддур ижобат бўлмаса,
Ноумид куффор, мўъмин кулларинг умидвор.

Подшоҳо, сандин ўзга йўқ манга фарёдрас,
Бу сифотинг ҳурматидин ушбу ҳожатим чиқор.

Аршу курси «Қоба-қавсайн», «ав-адно» ҳақи,
Ноумид қайтарма раҳмат бобидин Парвардигор.

Ҳам Забур, Тавроту ҳам Инжилу Фуркон ҳурмати,
Ҳожа Нуриддинни Шайтон шарридин қил беғубор.

Уч юз олтмиш минг паямбар ҳурматидин холико,
Боимон қил хожа Нуриддинни соҳиб ихтиёр.

Ул Муҳаммад хотири Машрабни қилма ноумид,
Бу муножотим қабул этгил туфайли чор ёр, —

деб, кетиб борур эрдилар, шул вақт ҳазрати Хизр алайи-
ҳиссалом учрадилар. Сўродиларки: «Эй бўтам, нега мунча
йиғларсиз?» Машраб айдилар: «Ҳазрати подшоҳимиз
хизматга буюрдилар, оё уҳдасидин чиқарман ё чиқолмас-
ман», — деб бу ғазални ўқидилар:

Ҳожатим бор нораво, ман йиғламай, ким йиғласун,
Дард берибдур бедаво, ман йиғламай, ким йиғласун.

Зулмати мотамда қолдим, бу хатарлик йўл аро,
Бекасу бераҳнамо, ман йиғламай, ким йиғласун.

Бу сабабдин дод этарман холиқим даргоҳиға,
Додима шаҳ етмаса, ман йиғламай, ким йиғласун.

Тошканд бориб Азовил бирла қилғумдур масоф,
Бермаса ёри Худо, ман йиғламай, ким йиғласун.

Васвос айлабдур лаъин Офоқ ҳожам маҳбубини,
Қилмасам андин жудо, ман йиғламай, ким йиғласун.

Сан дуои хайр қил деб раҳбарим амр эттилар,
Қилмаса Ҳақ мустаҷоб, ман йиғламай, ким йиғласун.

Бодайи ҳимматни нўш айлаб ҳидоят илгидин,
Қилмасам хизмат бажо, ман йиғламай, ким йиғласун.

Етмиш йиллик тоъату хайри саховатлар била,
Кетса мундин русиё, ман йиғламай, ким йиғласун.

Гар умид бирла келиб, ёнса бу Машраб ноумид,
Бўлмаса мушқилкушо, ман йиғламай, ким йиғласун.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Жумлайи мақсудни сан, зоти Оллоҳдин тила,
Сен гадосан, ҳожатингни дафъатан ~~шаҳидин~~ тила.

Ваъда қилгондурки муъминларни зойиъ қўймагай,
Ончи ҳожотингни сан «Ажран жамило»дин тила.

«Раббиял аъло» дебон бошингни қўйғил саждага,
Тақя қилғил, Каъбага, ажрим Оллоҳдин тила.

Чун Халил оташга кирди бутға сажда қилмади,
Ганжи дилни котиби «Наҳну қасамно»дин тила.

Они бир оти «Басир»дур ёна бир оти «Самиъ»,
Сан дуони фатҳини «Алҳамду лиллоҳ»дин тила.

Қўя узотсанг Машрабо, сан домани Аҳмадга ур,
Жуйбори бешага қўя сояма дарёдин тила, —

деб, шоҳ Машраб тоғларни аросида йиғлаб кеча-кундуз
жидду жайд бирла йўл юруб айтур эрдиларки: «Азал кун-
да қисматим шундоғ экан», — деб ўтган пайгамбарларни
шафиъ келтуруб, бу муножотни ўқудилар:

Ё илоҳи, кудратинг зоти жамолуллоҳ ҳақи,
Кудратингдин бўлди пайдо Одаму Ҳавво ҳақи.

Аршу курси жумлайи Ланку Қалам бўлса шафиъ,
Лутф кўргуз «Қоба — Қавсайн», «ав-адно» ҳақи.

Қайси бир исъматларингни шукрини баржо қилай,
Сан ўзинг ғайбдин ато қилгон каломуллоҳ ҳақи.

Донайн гандумға сотти ҳашт дари жаннатни ул,
Садқан руҳи бўлай Одам Сафийуллоҳ ҳақи.

Намруд ўтига кириб, бир зарра парво қилмагон,
Молу жонин Ҳақга топшургон Халиллулоҳ ҳақи.

Тиғи Ҳаққа ҳажмин тутти чу Исмонл кўрунг,
Бу қазога рози бўлгон, ул забихуллоҳ ҳақи.

Бепадар Марямин батнадин келиб соҳибнафас,
Мурдаларин зинда қилгон ҳазрати Ййсо ҳақи.

Кухи Турин ўлкасида «Рабби арини» дег исмин,
Ун саккиз минг роз зинатган ҳазрати Мусо ҳақи.

Етмиш уч бини кутр еди Алайб салтанатини,
Бу баласа таъбир килгон Алайбни доно хикми.

Алла бағишма шайб Хак тирмак, ваки қилмаган,
Эйлаб Худон дони до қилгон чу Зафаройи хикми.

Боз нуҳсад сол Жириде уири ичди кунди уи,
Мийг улуб, минг бар тарилган селкиб тараб хикми.

Чун хаттиб думлаи пайгамбарин бағишма сан Шайб,
Мусони мағишма еткурган Ушад доно хикми.

Во болам деб бағишма чак эдиб Якубни гур,
Чоҳ ичиди жой ташлаб Юсуфни баршо хикми.

Бир ниғини хуриятдин думлаи олам шоқидур,
Довуд ўгли ул Сулаймон мағи шоқиммоқ хақи.

Лут пайгамбарин қавмини Худо қилди хароб,
Дийдасидин қон тўқуб юрган ўшад Ядэ хақи.

Уммати оси гавмида рўзи-шаб қон йилмаган,
Икки олам обрўин ул Расулалоқ хақи, —

деб, шоҳ Машраб йиғлаб ҳазрати Хизр алайҳиссаломдин дуо тиладилар. Ҳазрати Хизр алайҳиссалом дуо қилдилар ва айдиларки: «Эй болам борғил, Шайтонга зафар топгайсан ва муродинг ҳосил бўлғай, аллоҳу ақбар», — деб яна бир неча нуктаи маърифат ва тариқатдин баён қилиб, насиҳатлар қилдилар. Машрабга бу насиҳатлар таъсир қилиб, бу ғазални ўқудилар:

Тан камолоти худо сўзумни «Ло» ву «илло»дин гапур.
Сўрасанг ушбу сўзумни «Ло» ву «илло»дин гапур.

Раҳмати айни ҳумоюн соясин ахтармасун,
«Лому мим»ни ташлаб эмди асли сан «ё»дин гапур.

«Фақтулуни конато мин баъд абёт» айтаман,
«Лам акул қул иннака инни заламно»дин гапур.

Сан агар оқил эсанг олимлингинни зоҳир эт,
Жумлаи тахти назар қил, тахти дарёдин гапур.

Минг китоби қолни бир гардчайи холим ўкур,
«Карра тайни яққалиб», «Инню фатаҳно»дин гапур.

Машрабо, нодонға қилма шайхлиқ даъвосини,
«Е хафийял лутфу таваккалту алаллох»дин гапур.

Ҳизр алайҳиссалом Машрабни муддаосича сўз деб,
Машрабға дедилар: «Эй Машраб, эмди сан ҳам ўз ишқу
муҳаббатингдин баён қилсанг?»

Шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Жавҳари дилни билурга марди дил огоҳ керак,
Марди Ҳақни суҳбатига соҳиби тақво керак.
Дардсизлар на билур аҳли фанони қадрини,
Норосолар суҳбатига зийнату дунё керак.

Неку бадни сиррини мунда қилиб бўлмас аён,
Бизга дийдор, ўзгаларга манзилу маъво керак.
Чашми зоҳир бирла кўрдунг жандайн фақримни сан,
Толиби Ҳақ бандаларни зоҳири расво керак.

Тифли нобиноға изҳор этма кўксунг ёрасин,
Дарди ҳолингни билурга ҳозики доно керак.
Ким такаббурдур анга Шайтон лаъйин ҳамроҳ эмиш,
Гардани Шайтон урарға орифи бино керак.

Чун дарахти босамарни гардани бўлгай нигун,
Кимки бебардур, теракдек гардани боло керак.
Ҳасдин ўзни тутмасанг, кам бандалик номинг ғалат,
Кимки паст тутмиш ўзин дўсти Расулиллох керак.

Зийнати дунёга мағрур ўлма Нуриддинни кўр,
Охири бир кун сани бошинга бу ғавво керак.
Машрабинг олдида сан ёзуқларинга тавба қил,
Гар дуое айласам ман, макбули даргоҳ керак, —

деб, ҳазрати Ҳизр алайҳиссаломдин назар топиб, видоъ
қилиб йўлга равона бўлуб, бу ғазални ўқудилар:

Боз қасди ғорати имони габрон кардаам,
Куфрро ошифтаву динро паришон кардаам.

Душмани зоҳир гирифтор оташи дўзах бувад,
Ғайрати ишқи қаландарро ба туғён кардаам.

Бо санами масти муқим, гушае дайрам бидид,
Донае тасбиҳи зоҳид ашки найсон кардаам.

Мўмини кофир тарошам, муслими габр офарин,
Шайху раҳбони Ҳарамро кофиристон кардаам.

Машраби риндон манам, сармастро шайхон манам,
Хонақохи бенишон, бо дайри вайрон кардаам, —

деб, бир соатда ўзларини хожа Нуриддиннинг дарвозасида
кўрдилар. Бо овози баланд шўри жунун бирла бу ғазални
ўқудилар:

Мо нисбати ҳарифим, мо душмани ошноим,
Жабраилро хабар нест, дар оламе ки моим.

Аз ошно гусаста, пайвастаим бо дўст,
Бо хейштан нишаста, лекин зи худ раҳоим.

Бо шайх аҳд баста, бо лўлиён нишаста,
Дар ҳар кужо ки бини ҳангомаи Худоим.

Ҳечаму камтар аз ҳеч дар боргоҳи ҳасти,
Ҳангоми «ли маъаллоҳ» ҳамтарҳ бо худоим.

Нафасу дам намирад, ин хок сабза хезаст,
Фарбеҳ шиколи хейшам, ҳарчанд бенавойим.

Кавнайро чу наълайн андохтиму рафтим,
Девонағони шоҳим, ринди бараҳна поим.

Дидим ин жаҳонро, Машраб фусурда жой аст,
Зуд аз жаҳон бирафтим, дар дор бебақоим.

Шоҳ Машраб ҳу деб хожа Нуриддинни ётқон хужрала-
риға кириб бордилар. Кўрдиларки хожа Нуриддинни ҳоли
табоҳдур. Рўбарў келиб салом қилдилар. Хожани жавобға
маҳоллари бўлмади. Балки, ишоратға ҳам ҳоллари ет-
мади. Машраб бу ҳолни кўруб бу ғазални ўқудилар:

Ман салом қилдим санга, қилган ишоротинг қани?
Марди Ҳақни билгани эмди каромотинг қани?

Бўлди мақбулунг сани мардудга эмди интизор,
Етмиш икки баҳс этиб олғон амонотинг қани?

Эътимоди қол этиб, қолдинг аро йўлларда сан,
Тинмайин шому саҳар қилган тиловотинг қани?

Бити марди қилди қилди, мароғатни қилди қилди,
Дастурни қилди қилди, қилди қилди қилди.

Бити марди қилди қилди, мароғатни қилди қилди,
Дастурни қилди қилди, қилди қилди қилди.

Жузи раҳм оғират қилди бу мароғатни қилди,
Дастурни қилди қилди, қилди қилди қилди.

Машраби давони қилди эҳти Худо тақдирини,
Амри пириги қилди қилди қилди қилди.

деб, андак мулоҳазани қилиб, мураккабга бордилар, таваж-
жуҳ қилиб Шайтон бирда жиҳод қилдилар, лаяни тоқат
қилмади қочиб кетди. Авладини шарофатадини Аллоҳи
таъло иноят қилиб, қожани Шайтон шарридини нажот бер-
дилар. Хожа имонни саломат элтилар. Шоҳ Машраб Ал-
лоҳи таъолоға шукрилар қилиб, бу ғазални ўқидилар.

Ғар худо раҳм этмаса, тасбиҳу гоъатдин на суд,
Варна имон бўлмаса, хайру саховатдин на суд.

Жумлаин аҳли шаҳодатни Худо бандам десун,
Сарнавиштинг қаж агар бўлса шаҳодатдин на суд.

Хожа хурсанд бўлмаса, қул хизмати бекордур,
Ғар ижобат қилмаса, қашфу қароматдин на суд.

Тухми нуронини то арзи дилнингта экмасанг,
Раҳбарни қул муттақи бўлгон мақоматдин на суд.

Тан дурустликда ўлумини ёд этиб қоя йиғлагил,
Жон берур вақтингдағи ашқи надоматдин на суд.

Булди Шайтон шарридми дил холи қил қабрини кўр,
Минг Азозия қайдада этандек қамолатдин на суд.

Машрабининг зарраи оҳига олам ўртанур,
Мурдаға жон бермаса, бу шиқи ҳолатдин на суд, —

деб, шоҳ Машраб омман халойиқға насихат учун бу ға-
зални ўқудилар:

Йўл хатардур борасан, бемуттако сан йиғлагил,
Хар кадам қўйсанг гирифтори бало сан йиғлагил.

Банда бир йўл йиғласа, Ҳақ анга минг лаббайка дер,
Дийдадин хуноба тўк, соҳиб азо сан йиғлагил.

Мустафо умасат учун йиғлар эдилар доммо,
Уммати хоси расули Мустафо сан йиғлагил.

Йиғламоқдин тошти Машраб, маърифатни ганжини,
Қўл очиб омин дегил, соҳиб дуо сан йиғлагил.

Андин сўнг ўз холларидин бир ғазал ўқудилар:

Руҳи покнинг, ки ман сўйи само қилгучи ман,
Ул ғазалик подшоҳга ошно қилгучиман.
Ман ўзум ғассов ўлуб, юрсам сани ҳиснингни вом,
Нури имонинг била қабринг зиё қилгучиман.
Оташи ишқ олдида жонинг олурдин ғам ема,
Талхайи жонин танингта вораво қилгучиман.
Гўр аро икки малак қилса саволи бандалик,
Раббим Аллоҳи тилингга жо бажо қилгучиман.
Ул қиёмат шиддатидин заррае сан кўрқмағил,
Номайи мақсудни ман илқингта жо қилгучиман.
Ул тарозу палласига солса аъмолийни сани,
Заррайи оҳим била жураинг ҳабо қилгучиман.
Ҳашт дари жаннат юзингта во қилур, бил Машрабо,
Ҳамништин чор ёри Мустафо қилгучи ман.
Ул аёғ остида дўзах деб паришон бўлмағил,
Пистани пўчоғина дўзахин жо қилгучи ман.
Уқбайи руҳониларда раҳбарни кул бўлмасе,
Ўн минг йиллик кўпругин қаддини ё қилгучиман, —

деб, хожани саломат борғониға шод бўлуб, бу ғазални ўқудилар:

Қулни вуксонин адам қилган Худодин ўргулай,
Бори исёнини кам қилган Худодин ўргулай.

Мағфират бобини во қилсай бу кўнглум тилинда,
Пардаи раҳматни очган подшоҳдин ўргулай.

Ҳам малоийк барчаси қилди дуо хушнуди Ҳақ,
Ғарқи нур ўлғон нубувват, авлиёдин ўргулай.

Хуру филмонлар аёғимға ҳама муштоқ эрур,
Мунтазир, ҳамсуҳбати марди Худодин ўргулай.

Ҳам лаҳад ичра чароғин ёндуруб қўйди хоҷам,
Раҳбари кулл муттақи ул авлиёдин ўргулай.

Бошиға тожи лаамрук қўйди ул пушти паноҳ,
Ҳам шафоатхоҳи машҳар Мустафодин ўргулай.

Ҳам Абубакру Умар Усмон эрур муштоқи дўст,
Соқийи кавсар Алийи Муртазодин ўргулай.

Машраби девонани бўлди дуоси мустажоб,
Мустажобуд даъва қилган подшоҳдин ўргулай.

Ҳазрати Офоқ ҳожани ёд қилиб, аларға мутаважиҳ бў-
луб, бу ғазални ўқудилар:

Ул Лаъин васвосидин пирим жудо қилдим ани,
Рози дилни билгучи марди Худо қилдим ани.

Дасти ноқобил била ювдум кафанга чулғадим,
Таъзият бирла вужудин кимё қилдим ани.

То лаҳад етмай малоийқ қилди етмиш бир савол
Қулли нуқсонотидин охир сиво қилдим ани.

Қабр аро қўйдум, тамошо айладим Ҳақ лутфини,
Тахт уза бошиға тожу подшоҳ қилдим ани.

Иззату эъзозу икрому фароғат андадур,
Мағфират дарёсини қабриға жо қилдим ани.

Бо имон эт жумлайи мўъминни Нуриддин каби,
Ғарқи раҳмат айла жамъин деб нидо қилдим ани.

Шухратим Офоқ олар деб Машрабинг қўл олмади,
Ман баҳар навъида қавми Мустафо қилдим ани, —

деб, шоҳ Машраб ҳожа Нуриддинни марсиялариға бу
ғазални ўқудилар:

Бу жаҳони бевафода кўб жафо қилган ўлум,
Ҳазрати Одамни кўргил ерга жо қилган ўлум.

Ҳеч ким золим ўлумни дастидин топмас амон,
Барчага жавру ситамни жо-бажо қилган ўлум.

Ул Халилulloҳ қани, оташни гулзор айлаған,
Бу ажал сайёдини домиға жо қилган ўлум.

Ўн саккиз минг роз эшитган ҳазрати Мусо қани,
Бир қариш ер остиға жисмин фано қилган ўлум.

Кирми мотам амр этиб, Айюбни қилди имтиҳон,
Охири умрин чароғин безиё қилган ўлум.

Икки олам обрўйи ул расулulloҳ қани,
Уммати оси ғамида додҳоҳ қилган ўлум.

Чори ёримиз Абу Бакру, Умар, Усмон қани,
Ҳайдари каррорни кўргил ерга жо қилган ўлум.

Нури чашми Мустафодур, ул Ҳасан бирла Ҳусайн,
Шум Язидларға шаҳиди қарбало қилган ўлум.

Машрабинг ҳам косайи марғи шаҳодат нўш этар,
Балх аро Маҳмуд қўлида мубтало қилган ўлум, —

деб, шоҳ Машраб яна ушбу ғазални ўқудилар:

Дард бергил, он қадар муҳтожи марҳам қилмағил,
Ҳар касу нокас била бизларни ҳамдам қилмағил.

Оси-жафолар сани даргоҳинға бошин урур,
Раҳматингни бандаларни бошидин кам қилмағил.

Аввалу охир йиғилса шиддати рўзи жазо,
Пардаларни йиртмағил, расвои олам қилмағил.

Бандаларни бошиға гарми қиёмат тобласа,
Қоматими бори исёндин у кун ҳам қилмағил.

Жумла халқ тўфонда саргардон эрур бил Машрабо,
Ҳеч бандангни кетар вақтида музлам қилмағил.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Банда чун жойиға етмас, қурби ҳиммат бўлмаса,
То у жонибдин анга борони раҳмат бўлмаса.

Дийда нобийноға сув бергил, ки бас лаб ташнадур,
Йўл тополмас ҳеч ким соҳиб насиҳат бўлмаса.

Бид дилг рамишни минг жаннатга берилсам қана,
Майрабиди қилмас асар динда жиддат бўлмас.
Дийдага текс ладда туғилма қонир юз бўлур,
Дил эвасари дини ашқи билмас бўлмас.
Бас, бу дуня интизорни ошқиндор минг жан,
Анда бехасми келар мунда заррат бўлмас.
Ҳазрати Нурдиди минг қуллариди ўз ўзиди,
Нима қилсун Нур ашқида бу савдат бўлмас.
Қар килин мин оқиб шариди, Оқиб ташариди қул,
Дил ушал дилдор, ки бас, ул дини шариди бўлмас.
Машрабо, шухрат талабни кейиндан оқиб бор,
Орифи вақт ул бўлур, кийинга оқиб бўлмас.

Адин сунг ҳожанинг арвоқларига дуо ва тақбир қи-
либ, ҳазрати подшоҳининг хизматларига равон бўлуб,
йўлларда бу ғазални ўқудилар:

Бўлубман мени зарман, ташби заргар бўлай дерман,
Самандардек тутошиб шугълайи ахгар бўлай дерман.
Ҳақиқат қўчасида раҳимойи интизорни ман,
Тамоми аҳли гафилатларга найгамбар бўлай дерман.
Бошим ҳафт осмонга етса ман Исосифат бўлсам,
Худо даргоҳида ман мунданам беҳтар бўлай дерман.
Мани комилсифат эт, офтоби нурдин Машраб,
Буюрсанг ташналарга соқийи қавсар бўлай дерман.

ҒАЗАЛИ ДИГАР

Ишқинг тушти юракка, чиқориб олса бўлмас,
Дарёга томган ёшни қайтариб олса бўлмас.

Уч юз олтмиш тамурга, тўрт юз қирк тўрт сунгакка,
Ишқинг андоғ сингбидур, ахтариб олса бўлмас.

Девона Машрабингман, Ишқ ўтида куярман.
Парвонадек ул ўтдин, ўзни айирса бўлмас.

* * *

Ишқингда мани волаҳу хайрон яратибдур,
Тарсобачани ғорати имон яратибдур.

Бул дашти биёбонда ўларман нетай охир,
Лутф айлагучи ким сани ўммон яратубдур.

Жонимни олур булсанг ол эй дилбарни раъно
Биз ғамзадаларни саиға қурбон яратибдур.

Тақдирни қалам бошимга ситти нестайин ол,
Ҳажринг ғамида бесару сомон яратибдур.

Арзимни саиға атайин, эй илоҳи маҳоним,
Бизларни гадоқим сани султон яратибдур.

Ғам лашқари ичра мани ҳайрону хароба,
Лаб ташнаву дилхаставу, ҳайрон яратибдур.

Чун кўзларини жоду демак айни ҳатодур,
Тангри ани уз майляча кофир яратибдур.

Маснонасифат ишва била нозу карашма,
Парвонасифат шамъига сўзон яратидур.

Девонаву Мажнун на қилур йўқдур яложи,
Аз рўзи азал бағрини бирён яратибдур.

Девонайи Машраб на демеш эрса ёронлар,
Айб айламангизлар ани подон яратибдур,—

деб, шоҳ Машраб ҳазрати подшоҳимни жойларига келиб, остонадин таъзим қилиб, кирдилар. Ҳазрати подшоҳим марҳамат қилиб айдилар: «Эй Машраб, анонгни зиёрат қилғил, санинг кушанданг Балх шаҳрида подшоҳи Маҳмуддур»,— деб Машрабни ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Андин сўнг Машрабга рухсат бердилар. Машраб йўлга равон бўлуб бу мухаммасни ўқудилар:

Санамо юзунг биҳингтин, гул очиб баҳор қилдинг,
Нега ғайр ила тузуб базм, мани беқарор қилдинг,
Отибон ғаминг ўқини юрагим фиғор қилдинг,
Мани эй хумор кўзлук, нега мунча зор қилдинг,
Тилагач жамолинг эй гул, кўчаларда хор қилдинг.

Чидамай ситамларингга кетайли олиб бу бошим,
Дараву даштлар кезибон окузай ҳамеша ёшим,
Ғаму дард этса туғён қулдур ичиму тошим,
Кўнидин тазаллумингга на илождур чидошим,
Ситаму аламларингни бир эмас, ҳазор қилдинг.

Тилиму дилимда жоно туну кун эрур сифотинг,
Бу ажаб эл оғзидадур, шакару асал наботинг,
Кечибон бу жисму жондин, тиладим сани хаётинг,
Уларимга рози булдим, нега келмади уётинг,
Эшигинг тубида юз минг гесуларға дор қилдинг.

Садафинг дури мунаввар, ани сан ниҳон тутубсан,
Сан эмассан насли одам пари хийлидин ўтубсан,
Сан ўзунг узоқ ташлаб, мани мунда овутубсан,
Манга бир нигоҳ қилмай, нега ўзга келтурубсан,
Мани бадхумор айлаб, кими ихтиёр қилдинг?

Ийла илтифотинг ўлса, юрагимда доғ сандин,
Юзинг аро очилса гулга тутулур думоғ сандин,
Неча ўлсаму йўқолсам, йўқ эрур сўроғ сандин,
Йиқилиб, кўпуб турарман манга йўқ аёғ сандин.
Мани ўлдуруб ғамингга ийла жон нисор қилдинг.

Гаҳи сайр учун чиқарсан, ҳар тарафга қош отарсан,
Ман телба итни кўрсанг қовмоқға тош отарсан,
Манга тира тун булурсан ийла юз чароғ этарсан,
Манга гаҳи ўқ ёғилса, элга талош этарсан,
Ийла юз карамлар айлаб, мани нега зор қилдинг?

Базминг ўлди боғи бўстон, май учун қилиб гулгун хум,
Манга қилмадинг тараҳхум, на учунки, толеём шум,
Бу тирикликдин ортуқ ер ичинда бўлганим гум,
Мани қил ҳазор пора эл ичинда қилма маҳрум,
Мани йўқ қилиб жаҳонда душманимни бор қилдинг.

Туну кун тилаб нигоро икки зулфинг айладим дом,
Бахту толеинг бўлуб ёр қўймади бу домға ком,
Ийла бўлса васл ҳосил, манга бўлди хушк бадном,
Манга басдур ушбу давлат деди Машраби гумнон,
На учун бурун ўзунгга мани дўстдор қилдинг?

Чидамай қилиб пушаймон, на учунки ор қилдинг,
Айириб еру сувимдин мани беდიёр қилдинг,
Нега фурқатинг ўтида маня хору зор қилдинг,
Жона солиб ишқ ўтин мани беқарор қилдинг,
Васлни фироқға солиб тўла интизор қилдинг.

Ман риңди ловуболи, санга бўлди бесаранжом,
Бўлубон харобу ҳайрон, бу халойиқ ичра бадном,
Ҳамдамин эрур дафу най, ҳарифим суроҳию жом,
На қилай кўзумни юммай, сани кўрмасам дилором,
Қош отиб рақибларга мани бадҳумор қилдинг.

Начук унутаи нигоро, сани илтифотларингни,
Айтиб эл тамом қилмас, сани бу сифотларингни,
Туташур жонимга ўтлар, агар айтсам отларингни,
На учун тотурмадинг сан, шакару ноботларингни,
Эл аро ғариблигимда нега мунча зор қилдинг.

Бу жаҳонда эрди бисёр ишва бирла маҳлиқолар,
Лаби ғунча, юзлари гул, кўзи шўҳ бевафолар.
Бариси оламдин ўтди, ишқдин солиб балолар,
Бор экан нниҳояти, йўқ ўла билмайин жафолар,
Борини йиғлаб карамдин, манга гульюзор қилдинг.

Ёр сан-и ман бўлоли, ки мудом май ичоли,
Раз қизини олиб, кучуб хонақа ўйин бузоли,
Ҳар кишини бир хиёли, мадрасада қилу қоли,
Дунё кизидин кечоли, хур қизи кучоли,
Дех ичида важд ҳоли Машраб ихтиёр қилдинг,—

**деб, шоҳ Машраб манзилу мороҳилни тай қилиб, ҳазрати
Офоқдин айрилғонлариға афсус айлаб, бу мухаммасни
ўқудилар:**

Эй биродарлар нетай, ман ёрдин айрилмишам,
Фитна чашму, шўҳ, хуш рафтордин айрилмишам,
Булбули шўрида ман гулзордин айрилмишам,
Қошлари ё, кўзлари хунхордин айрилмишам,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.

Ул баҳори ҳуснидин охир жудо бўлдум нетай,
Ғам била меҳнат қўлида мубтало бўлдум нетай,
Васл шоҳимдин жудо бўлғач ғадо бўлдум нетай,
Фурқату дарду гирифтори бало бўлдум нетай,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.

Гул ҳазон бўлдию булбулға гулистон қайдадур,
Бу кўнгул тахтиға ўлтурмоқға султон қайдадур.
Моҳ талъат бўлди ғойиб, нури имон қайдадур,

Ҳақни ботилдан айирмовга суҳадон қилдиҳур,
Бир пари талъат шакар гуфтордан айрилмишам.

Ҳар пари бўлгон була андоғ шакар гуфтор эмас,
Ҳанда айлаб, гул масаллик сарву хуш рафтор эмас»
Лабларидин жон бағишлар, кўзлари хунхор эмас,
Кеча кундуз бу танзимга гамдин ўзга ёр эмас,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.

Боғи олам гуллари ул хуснига шайдо эди,
Кечани равшан қилурга гивҳари якто эди,
Шўҳи барнойи жаҳон эрди, ажаб зебо эди,
Фурқатида зор йиғлаб, кўзларимда дарё эди,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.

Сайди домингани солиб кетдинг на деб, эй шохбоз,
Ман кезиб, қайдин топарман бир санингдек сарвино
Сарви хуш эрдиники гуё фақр элига дилнавоз,
Чок этиб, сийнамни ман расвоин олам бўлсам оз,
Бир пари талъат шакар гуфтордин айрилмишам.

Йиғламай шайлайки, рўзимчи сиёҳ қилди фалак,
Ошноларни манга ноошно қилди фалак,
Кавкаби бахтимчи мундоғ безиё қилди фалак,
Охири умримда бахтимчи қаро қилди фалак,
Подшоҳи вақт эдим, соҳибазо қилди фалак.

Хонавайрон ман букун жисимда жоним йўқ мани,
Дарбадурман, ки бир ерда маконим йўқ мани,
Чуғзидек вайрона узра ошёним йўқ мани,
То сарим устига етса соҳиботим йўқ мани,
Не диловарларни туфроқ ичра жо қилди фалак.

Телбалардек ҳар замон йиртиб яқом қон йиғласам,
Сийналарни чок этиб, ҳолимга чатдон йиғласам,
Дўсти душман айб этар ҳар дам фёровон йиғласам,
Аз баройи мотам ул моҳи канъон йиғласам,
Дийдийи Яъқубни мундоғ, нобино қилди фалак.

Йўл адошчиб ғамга тўйдум, ҳамсафардин айрилиб.
Мисли булбулман букун, қам болу пардан айрилиб,
Моҳари ёру биродар, ҳам падардин айрилиб,

Қолласун ҳеч қиме маъинисде раҳбардин айрилиб,
Қўлма дубанни шайға мотамсаро қилди фалак.

Не маъинисларини ҳокимни кўрди чинлиги Мушонни,
Ишонди шайхлардин ҳақиқе динини Қарбани,
Ишонди Ҳо ҳолишота сан мотамсаро Фотиҳи мубсала,
Ҳеч кўганини бўлимасун маъдек илтифатини жудо,
Бу жаҳонни дуушарота мотамсаро қилди фалак.

Машрабо, ҳарқиз билалмиссан улуг асрорни,
Нурӣ Аҳмадини ярати гулбази давларни,
Сан гайибат бин, бу йўлда Аҳмадин Мухторни,
Ҳам Абубақру, Умар, Усмон, Али қарорни,
Фотимани нурӣ чинлигини жудо қилди фалак...

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, шул кеча келиб
Мушон деган жойға кўндилар. Эрта бирла жойларидин
турсалар, тиззадин қор ёғибдур. Ногоҳ имом номозга кел-
гани йўқ экан, қавм тайёр эрдилар, ҳаммалари имомат-
ликни Машрабга бердилар. Ноилож шоҳ Машраб меҳроб-
га ўтуб, «Аллоху акбар» деб сурайи фотиҳани қироъат
қилиб, замми сурани ўрнига Хожа Ҳофизини Шерозий алай-
хир-рахманинг байтларидин икки мисраъ ўқудилар, бу
турур:

Ҳангоми навбахор гулаз бўстон жудо,
Е раб, мабод, ҳеч кас аз дўстон жудо!

«Аллоху акбар» деб саждага бош қўйдилар. Шул ётқонла-
рича миқдори бир ош пишгунча ёттилар. Бошларини кў-
тармадилар, йигитларнинг баъзилари оҳиста бошларини
кўтариб қарасалар, меҳробдин хуррак овози келадур.
Бир йигит айдикки: «Эй халойиқ, бу девонани бизлар Вали
киши десак, кашфи жинда экан», деб хабар берди. Баъ-
зилари номозларин қайтиб ўқудилар, баъзилари иқтидо
қилғонларича ёттилар, андин бошларини кўтариб намозла-
рини тамомлаб, ўнг ва сўлга салом бердилар. Қавм ҳама-
лари соҳиб жазаба бўлдилар. Намозни қайтиб ўқуганлар
Машрабни тақсиротиға учрадилар. Мушонни улуғлари
айдиларки: «Тақсир, сизда уч феъл кўрдук, имом бўлганда
сурайи фотиҳадин сўнг сура зам қилмай, Ҳазрати хожа
Ҳофизини байтларидин ўқудингиз, андин сўнг бир сажда
қилдингиз?» Шоҳ Машраб айдилар: «Фаришталар Одам

алайҳиссаломға бир сажда қилдиларму ё икки бор?» айдилар «Бир бор». Шоҳ Машраб айдилар: «Асли сажда бирдур, Худо ҳам бирдур, андин сўнг Хожа Ҳофизни байтларидин ўқудум, охир замон бўлганда оят ва ҳадис бандаларни кўнгилларидин кўтарилар, ул вақтда мўъминлар ҳам Ҳожа Ҳофизнинг байтларидин ўқуб, намоз дурст қилурлар», — деб, бу ғазални ўқудилар:

Мани девона андоғ ҳол, не рафтори қомат ҳам,
Бугун келмам ўзумга, балки фардо қиёмат ҳам.

Мани ғам бирла ўлдурдинг, бугун тобтинг муродингни,
На бўлғай гар ман ўлсам, сан тирик бўлғил саломат ҳам.

Мани ҳолимниким. аҳли муҳаббатлар кўруб айтур,
Пушаймон бўлди ошиқлиғдину айди надомат ҳам.

Эшиттимки, рақибни ул ҳарамға айладинг маҳрам,
Манинг ҳолимға раҳм айлаб, қарам қилғил қаромат ҳам.

Сўромас Машраб ҳеч қим сани оре ажаб эрмас,
Юзумни бости меҳнат гардию лойи маломат ҳам,—

деб, шоҳ Машраб шундоғ зимистонда йўлга равон бўлдилар. Анда бир ҳаромзода бор эрди. Ўзига андиша қилдики: «Андижон йўли узоғдир, мундоғ совуғда музлаб ўлуб, қолур, Қуръонини олурман», — деб орқаларидин равон бўлди. Шоҳ Машрабда ҳазратим берган Қуръон бор эрди, ани ҳамойил қилиб юрур эрдилар. Бу ҳаромзодани хаёли Машрабга маълум бўлди. Шоҳ Машраб «Ўқсолур» деган ерга келиб тушдилар. Ўтун йиғиб, ўт ёқиб, ўтни устига чиқиб ўлтуруб, бу ғазални ўқудилар:

Зоҳид мани айб этма гул юз била доғ ўртар,
Парвонани кўрдунгму ҳар кеча чароғ ўртар.

Нарғис кўзи бир дамда оламни қатл айлар,
Лаъли лаби майғуни доғ устига доғ ўртар.

Зоҳид каби бўлганни, ишқ йўлига кирганни,
Ўт олдиға борганни бир дамда чароғ ўртар,—

деб, Шоҳ Машраб қародилар, ул ҳаромзодани кўрдилар, айдилар: «Бери кел, қайда бөрурсан?» Ул ҳаромзода айди: «Сизни ислом вилоятига борур эрмишлар,— деб эшитгим,— ҳамроҳ бўлгани келдим»,— деди. Шоҳ Машраб айдилар: «Мунда чиқ». Бу ҳаромзода айди: «Тақсир, куярман». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй ноинсоф, санинг гаразинг манинг куръонимда эрди, мунда кел, умид бирла келибсан куруқ ёнмағил»,— деб ўтни устидан тушуб куръонларини бердилар. Айдилар: «Ҳар кимга ушбу сирни ошкоро қилмагайсан»,— деб йўлга равона бўлуб, бу мухаммасни ўқудилар:

Дилбаро хуснунгни кўрган бормукин,
Кўрмайин ҳасратда ўлган бормукин,
Ҳасрати дардида сўлган бормукин,
Васлига етмайин ўлган бормукин,
Ғам била ҳасратга тўлган бормукин?

Ман пиримни топмадим ҳар ён юруб,
Рахналар бўлди юрак қонга тўлуб,
Заъфарон бўлди юзум гулдек сўлуб,
Ташна бўлдум ҳасратида оҳ уруб,
Термулуб йўлларда қолган бормукин?

Муршиди комилга жонинг бер сано,
Жон на бўлғай, хонумонинг бер сано,
Остониға юзунгни сўр сано,
Хожа Ҳасан подшоҳим кўр сано,
Мунда йўк, анда бор ўлган бормукин?

Ҳасратимга тоғу тузлар йиғлагай,
Ҳеч ким йўқтур сўзумни англағай,
Қил дуо, шоядки ёрим тинглағай,
Зулфини ториға боғлаб чирмағай,
Мен каби ҳайрона бўлган бормукин?

Тобмадим ўзумга ҳамдам бир санам,
Маҳрамин йўк, бости найлағи кўчи ғам,
Бормукин дунёда мандек нур алам,
Дилбаро, қилма манга жавру ситам,
Бевафо дардида ўлган бормукин?

Дод-дод устарадур бағридаи қон,
Синисини чини керимас бу жаҳон,
Истасам тобилаймумин Эй Бағмайн,
Йуқтурур сандек мағга бир меҳрибон,
Маҳрибон излаб юрган бормукин?

Маҳрибонг меҳварда йиғлаб дод этар,
Тобиаса васлинг ўзин повод этар,
Ҳасрату дарду алам бунёд этар,
Ўз яқсин чок этиб, фарёд этар,
Тобмайин дилшод юрган бормукин?

Алқисса, шоҳ Машраб бу мухаммасни ўқуб, орқала-
рига қарасалар, ҳамроҳлари озук кўториб келадур. Сўр-
диларки: «Кўтарганларнинг нимадур?» — деб айдилар.
«Талқон, йўл озуғидур, тўшасиз этиб бўлмас», — дедилар.
Шоҳ Машраб айдилар: «Эй бетаваккуллар, шаҳарда берган
худо чўлда бермасму? Ташланглар», — дедилар. Ҳамроҳ-
лари ночор бўлуб, ташладилар. Уч кунғача оч юрдилар,
охирул-амр очликдан йиқилдилар. Шоҳ Машраб табассум
қилиб дедилар: «Эй биродарлар, ман сизларга ҳалво қилиб
берай», — дедилар. Бу сўзни ҳамроҳлар эшитиб, туруб
ўлтурдилар. Бир-бирларига айтур эрдиларки: «Мундоғ
тоғ ичинда қазон йўк, ширини йўк, ёғ бирла ўтун йўк, бу
каромат эмасму? Шундин еган киши албатта пири комид
бўлур. Ҳазратим билиб бизларни Машрабга қўшуб экан-
лар», — деб ўлтуруб эрдиларки, Машраб бир гўшага бориб
косани ичиға бир нимарса солиб олиб келиб, ҳамроҳларига
туттилар ва айдиларки, бу яхши ҳалво турур, ҳўб танаввул
килинглар, ҳамроҳлари гумон қилдикки, Машраб жинни,
девона бизларни тушаларимизни йўлда ташлатиб, шаҳарда
берган Худо чўлда ҳам берур, деб, эмди уч кундин бери
очликдин ҳалок бўлуриминизга кўзи этиб бизларга «Бавли
ғойит» қилиб, олиб келиб тутти, ўхшайдур», — деб ҳаргиз
омоғга рағбатлари бўлмади. «Агар ушбуни еб авлиё бўла-
дургон бўлсак, андоғ авлиёлардин кечтук, эмди бизга
рухсат беринг, ҳазратимга қайтиб борайлик», — дедилар.
Буларни орасидин бир йигит туриб айдди: «Тақсир, сиздин
ижозат бўлса ман сйадурман», — деди. Машраб: «Боракал-
лоҳ, эй ўғдум, кўзингни юмуб бир лўқма олил», — дедилар.
Бу йигит кўзини юмуб бир лўқма олди. Машраб айдилар:
«Кўзингни очғил», йигит кўзини очиб кўрдикки, бир қалла
қанд оғзига солди. Асалдин ширинроқ, ютуб шул замон

Мирдони Худодни бўлди ва оқили диллардан бўлб кимолот
хосил қилди. Бу саккиз кишига Машрабни қибоби ямон
нимарса кўрунуб, наввид бўлб қолдилар. Шоҳ Машраб
йўлга равон бўлб, бу гавазли ўқудилар.

Эларини савдонида кутанум шарнисонур букум,
Жон исомани тобейди, ар бикиз лисондур букум.

Халқ аро қўб шадлисонур бор эди муштан бурум,
Ҳар киши юз ғам биле чаме гарибандур букум.

Ғар мамта қилса мазар хуронд дорман отани,
Ғарчи муштан анда кўрса мисртобондур букум.

Валдидин Фарҳод қотти ғам тоғига берканиб,
Ҳаста Мажиун ҳам кезиб чўларда хайрондур букум.

Итлариға ҳамдам этти Машраби бечорани,
Аллоҳ, Аллоҳ на ажойиб, лутфи эхсондур букум,—

деб, шоҳ Машраб юрганларича ўзларини Модуда кўрди-
лар. Шул замон Қирғизлар ядачи деб тутуб олдилар. Ҳар
қайси киши бошиға бир боғдин қамиш йиғиб, Машрабни
қамишни устиға чиқариб, атрофдин ўт қўйдилар. Ҳарчанд
шамол қилдилар, ўт ёнмади. Қирғизлар бу кароматни кў-
руб, йиғлаб пушаймон бўлб, Машрабни аёғларига йиқилиб
узр айтдилар. Анда Машраб бу ғазални ўқудилар:

Қамиш отиға миниб, ман чу десам юрумайдур,
Зоти ямон кулли нокас мардини танмайдур.

Қўй-қўйдашиб, пўдашиб қўйдилар нор ўтини,
Қаторлашиб, пуфлашиб қамиши ёнмайдур.

Ким ўшал шаҳр имоми чиқибон доғ айлаб,
Ўтунгиз борини журминсиз қирғиз танмайдур.

Келибон ўтға хитоб, ошиқими куйдирма,
Ошиқи куйғони қўбтур, халқ ани билимайдур.

Шул замон бори Қирғиз дедилар «хато қилдук»,
Ки бир-бирин кучушуб, зор-зор йиғлайдур.

Бу Машрабинг жони куйган, зохирда бир суврат,
Жадал қилиб кечалар васлингга етолмайду.

Алқисса, шоҳ Машраб айдилар: «Эй қирғизлар, хиёл қилмангларки, бу девонани куйдуromиз деб, мани аслим куйгандур, аммо сувратим юрубдур», — деб девона дарғазаб бўлуб дуо қилдиларки: «Илоҳо, бу жамоа қирғизни бўлдим деганда бузгайсан», ҳоло «эрдона» деган бир уруғ қирғизга Машрабни дуойи бадлари етгандур. Андин шул юрганларича ўзларини Тахтда кўруб, бир кеча анда туруб, зиёрат қилиб, бу муножотни ўқудилар:

Зиёрат қилғоли келдим аё тахти Сулаймоним
Ки тобтим Осафи бин Барҳиёдек Ибн хоқоним, —

деб, шоҳ Машраб Андижон йўлига равона бўлдилар. Бир лаҳзада ўзларини Андижонда кўрдилар. Сари по бараҳна кўчаларда бу талқинни ўқуб юрур эрдилар:

Кеча базмингдин йирок, ишқ аҳли чандон йиғлади,
Куйди, ҳам парвонаву шамъи шабистон йиғлади.

Соғиниб Юсуфни ялғуз йиғламас Яъқуби зор,
То мусофир бўлди Юсуф, ибн Канъон йиғлади.

Соқийё сансиз суроҳий дам-бадам фарёд этиб,
Аҳли мажлис олдида ёш ўрнига қон йиғлади.

Ҳажр шоми кўйганимдин куйди, ўртанди фирок,
Ҳам мани дарди дилимга чархи гардон йиғлади.

Ҳар тикон ғам даштида сончиб оёғим қилди қон,
Ёр раҳм этмас агар, хори муғилон йиғлади.

Бўлмасун зохир кишига ҳолимиздин халқ аро,
Гарчи қулди оғзимиз, аммо дилу жон йиғлади.

Машрабо, ғар жон яқосин чок этсам на ажаб
Ким, фалакни жавридин ул сарви хандон йиғлади,—

деб, андин сўнг аноларини зиёрат қилғони равон бўлдилар. Ўлтуруб, ўзларига дедиларки: «Эй Машраб, сани кетгонинг ўн саккиз йил бўлубдур, аввал хабар олғилки,

анонг борму, ё йўқму?» деб оҳиста келиб эшикдин қародиларки, чароғ ёниб турибдур. Аноларини сочлари оқариб, фарзанд фироқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлубдур, кулоқ солдиларки, анолари Аллоҳи таъолоға муножот қилиб, йиғлаб ўлтурубдурлар. Дейдурларки: «Парвардигоро, ўн саккиз йилдин бери мани баламни назаримдин ғойиб қилдинг, Худовандо, тириклигимда ўшал жигаримни гўшаси девона баламни манга кўрсатгил, андин сўнг берган амонатингни олсанг розидурман»,— деб зор-зор йиғлайдур. Шоҳ Машрабни келгонидин беҳабар эрди, Машраб ўзларини маълум қилиб, ҳозир бўлишлариға бу ғазални ўқудилар:

Сахарлар тўлғониб, тўлғоқда топган бир баланг келди,
Юзи оқу қизил гулдек шаҳиди Карбалонг келди.

Анодек меҳрибон қайда, Атодек ғамгузор қайда,
Алардек ичқуяр қайда, ғариб ўлғон баланг келди

Ано рози — худо рози, Муҳаммад Чор ёри ҳам,
Ризо бўлғил аножоним, дуо олган баланг келди.

Бу Машрабни дуосини Худоё ноумид эта,
Кўзи ёшлиғ, дили ғамлиғ, бу сарғарғон баланг келди.

Анолари эшитиб, «вой балам» деб беҳуд бўлуб йиқилдилар. Бир дамдин сўнг ўзлариға келиб, бошларини кўториб, фарзандни иштиёқидин бу байтни ўқудилар:

Умид бирла кўториб катта қилган ул балам келди,
Шаҳидларми қаториға олиб ўзин балам келди.

Ғариб, мунглиғ анонгман, манга ҳам сан бир дуо айла,
Жигарлар ўртанибон чарх уруб дайди балам келди.

Кўзингдин ўргулойин жон балам, қай ерда эрдинг сан,
Ки ишқ ўтиға ўртанган ўшал ғамлик балам келди.

Шоҳ Машраб аноларини ҳақларида яна бу байтни ўқудилар:

Ғамимда гусса ютуб вой аном адо бўлдунг,
Балам-балам дедингу ғам билан адо бўлдунг.

Сингиллари эшиккиб, бу байтни ўқудилар:

Кудини шуну эшитиб, ки парабу бемак эгани,
Заридошим, житарим гўёлаки эсон келди.

Шоҳ Машраб ҳам сингиллари ҳаққида бу байтни ўқудилар:

Ки сам заифу диди нотавак сирришомак,
Кўзларини очибди кўзга, тараб андан келди.

Қариндошим, житарим, кўлдошим, эмақдошим,
Бугум-бугум бўйишиб, бандимин жудонг келди.

Фитон қилай яна дўстлар фалакни жавридни,
Фалакни гардишинин чуркулуб ақомг келди.

Сингиллари ҳам эшикдин чиққунча бу байтни ўқудилар:

Ман айланай яна сандин, кечиб бу гамлардин,
Буқудин гамда қадди қоматим, оғом келди.

Ки ёр васлим тобмай, йўлида жон берган,
Тилида зикри Худодин мани оғом келди.

Нечук қилай жон ако, нотавак мазлумман,
Сунгақларим қизиб, таби устихон келди.

Яна шоҳ Машраб бу байтни ўқудиларки анолариға
иштиёқлари маълум бўлди:

Эй волидам, сани ман Машраб балангдурман,
Аном дуосин олай деб етим баланг келди.

Анолари айдилар: «Эй балам, эшикни очқусини тополмай турубдурман. Эшикни ёруғдин этогингни узатгилки, кўзумға суртай»,— дедилар. Шоҳ Машраб жандаларини этагини узатдилар анолари ушлаб, кўзлариға суртуб, бу муножотни ўқудилар:

Худовандо, улуг зотинг сифотинг кибриё ҳаққи,
Ҳабибинг Мустафову чори ёри босафо ҳаққи.

Хусусан руҳу Бубакру Умар, Усмоғу Зиннурий,
Шоҳи соҳибқирон, яъни Алиийн Мурғазо ҳаққи.

Мани бечораву саргаштани оввора ҳолига,
Иноят қил, Ҳасан бирла Хусайни Қарбало ҳаққи.

Не булғайким, иноят кўзи бирла бир назар солсанг,
Расулунг хурматидин мустажоб ўлгон дуо ҳаққи.

Муҳаммад ким, эрур икки жаҳонда сарвари хотам,
Алиш шаънига келган «Ваҳю Обту» дуо ҳаққи.

Каримо, қодиро, парвардигоро, ҳайю-қайюмо,
Раво қил, ҳождатимни бул шафиъи илтижо ҳаққи.

Сафову Марваху Зам-зам, ҳарими Каъбайи аъзам,
Мадина равайи аъло расули мухтабо ҳаққи.

Ҳазин кўнглаумни шод эттил, кўрар кўзни кушод эттил,
Ки тўқсон тўққуз отингу сифотинг кибриё ҳаққи.

**Дарҳол кўзлари очилиб, бино бўлди. Манрабни анолари
шукрлар қилиб, бу муножотни ўқудилар:**

Мани ёзуқларим беҳад, начук қилгайман, эй* Оллоҳ,
Санга айтурға йўқтур тил, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

Ёзуқларимни ёд этсам, агар ман бош олиб кетсам,
Сани даргоҳимга етсам, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

Яратғучи илоҳимсан, карамлик подяҳоҳимсан,
Кечурмасанг гуноҳимсан, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

Худовандо хато қилдим, бу жонимга жафо қилдим,
Ёмон ишлар тўло қилдим, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

Дами охирида эй раҳмон, насиб этти маъна имон,
Ки Азровл олурда жон, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

Жоним чиқса қолур молим, келар ўз бирла аъмолим,
Начук кечгай мани ҳолим, начук қилгайман, эй Оллоҳ.

* Бошқа нусхада «ё» деб ёзилган.

Таним тобутга солғайлар, бола фарзанд қолғайлар,
Қўюб гўр ичра ёнғайлар, начук қилғайман, эй Оллоҳ.

Агар фармон била жоним, билурман гўрда ётғоним,
Агар бўлмаса иймоним начук қилғайман, эй Оллоҳ.

Савол сўрғай Худойинг ким, расули пешвойинг ким,
Динингу раҳнамойинг ким, начук қилғайман, эй Оллоҳ.

Сиёсат бирла турғайлар, жавоб бер деб буюрғайлар,
Ки ўтлуғ гурзи урғайлар, начук қилғайман, эй Оллоҳ.

Муножотни ўқуб, дедиларки: «Эй бор худоё, мани фарзандим кўзини ёши хурматидан кўзумга ёруғлуқ бер»,— деб жандани этоғини кўзлариға суртдилар. Шул соат кўзлари равшан бўлди. Ташқари чиқиб, Машрабдин уч мартаба айланиб «Сандин розидурман»,— деб Худойи таъолоға муножот қилиб айдикки: «Эй бор Худоё, эмди омонат жонимни ол, санга топшурдум, «Оллоҳу акбар»,— деб жон баҳақ таслим қилдилар. «Қолу инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиъун».

Шоҳ Машраб аноларини такфин ва тажҳизини қилиб, дафн қилдилар. Ҳамширалари анолариға бу марсияни ўқудилар:

Дариғо дунёдин ўтти, жамиъи беку султонлар,
Қаро ерга ниҳон бўлди ҳама кокил паришонлар,
На мардонлар фано бўлди, бу дунёдин мусулмонлар,
Қаро ер остиға кирди ҳама хон бирла хоқонлар,
Ғаниматдур биродарлар, ки бизга ушбу давронлар.

Ажал боди баҳори умрни охир хазон қилди,
Кўнгулни булбули ушбу аламлардин фиғон қилди,
Жамиъи аҳли оламни юрак бағрини қон қилди,
На одамларни дўстлар, бу ўлум бехонумон қилди.
Ажални дастидин ҳеч ким қутулмас, эй мусулмонлар.

Худовандо на деб аввал бу оламни бино қилдинг,
Бу дунё меҳрини ушбу кўнгуллар ичра жо қилдинг,
Ўлумни на сабабдин одамиға ошно қилдинг,
Ажални тиғи бирла барчани кўксин яро қилдинг,
Табиблар топмадилар бу ўлум дардига дармонлар.

Қаён қилсам назора барчаси ер бирла яксондур,
Қаён боқсам ўлумни дастидан фарёду афгондур,
Бу боисдин биродарлар мани таъбим паришондур
Парилар еуман бўлар тамоми дийда гирёндур.
Ўлумни дардига нетмак керак, эй ёру ёронлар.

Бу дунёдин сафар қилди ўшандоғ Аҳмади Мухтор
Ўлумга чера йўқтур, чунки дежи Холиқи Жаббор.
Агар минг йил тирик юрсанг, ўларсан оқибат эй ёр,
Қўнгул берма бу дунёга биродар барчаси бекор.
Бу дунё хасратидин ерга кирди қўб мусулмонлар.

Бу дунёдин ўтуб кетти, ўшандоғ шоҳиди барю,
Чаман ичра на гул қолгай, на шеҳи гунчайи раъно,
Гирибон чок этиб, гул гунчалар сад охи вовайло,
Бўлуб ёрдин жуде бу Машраби шўридаву шайдо,
На дебдур эй мусулмонлар, хазон бўлди гулистонлар.

Яна шөҳ Машраб бу мухаммасни ўқудилар:

Начук айлаё аё дўстлар, ни жононимдин айрилдим,
Тириклик бош ул муниси жонимдин айрилдим,
Ўшал наврастайи гул барқи хандонимдин айрилдим,
Бўлубман булбули шайдо гулистонимдин айрилдим,
Асолат бирла хоқон ибни хоқонимдин айрилдим.

Дариге ул қади боле, дариге сарву арардек,
Дариге ул хати зебо, дариге сумбули тардек,
Ки ошир айладинг бу жумлаши жисмин қаро ердек,
Қаро ер остига ётти ўшандоғ мазпарвардек,
Жажон майдонида Руетам, ки дестожимдин айрилдим.

Юрогим чокига чоғлаб, ки чок эттим гирибоним,
Бошимга кул сочиб олдим юлуб зулфи наришоним,
Юзумга кожи ғам тешид, йиқилди чикмади жоним,
Санинг йўлунгда жон берсам ичимда қолмас армоним.
Нетай ман мазлуми бечора имконимдин айрилдим.

Баҳори марг асир этти, чошиб бузди маконимни,
Ўшал дам барқи оҳим куйдурубдур жисми жонимни,
Кезиб ер юзини тобсам, ўшал сарви равонимни,
Бориб маҳшарда топқайману ёри меҳрибонимни,
На дарди бедаво эрдик, дармонимдин айрилдим.

Тегинб чарин фариш дурӯдаи, Бурда саршари бахши,
Зуқал овард лотк ёр бармайдур маини Биндик,
Тополоғимдан авайидам, инд азгал Қозилб, инди рағим,
Абғимга бахшии қўлим, қўлим дурӯда бахши,
Бу дунёдам биринини бирини омадимодин айрилдим.

Жаҳонро келмада ҳарга сариндик ишро келдишуб,
Бу одам сариник ишро, биндик келдишро келдишуб,
Улуғга Бўқу дин чаро, инди Сирдик дин Айноб,
Жудолардин инди қўлимга тушга маҳзини Януб,
Ажал гурги олиб ул моли жангонидин айрилдим.

На маҳнат эриш тушга бу маини кўнгулмаи эи шохим,
Неча оху фиғон қилсам, санга атмас маини оғим,
Неча йиллар санга маҳнат қилиб эи эри дилмоқим,
Тилаб қимдин додимои эмди, эи шаҳаншоҳим,
Қаро туфроқ ушал манки, ҳамон ёримдин айрилдим.

Куноб кул бўлди жисмим, эмди кўймаклик на ҳоҷатдур,
Таҳаммул пеша қил, маҳвашки, фазли бениҳоятдур,
Азалда ҳар на бўлса ўзга бўлмак на ҳикоҷатдур,
Жаҳон аҳлига бас ҳар дам фалақдин на шикоҷатдур,
Давосиз дарда учрабман, ки дармонимдин айрилдим.

Етим қолди бу ғам даштида икки баччайи оху,
Чиқар ғам тоғидин овозалар «ёраб» уни ҳар су,
Тазарруъ шохида ҳайрон бўлуб, бир қуш каби ҳу-ҳу,
Қилиб тавбам қабул ёраб, насиб эт зикри аллоху,
Кўзум ғафлатдин очгаи пок домонимдин айрилдим.

Хумоюн сайр этиб ғози йигитларни шикор этти,
Шижоатдин думоғи хуш бўлуб беихтиёр этти,
Ажал илги яқосин чок айлаб бадхумор этти,
Такаббур тоғидин ташлаб, ўзини хоксор этти,
Сухангу тўти янглиғ шаққорафшонимдин айрилдим.

Мани бағрим қизил гул ғунчасидек таҳ ба тах қондур,
Неча юз минг баҳор ўлса очилмоғи на имкс-дур,
Лаби лаълу, тиши дур, қошлари меҳроби имондур,
Кишиким сабр қилса окибат душвори осондур,
Начук осон тутай маҳваш, ки жонимдин айрилдим.

Эй сафо бахши баҳору бӯстоним қайдасан,
Нури дийдам, мушфиқим, оромни жоним қайдасан,
Эй тириклик боиси сарви равоним қайдасан,
Ялғуз уйларда рафику меҳрибоним қайдасан,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Хотирим васвосдур, девона дерлар сўзласам,
Эмди манга фарадур Байтул — ҳарамни кўзласам,
Дашту сахрони кезиб, етим қўзидек бўзласам,
Ман сани қайдин топарман тоғу тузни изласам,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан!

Бу жаҳонда лаҳза ором тобмадим бир дам тиниб,
Булбули бехонимондурман пару болим синиб,
Бенаводурман бу боғ ичра аномдин айрилиб,
Ман етим бўлдим нетай қолди қанотим қайрилиб,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Найлайин жоним аном, қилсуи худо раҳмат санга,
Неча кўп ихлос бирла қилмадим хизмат санга,
Гўр ичинда бермасун Мункар-Накир заҳмат санга,
Раҳмат айлаб лутф қилса Холиқим жаннат санга,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Дўстлар айб айламанглар, хотирим васвосдур,
Бу ўлумни ханжари бурротар аз олмосдур,
Сабр қилгон бандаларни билки хайрунносдур,
Бу ўлум Одам Атодин бизлара меросдур,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидин эй дўстлар, хайрондуман,
Топмайин ҳеч чора ман ҳар ерда саргардондуман,
Найлайин ман бандайи шойистайи раҳмондуман,
Дардим афзун бўдди кундин-кунга бедармондуман,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлумни дастидин мандин забунроқ йўқ киши,
Зорилаб ҳар кун бу ғамда сарнигунроқ йўқ киши,
Меҳнату ҳижронда мандин нотовонроқ йўқ киши,
Ман етимдин бенаво бехонимонроқ йўқ киши,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним айдасан?

Найлайин ялғуз манга йўқ барчага келган ўлум,
Ҳазрати Одам Атомиздин мерос қолган ўлум.
Барча одам жисмини ер остига солгон ўлум,
Елғузин манга эмас, эл жонини олган ўлум,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Бу ўлум зор йиғлатиб, қилди юзумни заъфарон,
Танда дармон қолмади, бўлдум заифи нотавон,
Бу оғир юк остида бўлди қадим мисли камон,
Бўлмаган олам элида ман каби бехонумон,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Эй ано қилдим дуо, Тангрига топшурдум сани,
Гур азоби шидатидин сақласун Тангрим сани,
Заъфарондек сарғорибман, эй ҳаётим гулшани,
Ишратим тарҳи бузулди ғамда совурдинг мани,
Волидам, Маккам, Мадинам, меҳрибоним қайдасан?

Алқисса, шоҳ Машраб аноларини қабрида қирқ кун
тиловати Куръон қилиб, андин сўнг бир кеча ётиб исти-
хора қилиб кўрдиларки, Бухорода мадрасайи Кўкалдошда
Мавлави Шариф етти туман кишига дарс айтурлар, шул
бузрукни зиёрат қилмоғни ихтиёр қилдилар, бозорға келиб
шўру фиғон қилиб, бир неча ғазал ўқудилар:

Ишк ўтига ўртаниб, девона бўлган ўзгинам,
Куя-куя кул бўлуб, ўтдек туташган ўзгинам,

Ошиқи дийдориман эй ёр, билмассан магар,
Мансури Ҳаллождек дорга осилган ўзгинам,

Куя-куя кул бўлуб, дунёдин ўтган бормукин,
Ишк йўлида кўб ўлуб, неча тирилган бормукин,

Чок сийнамни қилиб маҳшарда айларман фиғон,
Ул куни дийдор деб, маҳшарнида бузган ўзгинам.

Ул сиротул мустақим олдида барча йиғлашур
Ишқни раҳбар қилиб, ҳам андин ўтган ўзгинам.

Йиғдим ошиқларни ман жамъини дилдор олдида,
Жамъи ошиқдин бурун Аллоҳни севган ўзгинам.

Ғар Худо қози бўлуб, сўрса Мухаммад сулҳгар,
Ғар шафоат қилса ул дам, Ҳақни севган ўзгинам.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Нолаву оҳим била дўзахни куйдирсам керак,
Ҳам бихишти Жаннатул Маъвони куйдурсам керак.

Кудрати бирла яратти ойи кунни Бирубор,
Ўт солиб етти фалак, даврини куйдурсам керак.

Авалу охир йиғилса рўзи маҳшаргоҳда,
Ишқ ўтидин мўъмину кофирни куйдурсам керак.

Оҳ уруб бир наъра урсам, Аршга етгай нолишим,
Нолишимдин сури Исрофилни куйдурсам керак.

Инсу жин деву пари жумла талаб айла мани,
Курсию, Лавҳу Қалам, Рафрафни куйдурсам керак.

Хожа, охунду гадо, муллову шоҳу ҳам гадо,
Беку хону жоҳилу донони куйдурсам керак.

Қалмоқу, дўли, кизилбош, арманилар барчаси,
Муғу, тарсову жухуд, кипчоқни куйдурсам керак.

Жаннату хурингни найлай то жамолинг бўлмаса,
Ҳам мусофир, ҳам мужовирларни куйдурсам керак.

Машрабо сабр айлағил, охир кўрарсан ёрни,
Шул замон икки жаҳон оламни куйдурсам керак.

Шоҳ Машрабни шўру жунунлари зиёда бўлуб, Бордон
кўрғон тарафиға равон бўлдилар. Орқоларидин халойиқ
эрғашиб юрур эрдилар. Шоҳ Машраб анда бу мухаммас-
ни ўқудилар:

Кўргали ҳусни жамолингга гирифтор ўлмишам,
Фурқатингдин хажри аро ҳар кеча бедор ўлмишам,
Ул қаро зулфинг тори бўйнумға зуннор ўлмишам,
Иштиёқи ёрдан Мансури бардор ўлмишам,
Тиғи зулмингдин жонимға бир ситамкор ўлмишам.

Сафҳайи хуснунгда кўрдум, бир малоҳат дафтари,
Ораз узра хатти ҳолинг эрди мушки анбари,
Жисми жонимни фиғор этти ғамингни лашқари,
Кўзларинг жаллод ўлуб, киприкларингдур ништари,
Туби янглиғ сарву қаддингга гирифтор ўлмишам.

Ой юзунгни кўрдиму кўнглумни ман шод айладим,
Остонингда ётиб арзимни ман дод айладим,
Хоки пойинг чурқулуб, бир дамда фарёд айладим,
Бу жунун бозорида ишқингни бунёд айладим,
Халқи олам ичра бир ёри вафодор ўлмишам.

Кўзда ашқим сел этиб, ҳар дам фаровон йиғладим,
Кўйида Мажнун каби дашту биёбон йиғладим,
Гунча янглиғ лабларинг гаҳи кўруб қон йиғладим,
Бир висолинг ёд этиб, дард ичра пинҳон йиғладим,
Лайливу Узордин ортук, яхши дилдор ўлмишам.

Доғи ишқинг лоладек сийнамни қилди чок-чок,
Ханжари мужгонинг этти юрагимни дарднок,
Олам ичра ҳеч йўқтур, сенингдек зоти пок,
Раҳм этиб лутф айлагил, кўйингда бўлдум эмди хок,
Кирди Машраб йўлға бир яхши гирифтор ўлмишам,—

деб, Бордон кўрғонга чиқиб атрофу жонибға наззора қилиб,
Бухоро тарафиға равон бўлдилар, зероки, мавлоно Шариф-
ни иштиёқлари Машрабни беихтиёр, беқарор қилди. Де-
вона Бухоро бормоқни муқаррар қилдилар. Айдилар: «Эй
Сармаст, мани эшагимни эгарлаб кел». Сармаст бориб
эгарлаб келди. Шох Машраб эшаклариға нибиб, Парвар-
дигори оламға муножот қилиб, зор-зор йиғлаб турдилар.
Тамоми халқ афсусу надомат қилдилар. Девона кўллариға
сетор олиб, йўлға равон бўлуб, бу ғазаяни ўқудилар:

Дунё сариға бир келибон ғамзада кеттим,
Бир лаҳза дам олмай турубон лаҳзада кеттим.

Сўрмай бу қаро юзни бориб равзалариға,
Армонда юруб, лек бузуғ кулбада кеттим.

Умнат демаса-Машрабо, девонани ул шох,
Юз ҳасрату андуҳ ила мотамзада кеттим.

Дил даштида ғам охуларыға ватан эттим,
Ғамзанг ўки то лолалар очти чаман эттим.

Жонимға нигоҳинг ўкидин гуллар очилса,
Сайримға қачон настарину ёсуман эттим.

Ишқ аҳли менинг сори келурға бу эрур йўл,
Ҳар ерда тараб гуллари эрди ватан эттим.

Найсон каби кўздин ёғадур ашки равоним,
Садқангта юрак тошини лаъли яман эттим.

Меҳрим қуши кўнглум қушидин ажрамасун деб,
Бўйнию аёғиға белидин расан эттим.

Расволиғ ўтин балки ўзумға ёқадурман,
Жисмимға самандар каби ўт пираҳан эттим.

Машраб бу сўзинг топти сани бўйи шаҳодат,
Қонлиғ танима ишқ либосин кафан эттим.

Алқисса, Машраб шу чиққанларича юруб, Хўжанд шаҳриға дохил бўлдилар. Хўжандга Оқбўтабий ҳоким эрди. Шоҳ Машраб кўкнорхонаға туштилар. Хўжанд шаҳриға шуҳрат бўлдики, «Хожам подшоҳни Машраб деган бир муриди келибдур»,— деб улуғ-кичик, тамом Хўжанд халқи Машрабни кўргани келдилар. Кўрдиларки, бир қаландари қави ҳайкал, қизил юзлук, шаҳло чашм, пайваста абру, сочлари фатила-фатила гарданлариға тушған, муҳаббат майиға ғарқ бўлган, итларини бўйнида олтун ҳалқа уруғлук, халойиқ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар. Шул соат Оқбўтабийға хабар еттики, «Машраб деган бир девона қаландар келибдур. Авлиейи таҳти қибоби эрмиш. Ҳар ким ихлос қилса ўшал ихлос қилган одамға носазо сўзлар айтур эмиш» — деб, Оқбўтабий «Машрабни айттил» деб, кишини юборди. Шоҳ Машраб сетор бирла бу ғазални тараннум қилиб, ўқуб ўлтуруб эрдилар:

Эй-ки сан ошиқ бўлубсан, мосуводин кеч сано,
Бу сўзумни эшитиб, ўзунгни ўтға ур сано.

Ҳар қаён борсам сани йўлунгда бўлғум ҳар замон,
Ман сани дардинга дармон айлайин сабр эт сано.

Оху фарёдим эшитгил, эмди кўнгул урмағил,
Бас, мани ёдим била ҳар ерда ҳозир бўл сано.

Лаҳзайи ваҳми қилиб, Машраб борурни билмади,
Бўлмағил ким, ноумид, сан шоду хуррам бўл сано,—

деб, шоҳ Машраб ўлтуруб эрдилар, бир киши келиб дедик: «Эй девона, сизни Оқбўтабек чорлайдур?». Шоҳ Машраб айдиларки: «Оқбўтанг кимдур? Номанкул сўз дема»,— деб сеторларини ерга урдилар, парча-парча бўлди. Ўлтурган халойиқ муни кўруб, туруб тарқашиб кетдилар. Андин сўнг сеторни тузатиб, яна бир ғазал ўқудилар:

Сеторим тариға жон риштасидин тор эшиб олсам,
Ани ким ноласидин бевафони кўнглини олсам.

Мақом олиб мақом ичра мақоми дилга жо қилсам,
Муҳаббат кўйиға солса ани олдида ман чолсам.

Мақомларни атосини Ҳусайни-ю, Ажам дерлар,
Булардин юқори ким пардаи Баёдни чолсам.

Баёди Ҳақ таъоло ёдида чолсам паё-пай ким,
Ки кўнгул бенаво бўлгонини билсам наво қилсам,

Кел эй Машраб, қадах сўнғил, бўлайин масти мустағрак,
Бир илкга қосайин танбурни, бирга жомни олсам.

Алқисса, Оқбўтабийни юборган одами келиб дедик: «Ул қаландар сизга носазо сўз айтур». Оқбўтабий дедик: «Ҳар ким ихлос қилса носазо сўзларни айтур эрмиш,— деб эшитиб эрдим рост экан, мандин лозимдурки, ўзум бориб кўрсам»,— деб бир семиз кўй, бир тўккуз нон, бир машруҳ жома устига қуюб, олиб бордилар. Оқбўтабий дарҳол отдин тушуб, салом қилиб турди. Машраб айдик: «Эй Оқбўта, шу ишни аввалдин қилсанг бўлмас эрдиму? Эмди манга барги сабз олиб келибсан, мандин ҳам бормак лозим бўлди»— деб, кўй бирла нонни кўкнорхонага бердилар. Тўнни ўзлари кийиб, Оқбўтабийни ўрдасиға равона бўл-

дилар. Халойик ҳам орқаларидин эргашиб юрдилар. Оқбўтабий ўзидин илгари киши буюруб, етти қат заррин тўшак солдурди, андин сўнг шоҳ Машраб келиб, тўшак устига ётиб, сийиб юбордилар. Бу ҳолни Оқбўтабий кўруб айдик: «Эй тақсир, бу тўшакларни сизнинг иззатингиз учун солиб эрдук. Муни устига сийдингиз». Шоҳи Машраб айдилар: «Мундоғ иззатга сиймак керак. Тўшакка сиймай санга сияйму». Оқбўтабий деди: «Бу нима деганингиз?» Машраб айдилар: «Эй Оқбўта, санинг аслинг нимадин офарида бўлган?» Оқбўтабий айди: «Туфроқдин офарида бўлган». Шоҳ Машраб айдилар: «Андоғ бўлса сен ўз вужудингга сиярмусан?» Андин сўнг Оқбўтани ихлоси қавий бўлуб «мурид бўлай»,— деди. Шоҳ Машраб илтифотга олиб, бу ғазални ўкудилар:

Ишқ мазҳабида тоъату тақво чидаёлмас,
Тасбиҳу сано, зуҳду ибодат чидаёлмас.

Ким кўрсаки ул дилбари раънони баякбор,
Бетокат ўлуб, айшу фароғат чидаёлмас.

Адҳамсифат кирса киши фақр йўлига,
Осойиш ила ҳайру саховат чидаёлмас.

Эй зоҳид, агар кўрсанг ўшал шўх ликосин,
Зухду ~~вараъу~~ кашфу каромат чидаёлмас.

Девона қилур ишқи ~~санам~~ васли чу Мажнун,
Номусу ҳаё, айбу қабоҳат чидаёлмас.

Бу ишқ элининг ҳар дам этар валваласиға,
Бе шубҳа билинг дасти иродат чидаёлмас.

Машраб келибон тоъат ила хайру сахо қил,
Ишқ мазҳабида оби-тахорат чидаёлмас.

Арбоби муҳаббатга этиб бўйи санамдин,
Ақли кетибон сабру қаноат чидаёлмас,—

деб, шоҳ Машраб шу кеча Хўжанддин чиқиб, Тошканд тарафиға қараб равона бўлдилар. Соатида ўзларини Тошкандда кўрдилар, андин сўнг бу ғазални ўкудилар:

Сабр ила ҳам фароғатим, қолмади танда тоқатим,
Тун-кун ила зиёдадур, меҳнату дарду кулфатим.

Оху фиғон қилиб кетай, тоғу тоша бошим урай,
Бошима минг балову ғам кунда турур аломатим.

Заррача қолмади юрак, куйдию, бўлди ҳам адо,
Кўзда ёшим, сариғ юзум, ушбу турур ҳаловатим.

Хожаю муфтини еғиб, омию шайх ҳам мурид,
Барчасидин юз ўгуруб, ишқи эрур маломатим.

Барчани мулку боғини, неъмату иззу жоҳини,
Манга берибдур оҳини, ушбу турур қиёматим.

Ишқ эмас бало экан, меҳнату дарду оҳ экан,
Машраби зор-зор экан, кун-кундин ортар офатим.

ҲАЗАЛИ ДИҒАР

Дилбари хуш адойи ман, мунча чучук бўлурмусан,
Омада дар канори ман, бир дами ўлтурурмусан.

Фасли баҳор гул аро ёр била чоғир ичиб,
Ёри ҳарифи кешро лаҳза кучуб ётурмусан.

Аз сари ту чу кокилат печ урадурки, ҳамчу мор,
Заррайи арз агар кунам, ҳоли дилим сўрармусан.

Куштани ман муроду ту, ноз қиличи тортибон,
Омада боши бар сарам, қаҳр ила қайтарурмусан.

Оташи зулмингни манга айла ҳавола эй санам,
Бандайи зархаридниким, бир йўли куйдурурмусан.

Ишқи нигор тарк кун, Машраб ани бақоси йўк,
Ними назар қилурму деб, мунчаки телмурурмусан.

ҲАЗАЛИ ДИҒАР

Қайси кишини сан каби дилбари гульзори бор,
Қайси чаманни гул уза тире мижгонча хори бор.

Ўтти жаҳонда яхшилар топмади ман каби гадо,
Сан каби эй жаҳон гули, ишқ элини нигори бор.

Учти назар қуши юзунг, қозди кўнгулда чоҳлар,
Охуйи ишқ не ажаб, лолайи чашмасори бор.

Машрабингизни кўзлари хотами ишқ айлади,
Махзани кўнглидин ани итлари айтса «нори бор».

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, Тошканд шаҳ-
рига кириб бордилар. Кўрдиларки, бир хожа тўйи оли
қилибдур. Бир майдонга қолин гиламлар солибдур, тўққиз
қат кимхоб тўшаклар солибдур. Охунди аълам учун жойи
ороста қилибдур. Машраб шул келганларича Охунди
аъламни ўрунлариға чиқиб, сийиб юбордилар. Хожа кўр-
дики, бир девона маст илми ҳолдин хабардор экан. Хожа
айди: «Дахл қилмангизлар». Ул тўшакни олиб, ўзга тўшак
солди. Оз фурсатдин Тошканд халқи кўруб келдилар.
Шоҳ Машраб дарҳол адаб бирла ўрунларидан туруб,
пойгоҳга тушуб турдилар ҳама халойиқға жой кўрсатиб
турдилар. Тошканд халқи кўруб ҳайрон қолдиларки девона
бизларни ҳеч кўрмай, улуг-кичикни билиб ўрниға ўтқузди.
Шоҳ Машраб аларға қараб, бу байтни ўқудилар:

Билмадим бу шаҳарни шайхи ким, муллоси ким,
Буси кимдур, буси кимдур, буси кимдур, буси ким?

Бу таҳаммул сўз Тошканд аҳлиға андак гарон келиб,
бир-бирлариға қараб дедиларки: «Бу қаландар бизларни
ҳақорат қилди». Анда Охунди аълам айдилар: «Эй хало-
йиқ, бу девонани сўзи беихтиёр маҳрам тушти, яъни бу-
лар ким ва булар кимлардур?» деб сўрайдур. Бир лаған-
да ош ва тўққуз нон ва бир қўйни гўштини устиға қўюб,
келтуруб олдилариға қўйдилар. Бир икки лўкма ёб молик-
лариға бердилар. Охунди аълам бирла муллолар ғазал-
хонлиғ бўлса, деб орзу қилдилар. Шоҳ Машраб сеторла-
рини қўллариға олиб, бу ғазални ўқудилар:

Ҳеч кима маълум эмас, ҳоли паришоним мани,
Осмонни пора қилди оху афғоним мани.

Қуҳи ғамдин келди бир тош оғзима тегди ажаб,
Мустафодек синди охир икки дандоним мани.

Ман нечук шод айламай бу хаста кўнгулмани букум,
Келди, ҳолимни сўроди ёри жононим мани.

Эй ситамгар келгилу акнун шаҳид этгил мани,
Мавж урулсун Карбало даштида бу қоним мани.

Чун сўроли ёрмусан афлокдин боло еринг,
Бу фалакда кўрмадим, эй кўзи чўлфоним мани.

Нозу истиғно билан келиб мани ҳолимни сўр,
Термудуб доим йўлингда чашма гирёним мани.

Тобакай жавру ситам бирла юурсан, эй рафиқ,
Чиқти Машраб ушбу ғамдин бу азиз жоним мани.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

Қарорим йўқ кўнгулда лаҳзайи девона Машрабман,
Қуюндек ҳусн шамъин айланиб парвона Машрабман.

Ишимдур фақр йўлин тай қилиб, қатъи таъаллуқдин,
Ичиб май туну кун, мен толиби майхона Машрабман.

Мани зоҳир кўз ила кўрган эл андоғ гумон айлар,
Вале, эл ичра ўзум барчадин бегона Машрабман.

Саросар сайр этибон ҳар тарафга дашту саҳрони,
Ўзидин беҳабар, ҳам ҳуши йўқ овора Машрабман.

Мангодур содавашлиғ вазъи мандин сарнигунроқ йўқ,
Очуқ аъзо, ёрук тан, халқ аро девона Машрабман.

Толиб Машраб йўлин, тарк айла зоҳидлиғ йўлин гумном,
Муҳаббат жомидин чун май ичиб мастона Машрабман.

ҲАЗАЛИ ДИГАР

Чиксам кўчага шахсуворим келаду,
Гуул ғунчасидек, лола узорим келаду.

Гулгун лабидин ишқ майин элга сўнубон,
Гулгун кийибон манга нигорим келаду.

Жонимға тегиб ҳар соридин рашк қиличи,
Мужгон ўқини ҳар ён оторим келаду.

Улайму бу дарди-била эй ёру ёронлар,
Ҳар лаҳзада минг жоним олорим келаду.

Келмай неча кун қайда қарор этти экон ким,
Кўнглумни олиб сабуру қарорим келаду.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Гулгун май ичиб лола узорим келаду,
Ҳар ён тарониб, кўзи хуморим келаду.

Илгида қилич, белида садоғи била сармаст,
Чобмас бурун ул лола узорим келаду.

Машрабни кўрай деб яна ул айлади зори,
Жоним ўйига ўтни ёқорим келаду.

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазалларни ўқугандин сўнг Тошканд халқи айдилар: «Бу қаландардин масала сўрай-лук, шояд муллолиғи маълум бўлса»,— деб, дедиларки: «Истинжо бар чанд навъ аст». Машраб айдилар: «Ду-воздах навъаст. Шаши у жойиз аст ва шаши у ножойиз аст»,— дедилар. Андин сўнг Машраб айдилар: «Манинг ҳам осонроқ саволим бордур». Муллолар айдилар: «Сўрағил». Шоҳ Машраб айдилар: «Икки путингизни оросидаги нимадур?» Муллолар ҳайрон қолдилар. Андин сўнг Охунд айдилар: «Бу девонанинг сўзида бир ҳикмат бордур»,— деб. Муллолар жавобга ожиз бўлдилар. Охирул амр бир мулло туруб айди: «Таксир, ўзлари баён қилсалар, бизлар англасак беҳокдур». Шоҳ Машраб айдиларки: «Икки оёғингиз оросида найзайи қудрат бордурки бажойи раҳмат бўлур»,— дедилар. Муллолар айдиларки: «Ани нима кераги бордур». Шоҳ Машраб айдилар: «Андин неча калимагўй бандаий Худойи таъоло ва уммати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам пайдо бўлур». Андин сўнг тамоми халойиқ айдилар: «Бу қаландар авлиё-дур, қибоб қилур экан»,— деб ҳаммалари қўлларини олиб, кўзларига сурта бердилар. Шоҳ Машраб «Ашшухрату офатун»,¹ дедилар. «Эй Машраб, сан бир иш қилиб бу-

¹ Шухрат офат келтиради дегани.

ларни ихлосини қайтарғил», — деб зоҳир кўзларини юмуб, ботин кўзлари бирла қарасалар, ҳама халойиқнинг кўнгуллари ойинадек соф бўлубдур. Андин сўнг шоҳ Машраб айдилар: «Эй халойиқлар, сизларнинг ихлосларингиздин мани сийдигум яхшидур», — деб этаklarини кўториб «чуш-чуш» деб чарх уруб, сеёбердилар. Халойиқ бу ҳолни кўруб айдилар: «Шундоғ бангига ихлос қилурмузму?» — деб ҳама халойиқни ихлоси ёнди. Андин сўнг шоҳ Машраб айдилар: «Оллуҳу таъолоға шукрки, Тошканд халқини бир сийдугум бирла ихлосини ёндурдум», «ху» — деб Туркистон тарафиға қараб, равон бўлуб, борғунча йўлда бу ғазални ўқудилар:

Эй санам ҳажринг ўтида сийна бир ёни бўлғуси,
Кўрмасам ҳар дам юзунгни юрогим қон бўлғуси.

Гар чиқиб зулфинг тараб, боксанг нигоро ҳар тараф,
Жамъи кўнгул кўрса они минг паришон бўлғуси.

Қоматингни кўрсалар маҳшарда инсону малак,
Хуру ғилмон ушбудур деб, барча ҳайрон бўлғуси.

Қатрайи ашким агар томса юзунгга Машрабо,
Ташналик вақтида билсанг роҳату жон бўлғуси.

* * *

Тирикликда жудо бўлган киши ёрини кўргайму,
~~Фирок~~ хасратида сарғориб то кўрмай ўлғайму.

Қўюб бирён, бўлуб ҳайрон, висолингни тилаб тобмай,
Баҳор айёмида булбул каби гулға қўшулғайму.

Начук бедодликдур ул замонким сандин айрилдим,
Оқарган кўзларимға давлати дийдор бўлғайму.

Ман айтурман кўнгул уз деб, бу кўнгул кўнгул узмайдур,
Кўнгул айтур, ки эй нодон, кўнгул узсам узулғайму.

Кей эй соқи, қадаҳ сўнғил, бўлойдин масти мустағрак,
Иноят бўлмаса Ҳақдин, тўқулган коса тўлғайму.

Сани ишқингда эй дилбар, ки манда қолмади тоқат,
Яна ишқингда оҳ урсам гузори ёр бўлгайму.

Азалдин ошно бўлмоқ ба тақдири Худо Машраб,
Бу ҳижрон илгидин дўстлар мани жоним қутулгайму.

* * *

Жони ҳосил бўлмаса васл излаган жондин кечар,
Ким юзию, кўзи ўтлуг, хори мужгондин кечар.

Ошиқи содиқ қиё боқмас парилар хусниға,
Тарк этиб жанноту ризвон, хуру филмондин кечар.

Ичмайин Кавсар суйини оғзини айлар чучук,
Зухд эли май тобидин гулдек очилгондин кечар.

Кимки топса жовидон юз ишқ ила айлаб назар,
Ким, хазондек гул бу ён совруб сочилгондин кечар.

Жонибидин ўзи ҳайрат бўлмагай эй Машрабо,
Кимки майни тебратиб гулдек очилгондин кечар.

* * *

Қайси тил бирла дейин ҳамдини беҳамтоға,
Садафи қавну макон ичра дурри яктоға..

Аршу фарш ила саро таъсиридин холи эмас,
Хўб эмас зотини қавлини демак ажлоға.

Неча журминг бор эрса беҳад анга арз эта кўр,
Мушкул эрмас қон оқузмоғлиғ оқар дарёға.

Неъматни хуштар доғи маҳбуби Ҳақ, раҳбари халқ,
Гул руху; пок дилу, сарви сиҳи болоға.

Билки ҳамдамлари Сиддику Умар, Усмоң, Али
Турғон ул Ҳақ йўлини ўзида по баржоға.

Юзлари партавидин кимки топар ҳислати хўб,
Раҳмати аввал одили комили хуш доноға.

Бу тарик ичра қаадам кўйгон «улул амр» эрур,
Ким, бўюнсунмоқ эрур даҳрда ул аълоға..

Гўши анъомо сафи дурри гуҳар эй Машраб,
Ваҳши парда баям чархи фалаки дунёға.

* * *

Тегмаса гулға саҳар салқини хандон ўлмаз,
Ишқдин тобмас асар, кимки сухандон ўлмаз.

Гул юзин кўрмасидин гулшан ичида булбул,
Айланиб ҳаргиз ўшал ерда хуш илҳон ўлмаз.

Ишқ иши юзни сариғ айламаку танни низор,
Дилни куйдурмаса ул ўтда бағир қон ўлмаз.

Анга дедим: «Нетайин, куйдуруб, ўлдурди ғаминг,
Бу начук дард, ки ҳаргиз анга дармон ўлмаз?»

Муддаъи марди Худодин ўзини тутса баланд,
Қаротош ёқут ўлуб, лаъли Бадахшон ўлмаз.

Машрабо, гар сани ҳижрон ўки минг пора қилур,
Ғам ема, лаъл неча порадуру арзон ўлмаз.

* * *

Кўнгул вужудини бузган, ўзига нола қилай,
Бошимни саждага қўюб, Худоға нола қилай.

Манга бу ғамни солибон, рақибни шод эттинг,
Кўлумға ҳанжар олиб, бу юракни пора қилай.

Санинг учун на бало меҳнату алам кўрдум,
Рақиб ризосига боқсанг, сани фасона қилай.

Кел эмди ошики Машраб, ўзига зори қил,
Тараххум айласа дилбар ўзига нола қилай, —

деб, шоҳ Мацраб Туркистон вилоятига дохил бўлуб, бу мухаммасни ўқудилар:

Ибтидо оллоху акбардин нишон келтурмишам,
Жумла мавжудоти Ҳақни ман аён келтурмишам,
Холиқи кавну макони ломакон келтурмишам,
Бандайи рўйи замину осмон келтурмишам,
Одаму ҳуру парию инсу жон келтурмишам.

Аҳмади мурсал эрурким, хотами пайғамбарон,
Ул расули мурсалин тожи сари пайғамбарон,
Ҳоки пойиға қўяр бош, жумлайи шоҳи жаҳон,
Рўзи маҳшарда шафоат қилғай ул нури аён,
Мағфират қилғай гуноҳи осийн келтурмишам.

Ҳазрати Сиддиқи акбардур рафиқи ёри ғор,
Ёри дуввумдур Умар исломни этти ошкор,
Жомиъи Қуръон ўшал Усмон, ки жон қилди нисор,
Ёри чорум ҳазрати шери Худо дулдул сувор,
Чори ёрони расули хонадон келтурмишам.

Ул Алийи Муртазодин қолди икки гавҳари,
Қўб жафо қилди аларға ул жаҳаннам саклари.
Барчаға бўлди шафоатгар шаҳидлар сарвари,
Бул сабабдин бўлди умматларга ёру раҳбари,
Дафтари хуни шаҳиди ғозиён келтирмишам.

Ҳазрати Махдуми аъзам пешвойи орифон,
Ҳазрати Даҳбедий яъни номи эшони калон,
Ҳазрати хожа Ҳидоят қиблагоҳи ошиқон,
Тавф этиб, шому сабоҳи мухлисони орифон,
Рўзи паншанба тавофи инсу жон келтурмишам.

Маърифат тухмини оламға сочиб бир-бир баён,
Офарин қилди фалак узра тамоми қудисиён,
Ганжи махфи эрди гўё сирри асрори ниҳон,
Чун тариқат йўлиға йўл кўрсатиб қилди аён,
Ҳазрати Исо нафас ғайбуллисон келтурмишам.

Бўлғай ул Эрону Турон подшоҳи баҳру бар,
Адлидин бу ким қуруғон шохлар берди самар,

Марҳамат бирла на бўлғай лутф этиб қилса назар,
Кошки шоҳаншаҳимдин топғай эрдим бир хабар,
Йўлларига қатра-қатра дурфишон келтурмишам.

Ё илоҳи ҳамдинга гўё лисон келтурмишам,
Минг бир исмингни сифотини баён келтурмишам,
«Ваҳдаҳу ҳам ло шарик» ўқуб баён келтурмишам,
Ишқ сирридин халойиқга аён келтурмишам,
Зоҳиру ботинни ман бир-бир баён келтурмишам.

Ишқнинг бўстонида қаддинг эрур нозик ниҳол,
Чу сани зотингга ботиддур агар қилсам хаёл,
Пардаи хуснинг ҳаёли зоҳир этти безавол,
Олами қудратда яктойи қадими бемисол,
Барча ашёга сани амну амон келтурмишам.

Қоф то қофа зуҳуринг бўлди ногоҳ жилвагар,
Донайи ғандум аро тушти муҳаббатдин шарар,
Нўш этиб Одам қилиб ўзлук диёридин хабар,
Жаннатул Маъвони чун қилди бадал ул шери нар.
Зийнати одамга андин сўнгра жон келтурмишам.

Тўккуз айвонин сутунсиз турғузуб Парвардигор,
Тобмас ул ваҳми билан ҳаргиз таҳарруқдан қарор,
Ойу кун жумла кавокиб зийнати лайлу наҳор,
Ҳеч шак йўқтур сани олимлигингга Бирубор,
Анбиёларнинг гувоҳликга аён келтиришам.

Остонингни гадоедур сани шоху фақир,
Осийи шармандаларга сан эрурсан дастгир,
Бирни тахт узра қилиб иззатлию бирни ҳақир,
Олими асрорсан эрмиш сани отинг хабир,
Чун кўнгуллар маҳзанига ломакон келтурмишам.

Жабраил бар кун паём келтурди, деди эй шафик,
Чиқди бар меърож «Субҳоналлази асро» тарик,
Икки дунё баҳрига қилди Муҳаммадни шарик,
Чиқти бар меърож узра Тангридин тобти тарик,
Маҳзани маънига ким гавҳар фишон келтурмишам.

Чун шафиъул музнибин деб ани ёд этти Худо,
Аҳли фужжору маоси дардиға қилди даво.

Дин тариқини мубарро айлаган ул рахнамо,
Келди хотифдин муборак самъина бир-бир нидо,
Чун сани пайғамбари охир замон келтурмишам.

Баъдазон наъти набидин заррайи қилдим аён,
Ўзга асҳоби расуллуллоҳни ман айлай баён,
Ҳар бири роҳи тарикатдур ҳақиқат бегумон,
Қайсиға қилса итоъат бергай ул оли нишон,
«Иктадайтум эхтадайтум»дин нишон келтурмишам.

Ҳар бири мастони Ҳақдур, томса шақкар кулгидин
Қутқарур қаллоб меҳнат ичра султон илгидин,
Раҳбаридурким, халос айлар мунофиқ зикридин,
Дилни пок айлар шафоат бирла дунё чиркидин,
На учун бир муршидга тавъамон келтурмишам.

Ёраб эмди Машрабингни қилмағайсан дарбадар,
Ҳақ сўзини англаганлардин манга бергил хабар,
Жону дил бирла сани йўлунгда боғлаб ман камар,
Гулшани боғи ҳидоятдин манга бергил хабар,
Куллуғунгда сурх чехрамни сомон келтурмишам.

Алқисса, шоҳ Машраб бу муножотни ўқуб, Туркистон-ға кирдилар. Шул келганларича бориб ҳазрати султоннинг марқаждарига миндилар. Ҳазрати султон шоҳ Машрабни кўтариб, ташладилар, яна миндилар ва дедиларки: «Эй Бузруквор, бардошт қилинг, ман меҳмондурман». Андин сўнг Туркистон аҳли бу ҳолдин хабар топиб кеддилар. Қарасалар бир қаландар кави ҳайкал, сурхинрў, шаҳло чашм, пайваста абру, сочлари фатила-фатила гирди камарига тушган, муҳаббатнинг бодасига ғарқ бўлгон. Ҳалойиқлар шоҳ Машрабни бу ҳолда кўруб, ҳайрон қолдилар. Андин сўнг ҳамалари келиб, шоҳ Машрабни зиёрат қилиб, қўлларини кўзларига суртобердилар. Андин сўнг Туркистон аҳли «бу одам авлиё эмасму?» деб улуғ кичик ҳамалари ихлосларин ҳаддин зиёда қилдилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эмди мунда турғудек бўлмадим», — деб Тошканд шаҳрига қараб равона бўлдилар. Шаҳарга киргунча ушбу ғазални ўқудилар:

Эй дўстлар, адо бўлдум, ул кўзи куморимга,
Жонимни фидо айлай, келса бу нигоримга,

Келмаса бу дам ёрим нолалар қилай анга,
Тонгла рўзи маҳшарда йиғлайин Худойимга.

Чиқса жон бу жисмимдин Машрабо куюб, ёниб,
Айламас тараҳхум ким, ёр ушбу ҳолимга.

МУСТАЗОД

Бу хаста вужудимни мани ўртади бир йўл,
ул ғунчайи хандон.
Ул гул юзини ишқида вола чу булбул,
ул зулфи паришон.
Бир раҳми қилиб сўрмади ҳолимни начук деб,
ул орази гулгун,
Юз ваъда қилиб бирга вафо айламади кўр,
ул ваъдаси ёлғон.
Парвонасифат ишқ ўтида кўйди бу жоним,
йўқ сабру қарорим.
Овозайи ҳуснунгки солиб олама гулгул,
эл барчаси ҳайрон.
Сансиз на қилай ушбу жаҳони гузарони,
сан манга кераксан.
Қилдим йўлида қилса қабул ул моҳи тобон,
жоним анга қурбон.
Бир неча маҳалдурки анга рози дил эттим,
девонайи Машраб.
Бераҳм экан келмади бирдан қошим узра,
ул золими даврон.
Айтай санга дарду алам эй офати жоним,
фикрила ўзунгга,
Девоналиғим бўлди фузун йўқтур иложим,
чун Мажнуни шайдо.
Ошиқлик иши қаттиғ экан ўлмак ишидин,
хайратда қолибман.
Гул ишқида қонлар томадур дийдаларимдин,
чун булбули шайдо.
Бошимга агар юз минг бало келса сан учун,
сандин кечарим йўқ.
Қайдин кечайин кўнглум ўйи санга тўлубдур,
ман ошиқи расво.

Парвона бўлуб ишқ ўтида кўйса ажаб йўк,
қилмангки маломат.
Машраб ўзини этти фидо ёр учун ким,
олам аро расво,—

деб, шоҳ Машраб яна Тошкандга келганларини Оқбўтабий англаб дедикки: «Эй вазир, билғилки, кўнгул иродатни шоҳ Машрабга мойил бўлубдур», деб вазирга бир йўрға от бериб, йўлга равон қилди. Муддоси бу эрдикки, Машрабни анда олдуруб, бориб мурид бўлса, Оқбўтабийни одам юборганини англаб, «Бул ерга ҳам турарга бўлмади»,— деб Хўжанд тарафиға қараб равона бўлдилар, йўлда борғунча бул ғазални ўқудилар:

Худони шавқида йиғлаб, ўзум оввора Машрабман,
Кўзи ёшлиғ, қади хамлиғ, дили садпора Машрабман.

Кўнгулда заррача дунёни меҳри бўлмағай манда,
Санинг деб икки оламдин кечиб безора Машрабман.

Ўлуб кетсам сани дардинг сўнғакдин кетмағай асло,
Лаҳад ичра фиғон айлаб, мани бечора Машрабман.

Анодин қай куни туғдим, сани ишкингда оҳ урдум,
Муҳаббат доғида ўртаб, ўзум сайёра Машрабман.

Ҳама айтур мақоми ҳайрат узра Машраби гумроҳ,
Мақоми ломакон сайр этгувчи оввора Машрабман.

Пирим Офоқ хожамай бердилар яқбора маст ўлдум,
Агар дор узра чиксам Мансури тайёра Машрабман.

Ўшандоғ раҳбарим бир боқтилар корим тамоғ ўлди,
Жаҳонни бир нафасда кезгучи сайёра Машрабман.

Муҳаббат жомидин май туттилар ичмасга чорам йўк,
Кўзумдин қон ёшим тинмай оқар, хунбора Машрабман.

Бошимға минг бало келса тиларман васлин эй зоҳид,
Бошим кессанг тоёрим йўқ деган дийдора Машрабман.

Халойиқлар мани қавлар, ямон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардум, ажаб маржум, ажаб сангсора Машрабман.

Ўзумни халқ аро расволиғимни ҳеч киши билмас,
Дилу жоним фидо айлаб, ажаб айёра Машрабман.

Мани девона Машрабга муҳаббатдин баён айланг,
Намозу рўзадин фориг бўлуб маккора Машрабман.

Алқисса, шул соат Оқбўтабийни от бериб юборган кишиси дарёйи Сирдин ўтуб, шоҳ Машрабни олиб борғони келди. Шоҳ Машраб Хўжанд тарафиға қараб равона бўлдилар. Оқбўтабийни юборган кишиси Муғол тоғига етганда ўттиз-қирқ карвонлар учради, айдики: «Эй карвонлар, қайдин келурсизлар?» Алар айдилар: «Тошкандин келурмиз». Сўрадики: «Машрабни билурмусизлар?» Карвонлар айдилар: «Билурмиз. Машраб бизнинг била келиб эрди, аммо дарёни лабида ётиб қолди». Оқбўтабийни юборган кишиси карвондин бу сўзни эшитиб орқосиға ёнди. Оқбўтабийни хизматиға келиб айдики: «Эй Оқбўтабий, севинчи беринг, шоҳ Машраб биёбонда дарёни лабида ётурлар, хизматлариға чиқмоқ керак»,— деди. Андин сўнг Оқбўтабий бу сўзни эшитиб, отланиб, олдиларига чиқти. Алқисса, шоҳ Машраб бир савдогардин бир устара тилаб олиб, зери ноф тоза қилдилар. Закарларини икки ёниға узун сихдек икки бурут қўйдилар. Андин сўнг бир отнинг ёлини олиб, шовун эшиб, олатларини бўйниға бир учини маҳкам буғуб бойладилар. Яна бир учини қозуқ қоқиб, қозуқға боғлаб, орқалариға тортиб ёттилар, Олатлари қўйни учагидек чўзулди. Оқбўтабий оҳиста келиб шоҳ Машрабга салом қилди. Шоҳ Машраб кўзларини очиб «Оқбўтабиймусан?»— дедилар. Оқбўтабий жавоби савол қилди. Андин сўнг шоҳ Машраб чуркулуб ўрунларидин турдилар. Андин сўнг Оқбўтабий олатларини гуноҳини тилади. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Оқбўтабий мулло-муллолиғда, хожа-хожалиғда тургани яхшидур. Сан муни орасиға кирмағил»,— дедилар. «Муни тириклиғини пирим олиб қўйдилар, ҳамани гуноҳи адо бўлса, муни гуноҳи адо бўлмас»,— дедилар. Оқбўтабий бу сўзни эшитган замон: «Тақсир, юз минг гуноҳ қилғон бўлса ҳам биз камина қуллари тилайдурмиз»,— деди. Шоҳ Машраб Оқбўтабийни юзиға қараб, табассум қилиб, дедиларки: «Эй Оқбўтабий мани ямон ерда тағ қилдинг, эмди биздин кейин қолғонлар демасунким, Оқбўтабий Машрабни олатини гуноҳини тилабдур, Машраб ўтмабдур деган ямон от қолмасун»,— деб Машраб гуноҳини кечтилар. Оқбўтабийга айдилар:

«Эй Оқбўта, шовунини кесиб ташлағил», — дарҳол шовунини кесиб ташладилар. Андин сўнг Оқбўтабий ўрдасиға таклиф қилди. Ўзи илгари равон бўлди. Шоҳ Машраб шаҳарға киргунча бу ғазални ўқудилар:

Санамим юзини кўрсатур ошиқи мубталосиға,
Ғам била сийна ўртаган толиби бенавосиға.

Толиби Ҳақ бўлай десанг ҳиммати Адҳами керак,
Зарра қачон сиғар билинг васли санам аросиға.

Кўрунг расули Мустафо ҳабиби ҳазрати Илох,
Етти яшар чу Қосимин кўймади васл аросиға.

Ёр юзин кўрай десанг, васли била бўлай десанг,
Ризо керак қазосиға, сабр керак балосиға.

Ўтти жаҳондин авлиё муршиди ориф ошиқи,
Бўлмадилар фирифта дунёни можаросиға.

Восили Ҳақ бўлай десанг, ишқу муҳаббат ҳосил эт,
Ўрта ҳавову кибр ўйин, шамъи юзин зиёсиға.

Кўйса муҳаббат ўтиға фиску фужур гуноҳларим,
Хилват этиб келур ўзи кўнглини хонақосиға.

Машраби бенаво санга арзу дилини айтуруп,
Лозими шахлиғ ушбудур раҳм килур гадосиға.

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, Хўжандга дохил бўлдилар. Ўттуз-қирқ одам подшоҳим дод деб овоз қилдилар. Шоҳ Машраб қарасаларки ўттуз-қирқ одам яғочга кафил бўлубдурлар. Машраб айдилар: «Эй Оқбўтабий, буларни на учун мундоғ азоб қилурсан?» Оқбўтабий айди: «Буларни гуноҳлари пурзўрлиғидин мундоғ қилдим». Шоҳ Машраб айдилар: «Андоғ бўлса манинг олатимни гуноҳини тиладинг, буларни гуноҳини ман ҳам тиласам берурмусан?» Оқбўтабий: «Хуш бўлғай», — деди. Шоҳ Машраб тиладилар. Оқбўтабий халойиқни ҳамасини банддин чиқорди. Шоҳ Машрабни уламо ва умаро ва фузало бошлаб равоқ узасиға олиб чиқтилар. Оқбўтабий пастандин туруб, дам-бадам куларди. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Оқбўта, нега куларсан?» Оқбўтабий айди: «Ул бечора

банддин халос тобти, шул қўйгон икки бурутға куларман». Шох Машраб айдилар: «Эй Оқбўтабий ман сани қўб яхши кўрарман, ҳар вақт таҳорат синдурғони ўлтурсам, шу иш хотиримға келадур, шул бурут санинг бурутинга ўхшайдур, ҳар вақт шуни кўрсам сани кўргандек бўлурман»,— дедилар. Мажлисдаги ҳама халойиқ қаҳ-қаҳлашиб кулдилар. Оқбўтабий дарҳол кўпиб, «эмди ўлсам армоним йўқ»,— деб йиғлаб турди. Шох Машраб қўл кўтариб Оқбўтабийни ҳақиға дуойи хайр қилдилар. Андин сўнг Оқбўтабий бир йўлбарсни терисини ва ҳам бир эшакни шох Машрабға берди. Шох Машраб Хўжанддан чиқиб Маккаға равона бўлдилар. «Маккани йўлда тавоф қиладурман ё ўрнида тавоф қиладурман»,— деб борур эрдилар дарёйи Шўрға еттилар, аммо дарёйи Шўрни лабида бир шаҳар бор эрди. Ул шаҳарни отини Бандасурат дер эрдилар. Бандасуратни маъноси ул бўлурки, ҳар кимки Бандасуратға кирса ани чикмоғи йўқ эрди. Ани дарвозасида бир қизни сурати тортилган эрди, ҳар киши ул шаҳарға кирса ани чикмоғи йўқ эрди. Азбаски, шул суратға гирифтор бўлур эрди. Агар савдогарлар борсалар савдоларини шаҳарни тошида қилур эрдилар. Шох Машраб Бандасуратға киргунча бу ғазални ўқудилар:

Шоҳиди салтанат манам, воъизи минбар омадам,
Хизру Масих дамбадам Марями асфар омадам.

Пардайи нори дузахий тоза шуд аз шарораам,
Ламъайи тури ҳайратам, воъизи минбар омадам.

Мусо лақаб ба қўҳи Тур, нури тажалли дарбарам,
Қуддиси сиррухул азиз зоҳири он сар омадам.

Завку муҳаббат маро гашт шароби ишратам,
Қозийи ҳашру нашр аро соқийи Қавсар омадам.

Дар раҳи дину маърифат Ҳақ ба якин муслимам,
Ту наи туйи манам шоҳи қаландар омадам.

Машраб агарчи дар сухан хотифи ғайб мужда дод,
Гашт ба тўри айманам Бандасурат омадам,—

деб, шох Машраб бу муножотни ўқуб, Бандасуратға кириб чиқтилар. Андин кейин шох Машраб Маккаға ра-

вона бўлдилар. Неча манзил йўл юруб, дарёйи Шўрга еттилар. Кўрдиларки, кемага етти-саккиз минг савдогар кирибдур. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир қаландари ғайри муқаррар кемани устида путларини минғоштуруб ўлтурубдур. Ул ҳам шоҳ Машрабни кўруб ҳайрон қолди. «Ман мулки Эронда юруб, мундоғ қаландарни кўргоним йўқ»,— деб шоҳ Машрабни қошлариға келди. «Эй қаландар, отингиз нимадур?»— деб сўрди. Анга айдилар: «Отим Машрабдур». Яна қаландар сўроди: «Машрабни маъниси нима бўлур?» Шоҳ Машраб айдилар: «Ҳар киши манга рафиқлик қилса, ман анга рафоқатлик қилурман, ҳар қозонға тушсам қайнайдурман, анинг учун отимни Машраб қўйдум»,— дедилар. Машраб ҳам қаландарни отини сўрадилар. Ул қаландар айтти: «Отим Понсадман». Машраб бу ғазални ўқудилар:

Гуфт Шайтон як мани афтод тавқи лаънаташ,
Вой бар он каски, бошад номи у Понсадмани.

Алқисса, шоҳ Машраб бу байтни ўқуб, Маккага бормамай қайттилар. Шоҳ Машрабни эргашиб борган муридлари айдиларки: «Бизлар Қошгардин эргашиб келиб, Маккани тавоф қилолмай қайтармизму?— деб афсус қилдилар ва бизларни маҳрум ёндурдингиз»,— дедилар. Эrsa шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Бу тани хоки била руҳи равонни на қилай,
Бўлмаса кошимда жонона, бу жонни на қилай.

Ёрсиз ҳам бодасиз, Маккага бормоқ нимадур,
Қолган Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай.

Ураинму бошима саккиз биҳишту дўзахин,
Бўлмаса васли манга икки жаҳонни на қилай.

Аршни кўнгурасин устиға қўйдум оёғим,
Ломакондин жой олибман, бу маконни на қилай.

Заррайи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом,
Ошкоро бўлмаса сирри ниҳонни на қилай.

Бир Худодин ўзгаси барча ғалатдур Машрабо,
Гул агар бўлмаса илгимда тиконни на қилай.

Ишқ кимёйи ахмар, олам дўкон эмасму,
Марди Худоға маълум устоди кон эмасму?

Кўнглумдур ишқ тури, тушти тажалли нури,
Хар ер ани зуҳури, шамъи жаҳон эмасму?

Даврул будур Аҳмад, хайрул-башир Муҳаммад,
Дунёву динға сармад, сирри аён эмасму?

Исойи рухпарвар, тарки таъаллуқ айлар,
Кўк саҳнида қаландар, яхши макон эмасму?

Яҳё йигитни тутти, Одам ўзин унутти,
Юнусни ҳут* ютти, бу имтиҳон эмасму?

Айман дарахтидин ким, Мусоға ўт кўрунди,
«Инни аналлоҳ» айтур, асрорхон эмасму?

Айни саҳарда булбул, опуфта мисли сунбул,
Кўргач ани қизил гуд, рухсори кон эмасму?

Ошиққа куйи дилбар, зоҳидга маъли минбар,
Ҳожи Ҳарамни излар, Ҳақ лемакон эмасму?

Махмур эди дилу жон, куйди майи арғувон,
Сўнди қадаҳ ҳар замон, шири мўғон эмасму?

Даргохлари кибриё, ислом очиб бериё,
Тожи сари авлиё, соҳибкирон эмасму?

Келди Машраб қаландар, тавф эттали имомон,
Сарҳади Чину Мочин дориламон эмасму?

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

На ҳолат ҳажжи ахбар Кошғар узра мазорим бор,
Зиёйи чашмима хоки даридин сурма зорим бор.

* Ҳут — катта балиқ.

Мижам жоруб этиб, кўз кўсасида сув сепой дерман,
Биҳишти Адн янглиғ соз этмак ихтиёрим бор.

Манга қисмат азалдиндур, емак дарду бало кутин,
На ишрат гулшан ичра зулм элидин ғамгузорим бор.

Ити ичган булоғидин манга ҳам туъма берғай деб,
Тилаб Кавсар шароби, зуҳд эди янглиғ хуморим бор.

Мани кўrsa қочодур шайхулислом ахриман янглиғ,
Нечун бўйинумға зулфи тори чирмашган туморим бор.

Таним тирноғидур ҳар ёнда юз минг сояйи ар-ар,
Кўзингдур оҳуйи ғам тоғи узра сарфарозим бор.

Мани Машрабни бўйинини ани занжириға боғлаб,
Эрур давлат, аёғ остида судрасанг на орим бор,—

деб шоҳ Машраб айдилар: «Эй боликларим, икки кў-
лумни орасиға боқинглар!» Боликлар боқсалар Макка ик-
ки кўлларини аросида жилва бериб турубдур. Шоҳ Маш-
раб Маккайи муъаззамани шаъниға бу ғазални ўқудилар:

Қилди манга бир жилвае ноғаҳ боқа қолдим,
Ул жилвага дунё била динни сота қолдим.

Маъшуқ дедики, бовар эмасдур манга ишқинг,
Ғайрат қиличи бирла юрогим ёра қолдим.

Арш устидаги шаҳпари шаҳбозини кўргач,
Тан шаҳридаги жон кушидек талпина қолдим.

Ғам тоғида Фарҳод сифат эмканур эрдим,
Бошимға қазо тешаси тегди ёта қолдим.

Машраб йўлида волаву ҳайрон юрур эрдим,
Ул Каъбайи мақсудни кўргач ёна қолдим,—

деб, андин сўнг шоҳ Машраб боликлари бирла Каъбайи
шарифни зиёрат қилиб, Ҳиндистон тарафиға қараб равон
бўлдилар. Англадиларки, Хожам подшоҳи соҳибқирон
Ҳиндистон келибдурлар деб, андин сўнг шоҳ Машраб кўл-
ларини орқалариға боғлаб, бир арғамчини бир учини ўз-

ларини бўйниларига боғлаб ва бир учини итларини бўйнига боғлаб, Хожам подшоҳи соҳибқирон хизматларига равона бўлуб, йўлда борурда бу мухаммасни ўқудилар:

Эй санам гул-гул ёнибсан, май ичиб рахшонмусан?
Барқ уродур гул юзунг, ҳай-ҳай маҳи тобонмусан?
Хуш келиб бергил жавобим, жонмусан, жононмусан?
Аллоҳ-Аллоҳ, тоза кўнглум тахтига султонмусан?
Шишайи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?

Оразинг — анвар, хатинг-анбар, лабинг — шаҳду шакар,
Пистайи хандондур оғзинг, кўзларинг бодоми тар,
Оразинг сахни аро ҳолу хатингдур жилвагар,
Бу назокат бирла ҳай-ҳай, хуш келибсан дар назар,
Гулмусан, булбулмусан сунбулмусан, райҳонмусан?

Икки рухсоринг қизил гулдурки, ё барги суман,
Донайи райҳон қаро ҳолу, хатинг сахни чаман,
Сиймган, гул пираҳансан, хушсухан, нозик бадан,
Одамисан ё парисан, бу назокат бирла сан,
Хурмусан, ғилмонмусан, жаннатмусан, ризвонмусан?

Гул-юзунг, наргис-кўзунг, райҳон-хатинг, гул-ғунчалаб,
Маҳв бўлдим, эй маҳитобон жамолинга қараб,
Қоматинг нахли биҳиштидур занаҳдонинг рутаб,
Зулф ила ҳолу хатинг узра ярашибдур ажаб,
Мисрга лашкар тўқубсан, шоҳи Ҳиндистонмусан?..

Лаъли рахшондур сани курси сабоҳи ғабгабинг,
Ой юзунгга ҳўб ярошур, дона-дона кавкабинг,
Доғлар қўйди юракка бу қаро ҳолу хатинг,
Неча доғ этмак керакдур, эй ситамгар кўзларинг,
Ўлдурурсан, куйдурурсан, офати давронмусан?

Қилди хокандоз шамшоди кизил дастори гул,
То кадам қўйдунг чаманга, эй юзи бехор гул,
Қарқаранг — сунбул, кулоҳинг — ғунчаву рухсор — гул,
Қилди авроқингни тўда соқиға такрор гул,
Қоматингдур турфа нозик, ғунчайи хандонмусан?

Туррайи зулфунг эгилди хаста кўнгул чин-чин,
Чинилар келди бу чин савдосиға Чин мулкидин.

Силкиниб уйдин чиқодур сарв бўйлуқ нозанин,
Ман начук қилмай фидо жоним санга эй нозанин,
Хуш кулуб жоним олурсан, офати давронмусан?

Сўзларинг шаккар суйидур, лабларинг қанду асал,
Қоматингдур найшакар бошдин аёғинг бебадал,
Бир наво айлай кулоқ солиб эшитгил бу масал,
Булбулунгман, сан гулумсан, гулистони рўзи азал,
Машрабинг ўртонди эй гул, оташи сўзонмусан?

* * *

Сани кўрдум ҳама элни унутдум,
Жаҳон лаззатидин кўнглум советдум.

Санга бердим дилу жонимни ул дам,
Биҳишти жовидон таркини тутдум.

Висолингда лабингдан эл май ичти,
Фирокинг бирла ман хуноба ютдум.

На қутлуг кун экан эй офати жон,
Санингдек раҳмати Ҳаққа йўлуқтум.

Кеча кундуз давом андиша қилдим,
Санинг шаънингда йўқ экан унуттум.

Ғаминг кўнглумдадур, фикринг бу ёнда,
Ҳаёт истаб ҳаёлинг захри юттум.

Қабул қил, хоҳ қилма, ҳасратингда,
Кезибон устухонимни чуруттум.

Тилимда ё дилимда ўзга бўлмас,
Қасамёд айладим, сўзни қуруттум.

Ғаҳи васлинг муяссар бўлмағонда,
Ҳаёлинг бирла кўнглумни овуттим.

Ўтун янглиғ куюб, ишқинг ўтида,
На дардим қолди бу дам лаъл юттум.

Қаронғу ичра гавҳар тийра бўлмас,
Ўзумни кул каби туфроққа сурттум.

Эрур Машрабга ишқинг жовидони,
Кечани ишқ ила кундек ёруттум.

* * *

Кўрдум юзингни девона бўлдум,
Ақлу хушимдин бегона бўлдум.

Тортсам жафолар, ўлсам кўйунгда
Топмай ман они жўёна бўлдум.

Кавсар шароби ёдимға келмас,
Лаъли лабингдин мастона бўлдум.

Кўрдум тушумда шамъи жамолинг,
Куйдуму ёндим, парвона бўлдим.

Юмдум кўзумни сандин бўлакдин,
Кечдим баридин риндона бўлдум.

Ишқинг майиға пур бўлди жисмим,
Ҳам соқи-ю, ҳам паймона бўлдум.

Бўлдум фаномон туфроқ ичинда,
Бир дона эрдим, минг дона бўлдум.

Ул юз ўтидин тан бўлди нобуд,
Жон-жонға етти жонона бўлдум.

Кофир кўзингдин ҳар ёна бир ўк,
Тегди юракка вайрона бўлдум.

Кўймас дедилар, маъмур бўлдум
Обод эрдим, вайрона бўлдум.

Машрабға май сункирсун қадахға,
Масжид ичида бутхона бўлдум.

Фақр излаган эл, давлати шоҳонани кўрди,
Тарк этти бу оламни, ки жононони кўрди,
Сарроф мунн билди-ю, дурдонани кўрди,
Ул дурлар аро гавҳари якдонани кўрди.
Гул юзли, сузук кўзлию мастанани кўрди.

Сахлидур агар билса киши илми нужуми,
Алломача гар зоҳирида бўлса улуми,
Таҳсил эмас, тегмаса бир зарра ҳужуми,
Яъники шитоб айла деди мавлави Руми,
Султони тариқат шоҳи мардонани кўрди.

Мардона борур ҳар тарафи борғали йўлдур,
Мардонлара зор айла, қўлунг олғали қўлдур,
Дарвеш надур, олами фони била кундур,
Намруд ўтиға кирди Ҳалил боиси улдур,
Ногаҳ кеча ул ғайрати парвонани кўрди.

Кўрдилар ани ҳар тараф, анворини кўрган,
Жон кўзгусида жилвайи дийдорини кўрган,
Хожи дер эмиш: «Маст ўшал ёрини кўрган»,
Мақсуд эрур гаяжида ул борини кўрган,
Ман ул эгаси бирлаки ул хонани кўрди.

Расвойи жаҳон қилди мани ул қаду қомат,
Рафтори ани ёди эди жўши киёмат,
Таън этма жунунямға мани аҳли саломат,
Мансур каби дор ўзра кўруб килма маломат,
Жон пардасидин илгари жононони кўрди.

Мақсуд не эрди билингиз эй бани одам,
Дунёга юбормоқ ғарази Исову Марям,
Мусову Хизир бирла малак барчалари ҳам,
Пур бўлди дараву дашт муаттар ҳама олам,
Гесулари ёзгонда сабо шонани кўрди,

Ногаҳ бу кўнгул лавҳидадур қол ила қили,
Якранг керак соф ўшал гунбади нили,

Ваҳдат майидин ҳасрат эрур тошқали мили,
Умридаги ялғуз эмас ул Машраби сели,
Айди бу мухаммаснию, ғамхонани кўрди.

* * *

Ман айладим зикру Сано ҳамдини бисёр,
бир ёр Худодур.
Олам эгаси бир оти ул воҳиду қаҳқор,
оламга паноҳдур.
Бу ҳажда ҳазор олама ул бирлиги танҳо,
ул зоти хувайдо.
Бирлигига шоҳид турур ул барча халойик,
ул арзу самодур.
Минг бир отидур халки жаҳон ичида мавжуд,
олам анга боқий.
Билгил, ки яна тўксон тўқуз бирла сифоти,
ул бирки Худодур.
Афлоки сутунсиз яратиб килди муаллақ,
ул шамсу қамарни
Ҳам ерни танобсиз яратиб, этти мутаббақ,
субхонака мо дур.
Кофир яратиб килдики дўзахқа сазовор,
ул кодири ҳайдур.
Муъмин яратиб килди биҳиштга талабгор,
минг жон фидодур.
Мусоға Худо Тур тоғида килди тажалли,
ул роҳими раҳмон.
Лутфини кўрсатти яна нури шуъои,
байзову асодур.
Тавҳиди Худо, наъти наби айди чу бисёр
ул зоти шарафга.
Босқон изини кўзларига сурди малаклар
ул тўтиёдур.
Тўққуз фалак устиға қилиб, тавсани роҳи,
лавлоки шаҳаншо,
Тавроту Забур ичида мактубдур оти,
Фуркони зиёдур.
Меърож кечаси йўлда жиловдор ким эрди,
Жибрили аминдур,
Миндики, Буроқ бўлди равон суйи самоға,
ул дўсти Худедур.

Меърож йўлида тутти яна бир қадаҳи жом,
ул хури паризол
Шарбат олиб ичти, яна ул ташна бўлубон,
ул оби бақодур.
Иккинчи фалакка етибон айдики Жибрил,
эмди манга йўл йўк
Келди яна Микоилу ул олди жилавни,
ул лутфи Худодур.
Тутти яна бир жом маю софи мусаффо,
Ҳақдин санга шарбат
Будур санга Ҳақ шарбати, эй жони Муҳаммад,
бу оби бақодур.
Учунчи фалакка етибон килди саволи,
Микоилу ҳайрон.
Эмди манга ҳад йўқтур аё хожайи даврон,
ул Арши аълодур,
Тутти яна бир жоми қадаҳ шарбати саққо,
бир ғоиби дасти.
Олди қўлига боқти яна хожайи лавлок,
ичкилки даводур.
Келди яна Исрофилу ул олди жиловни.
минг шод бўлубон,
Келтурди яна жоми муҳаббатни дилором,
бу оби фанодур.
Учунчи фалакка етибон айди Муҳаммад,
эй ожизи мискин
Келсун яна Исрофил — ул соҳиби сури,
ул руҳи фанодур.
Тутти яна бир жоми лабо — лаб майи гулгун
ул бўйи муҳаббат.
Бўлди яна бу илми ладунний санга ҳосил,
ул оби сафодур.
Туртунчи фалак устида ҳам учради Исо
бўлди яна дамсоз.
Упди оёғини, елибон завқи Муҳаммад,
ул пири дуодур.
Андин ўтубон учради ул молики дўзах
ҳайбатлари бисёр
Етмиш қўли бордур, яна ҳам етти боши бор,
ул ранжу балодур.
Азроил ила ҳамроҳ улуб борди иковлон
бешинчи фалакга

Эмди манга йўқ рухсат аё Аҳмади мухтор,
ул Арши аълодур.
Рафраф етибон бўлди яна олдида ҳозир
«келгил, манга мингил».
Минди келибон Рафраф уза учти ҳавога,
ул боди сабодур.
Еттинчи фалакга етибон айди Муҳаммад,
ул хавфу рижодур.
Ул ой яна бир қиблайи нур олдида турди,
ул нури сафодур.
Олдига йўлуқти яна бир шери баҳайбат,
ҳам кўзлари пурхун,
Ул ҳайбатидин титрашадур арзу самовот,
ул шери Худодур.
Ҳамла қилибон ҳурфайиб ул оғзини очти,
ул шери диловар,
Илгидин узугин олибон ташлади шерга,
ул айна саходур.
Келдики нидо ассалому алайка ҳабибим,
Раҳмат санга ийсор.
Ошиқ ила маъшук баҳам айлади рози,
ул жойи ҳаводур.
Ангур ила нон, ширбиринж келди қошига,
айди манга ҳамроҳ.
Қўл чиқти ҳамон пардадану анда узук бор,
ул сирри илоҳдур.
Дўстумға сарупо дебон ул пардадин овоз,
бир оқ амома.
Келди фаражи астаридур оқ ҳарирдин,
ул зикри самодур.
Хушлашти яна Ҳақ қошидин бўлди равона
ул хожайи даврон
Келди етибон ҳазрати ул шоҳи тоборак,
ул тожи рижодур.
Ўрни совумабдур, яна ҳам лўнгисидир ҳўл,
ул қурби нубувват.
Ул тўнни кийиб, вақти саҳар чиқти намоза
авлоди бақодур.
Меърож сўзидин дедилар, эл ҳоли паришон,
ул масжиди Ақсо,
Йиглаштилар ул жамъи саҳоба йиғилибон,
ул вақти дуодур.

Бехуш бўлубон қолдилар ул жамъи халойик,
 билмай ўзини ҳам.
 Афғон этибон оҳ ила фарёд дедилар,
 ул бағри яродур.
 Чинмас деди бор эрди ўшал дамда хавориж,
 монанди Абужаҳл.
 Лаънатга дучор ўлди ўшал кофири мунгири бад кеш,
 ул рўйи сиёдур.
 Инкор қилиб ҳазрати ул шоҳи жаҳонга,
 ул бир сағи маккор.
 Дедики Муҳаммад ғалат айтур бу сўзини,
 ул айни хатодур.
 Ул сағ уйига келса кўчи ун элаб ултур,
 айди эрига ул
 «Дарёга бориб сунни кетургил бу замони,
 қазонки тошодур».
 Борди суга дарё лабига келди жухуди,
 ковокға сув олди.
 Дарё лабига қўйди ковокни сувга тушти,
 ким гарм ҳаводур.
 Келди яна бир тева миниб, кофири сорбон,
 ман сани олай деб.
 Кўрди ўзини суратини мазлуми ожиз,
 бечуну чародур.
 Олдики бу сорбон ани ўн йил хотун этти,
 беш ёш бола кўрди,
 Ул ғул учун келди яна дарёни бўйига,
 ул юзи қародур.
 Тушти яна ул су ичига чўкти-ю, чиқти,
 ул кофири ғаддор.
 Ул ҳолни, ҳам кўрди яна сувратини ул,
 ғарки гуноҳдур.
 Олдиву қабоқини равон бўлди уйига,
 кирди уйига ул,
 Қўптики яна кўрди кўчини бу ҳол ила,
 ул унки қилодур.
 Айди кўчига ғул била сан боғла қўлумни,
 мен ғарки гуноҳман.
 Чин демадиму бўлди бариси манга маълум,
 бешарму хаёдур.
 Келди қошига қилди надомат бу жухуди,
 юз нола қилибон.

Бўлдум итингиз ман сиза эй хожайи ҳоқон,
 ул Тангри гувоҳдур.
Эндим, бу йўлумдин ман аё хожайи даврон,
 бўлдимки пушаймон.
Биз ошику сиз маъшуқ аё хожайи султон,
 жо-жойи бақодур.
Сиз маҳбубу ман муҳибман, эй сарви султон,
 раҳм айлангиз эй жон.
Дедики Абубакру Умар, ҳазрати Усмон,
 ул меҳри вафодур.
Келди сизнинг даргоҳингиза бесару самон,
 бу вақти қарамдур,
Рад этмангиз мардуд бўлуб кетмаса яхши
 бу бир фуқародур.

Алқисса, шоҳ Машраб Ҳиндистонга келдилар. Хожам подшоҳ соҳибқироннинг олдилариға келиб, аёғлариға йиқилдилар. Шоҳ Машраб Хожам подшоҳнинг хизматларида уч йилгача сув берадургон бўлдилар. Шоҳ Машраб бир кун номози жумъага бориб кўрдиларки, имом минбарға чиқиб: «Ҳалолҳо — ҳисоб ва ҳаромҳо — азоб»,— деб халойиқни кўркутуб туродур. Муни эшитиб шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Кутарсанг пардани ногоҳ юзунгни бир кўрай дерман,
Жамолинга назар солиб, ки хуснунга тўйай дерман.

Халойиқ қиблага боқиб, деюрлар раббиял аъло,
Намозу рўзага сан деб санга сажда қилай дерман.

Шоҳ Машраб имомни савтлари* бирла туртуб юбориб, ўзлари минбарға чиқиб, хутбахонлик қилдилар. Машрабнинг нафасларини гармлиғиға халойиқ масти мустағрақ бўлуб қолдилар. Анда шоҳ Машраб бу байтни ўқудилар:

Боз омадам дар гуфтуғу, ман ишқро пайдо кунам,
Монанди Мажнун халқро шўридаву шайдо кунам.

Дилро ба ишқат бастаам, чун ишқ омад ҳосилам,
Ҳар дам басони булбулам, нутқи дигар пайдо кунам.

*Савт — қамчи.

Имрӯз ман шайдойи, дар фитнаи ғавғойи ў,
Гар ишқ бошад кўйи, бо у сари савдо кунам.

Майхонаро бикшода, роҳаш баман бинмудаанд,
Аз жомӣ ишқаш май хўранд, шўридаву шайдо кунам.

Машраби Ҳажри омади, аз мавжий дарё омади,
Аз дар баёди амният партави лоло кунам, —

деб, шоҳ Машраб Хожам подшоҳи соҳибқиронни хизмат-
лариға кирдилар. Хожам подшоҳ айдиларки: «Эй Маш-
раб, рустамона иш қилдинг». Шоҳ Машраб айдилар: «Сиз-
нингдек пирим бўлсалар, иншоаллоҳ қиёматдин ҳам қўрк-
масман», — деб бу ғазални ўқудилар:

Тасадуқинг бўлайин, эй пари жамолинг оч,
Олурга жон тиласанг, тиғи бе малолинг оч.

Заломи чашмасидин Хизр топти умри тавил,
Манга бақолиғ учун чашмаи зилолинг оч.

Қаду юзунгни қилиб орзу кўнгул кондур,
Бу қонни ичмак учун сарву нав-ниҳолинг оч.

Саҳлдур ийд маҳи бир йил ичра икки туғор,
Бир ой бошида туғулгон, икки хилолинг оч.

Кўнгул сурурини айттим суроғи май дерлар,
Майинг, ки кўнглум учун лаъли бемисолинг оч.

Алқисса, шоҳ Машрабни Ҳиндистон келгонларини
Абулғозихон англади. «Фарғона заминидин бир қалан-
дар келибдур, ажаб оташнафас таҳти қабоби эрмиш», —
деб қаландарга киши юборди. Одами келиб дедики: «Эй
Машраб, сени подшоҳ чорлайдур», — деган он — «Абул-
ғозинг ким?» — дедилар. Бу сўзни ул киши келиб Абулғо-
зихонга маълум қилди. Абулғозихон дарғазаб бўлуб деди-
ки: «Эй уламо ва эй умарола, ман авлоди Амир Темур
бўлсам, подшоҳи исломни номаъкул этган кишини на қил-
моқ керакдур?» Уламолар дедиларки: «Мундоқ одамни
филни олдиға ташламоқ керакдур», — дедилар. Подшоҳ
айдикӣ: «Халойиқ жамъ бўлсунлар». Ҳама халойиқ жамъ
бўлдилар. Шоҳ Машрабни олдуруб келиб эрдилар, анда

Хожам подшоҳи соҳибқирон марҳамат қилиб дедилар: «Машраб бизни шеримиздур, анга ҳеч бир фил баробар келмас», — дедилар. Абулғозихон бир фили Маҳмудиси бор эрди. Подшоҳ шул филни олиб келмоқға буюрди. Хоҳладиларки, Машрабни нобуд қилғайлар. Шоҳ Машраб «аллоҳу акбар» деб, филни тумшуғига бир тефтилар. Фил шул қочқонича қочиб, шоҳ Машрабға ҳаргиз рўбарў келмади. Шоҳ Машрабни аёғлари оқсаб, бу ғазални ўқудилар:

Аз пойзаданаст банди сағаст,
Дар мулки ҳинд Темурланг вилоятм.

Андин сўнг подшоҳ бу ҳолни кўруб, ҳайрон бўлуб, шоҳ Машрабни ўрдасига олиб борди. Шоҳ Машрабға етти сипар олтун ниёз қўйди ва айдики: «Мандин сизга беадаблиғ ўтти, аммо ман сизни тониганим йўқ», — деб қўб узрлар қилиб, йиғлади. Анда шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Гулшани боғ аро бугун булбули хуш хабар ўзум,
Бир бути бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.

Кўйида дам-бадам бориб, навҳайи зорилар қилиб,
Шому саҳар фиғон этиб, булбули беҳабар ўзум.

Рўзи аластда можаро, қолиб ичинда жон аро,
«Қолу бало»да ё илоҳ, Довуди нағмагар ўзум.

Ё маҳи меҳрибонмусан, Ё шаҳи осмонмусан,
Ёр била кўкни турғузуб, кавкабайи қамар ўзум.

Ошиқи нуктадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шухрати ишқ бобида Машраби мўътабар ўзум, —

деб, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб, олтуни пушти по уруб, торож қилдилар. Абулғозихонни бир Сиёхпўш деган кофир душмани бор эрди, мудом уруш қилур эрди. Абулғозихонни бир ўғли бор эрди. Бисёр баҳодир эрди. Ҳар вақт урушга кирса то ўқу дориси адо бўлмай маъракайи майдондин чиқмас эрди. Подшоҳ ўғлини кўргунча юраги

* Залом — қоронғи, қоронғилик.

кон бўлур эрди. Ушал ўғулни Машрабни олдиларига олиб келди. Айдики: «Бу ғулом баччангиз ҳар вақт ғазотга кирса, то кўрғунимча тоқатим қолмайду. Ҳазратингиздин табаррукона дуо умид қиламиз». Шоҳ Машраб айди-лар: «Андоғ бўлса, қоғоз бирла давоту қалам олиб келин-лар». Олиб келдилар. Шоҳ Машраб уч мартаба Машраб, Машраб, Машраб деб, битиб кўйдилар. Подшоҳ кўлига олиб қарасаки, ҳеч бир оят ва ҳадисдин ёзилмабдур, бал-ки Машраб ўз номини уч мартаба ёзибдур. Подшоҳ айди: «Эй тақсир, сиздин дуо умидвор эрдим, ўзларини номла-рини уч маротаба ёзибдирлар». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй беихлос хон, бир товук келтургил», — дедилар. Хон бир товук келтурди. Бул товуғни бўйнига боғлаб, уч йўл ўқ отдилар. Ҳеч кор қилмади. Ўқ товуғга тегиб ерга туш-ти асло таъсир қилмади. Бу каромати сариҳни Маш-рабдин кўруб Машрабни олдиларига етти сипар зар кўй-ди. Тамоми нағмаи арганунни йиғиб, бир ҳинду баччани ясаб, олиб келдилар. Машрабни андоғ димоғлари очилиб: «Машрабхонлиғ қилурмукин», — деб турур эрдилар. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир ҳинду баччани икки ошуқида икки зангула боғлоғлиғ, яна икки кифтида икки зангула боғлоғлиғ, келиб шоҳ Машрабни олдиларида турди. Шоҳ Машраб ул ҳинду баччани малоҳатиға бу мухаммасни ўкудилар:

Эй гунчайи лаълинг қилибон турли малоҳат,
В-эй, тоза ниҳоли чаман оройи назокат,
Мақбулсан эй дилбари хуш лаҳжа бағоят,
Қаҳ-қаҳ куласан, бу на ажойиб, на қиёмат,
Ҳай-ҳаҳ на жафо қилса санам жонима роҳат.

Ул холки кунжи лаби жонона тушубдур,
Жон олмоқ учун кўзлари бир ёна тушубдур,
Ҳинду бачайи мулки Сулаймона тушубдур,
Чун Юсуфи Яъқубки зиндона тушубдур,
Ҳай-ҳай на жафо қилса санам жонима роҳат.

Хуснунг варакида ёзилибдур хати абжад,
Ёким санга солмиш табақи лаъли зарбаржад,
Рафторинг экандур яна бир шевайи хуш хат,
Жоним берайин зулфи сиёҳингга мужаррад,
Ҳай-ҳай на жафо қилса санам жонима роҳат.

Эй тарзи хироминг сани ким ҳаддин ўтубдур,
Овозайи хуснунг ҳама оламни тутубдур.
Гулзори жамолинга хати лола битибдур,
Машшотайи тақдир сочинг хуш таротибдур.
Ҳай-ҳай на жафо қилса санам жонима роҳат, —

деб шоҳ Машраб Бухоро тарафиға равона бўлдилар.
Неча кун манозил тай қилиб, Бухорога дохил бўлуб, бир
жойга бориб, бир остонани кўруб боликларидин сўрди-
ларки: «Бу начук остонадур?» Боликлари айди: «Тақсир,
бу остона Нақшбанд остоналаридур». Анда шоҳ Машраб
бу байтни ўқудилар:

Бухороро Бухоро метавон гуфт,
Баҳорашро зимистон метавон гуфт.
Баҳоваддин набошад дар Бухоро,
Фарангу кофиристон метавон гуфт, —

деб шоҳ Машраб зиёратга кирдилар. Намози хуфтон-
дин кейин, зиёратдин чиқиб, Бухорони шаҳриға кирдилар.
Боликлариға дедилар: «Эй Пирмаст, бу кеча сен харобат-
хонани ясатиб ётғил, — дедилар, ман зоҳидларни мас-
жидлариға кирай», — деб Бухорони Сувдон деган ма-
ҳалласи бор эрди. Шу маҳаллада бир масжид бор эрди.
Шул масжидда намози хуфтанни ўқуб, чиқиб эрдилар-
ки, шоҳ Машраб етиб келдилар. Қарасалар сўфи масжид-
ни эшигини беркитиб турубдур. Шоҳ Машраб айдилар:
«Эй сўфи, эшикни беркитма, мен мусофирдурман, бу кеча
масжидда бўладурман», — дедилар. Сўфи қараса: «Ажаб
бир қаландар экан», — деб масжидни калидини шоҳ Маш-
рабга берди. Масжидни эшигини очиб, ичига кирдилар.
Кўрдиларки, жойнамоз солиғлиғ тuroдур. Мехробға бир
қозуқ қоқиб, эшакларини мехробни ичига боғладилар. Ўз-
лари минбар қошиға бориб, ёттилар. Сўфи вақти саҳарда
масжидга келди. Кўрдикки, масжидни ичидин гулдураб
овоз чиқаду. Ҳайрон бўлуб чароғ ёндуруб, кўрдикки, бир
оқ эшакни масжидни мехробига боғлаб кўюбдур. Сўфи бу
ҳолни кўруб, «Ҳай дариг, душманлар бу эшакни боғла-
ғондур», — деб қўлиға асосин олиб, ҳайдаб асо бирла
бир — икки эшакни урди, эшак югура турди. Сўфи кўрди-
ки, нухталиқ занжир бирла боғлоғлиғдур. Эшакни мас-
жиддин чиқориб, бир дарахтга боғлаб кўюб, масжидни
кириб кўрдикки, кечаги қаландар масжидни бир кунжида

ётибдур. Сўфи айди: «Эй қаландар, начук жонсан, турғил, номоз вақтидур». Уч мартабағача сўфи индади. Қаландар бошини кўтармади. Сўфини ғазаби келиб, асо бирла беш-олти урди. Яна индамади. Сўфи айди: «Қандоғ қаландарсан, фарз вақти бўлай» — деди, овоз чикмади. Сўфи айди: «Эй қаландар, Худойи таъолони ҳақи ва хурмати учун бошингни кўторгил». Андин сўнг шоҳ Машраб бошларини кўтардилар. Сўфи кўрдик, ажаб ҳол, икки кўзидин ёш тарам-тарам кетиб бородур. Сўфи айди: «Эй қаландар, бу йиғлагонинг ниҳоят маъкул, эшакни меҳробға боғлоғонинг нимадур?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Сизлар олти пулға олган кафшларингизни мабодо ўғри олиб кетмасун деб орқада қўймай, олдингизға қўюб, намоз ўқуйдурсизлар, ман бу эшакни ўн беш тангага олиб эрдим, мани эшагимни ўғри олмайдурму, эшагим меҳробға чиққон бўлса ҳайвонлиғига борибдур», — дедилар. Шоҳ Машраб бирла сўфи ушбу сўзда эрдилар, имом кириб келди. Қавм тайёр эрдилар. Суннати намози бомдодни ўқудилар. Андин сўнг сўфи такбир тушурди. Имом қироатга машғул бўлди. Шоҳ Машраб масжиднинг бир буржига бориб, бошларини қўйнилариға олиб гунчак бўлуб, ўлтурдилар. Имом сурайи фотиҳани ўқуб, «Эҳди нассиротал мустақим»га етганда, шоҳ Машраб «жўх-жўх» деб кичкурдилар. На учунки имомни қўнгли уйдаги бузоқға кетиб эрдик: «Бўш боғлағон бўлса, йишилиб, онасини эмиб қўймасун», — деб имом намоздин фориғ бўлуб, хатми ёсин килиб, асосини қўлиға олиб, айдик: «Эй қаландар, Худодин қўркмасмусан, намоз ўқумай гунчак бўлуб ўлтурурсан?» Шоҳ Машраб айдилар: «Ман Худодин қўрқуб гунчак бўлуб ётибдурман, сандек намоз ўқугунча, намоз ичида сани ғаразинг бузуқ, бузоқ онасини эмдиму деб хаёлға келтурдинг». Имом мулзам бўлди. Аччиғидин дарҳол сўфини мавлоно шарифға юборди. Сўфи келиб айди: «Эй тақсир, бир қаландар масжидга кириб эшакни меҳробға боғлабдур ва ўзи ётган ерига бавл килибдур», — деб, мавлоно Шариф айдиларки: «Ул қаландарни озор бермай мунда келтурунглар». Барча муллолар келиб кўрдиларки, ётқон ериға бавл килибдур. Муллолар айдилар: «Эй девона, бу нима қилғонинг?» Шоҳ Машраб айдилар: «Хўб қилдим», яна Машраб айдилар: «Бу уйни нима дерсизлар?» Муллолар айдилар: «Худойи таъолони уйдур», — дедилар. Шоҳ Машраб айдилар. «Эй мухтилар, гуноҳқорсизлар, кишини зархарид ерига бесўроғ кирасизлар. Муллолар айдилар: «Турғил,

сани мавлоно Шариф чорлайдурлар». Шох Машраб айдиларки: «Мавлоно қайдадурлар?» Муллолар айдилар: «Мадрасайи Кўкалдошдадурлар, алҳол дарс айтиб ўлтурбдурлар». Шох Машраб айдилар: «Андоғ бўлса, мани охунднинг олдиларига олиб боринглар мувофиқи шариат қандоғ ҳукм бўлса, кўрмагим бордур», — дедилар. Шох Машрабни ётган ерига боқсалар на бавл, на ғойит, ҳеч бир олудаликдин асар йўқ. Шох Машраб айдиларки: «Эй ёронлар, мани эшагимни топиб берсанглар, миниб борсам», — дедилар. Эшакни олиб келиб бердилар. Анда шох Машраб бу ғазални ўқудилар:

Азалдин то абад кўнглум қутулмас ишқ балюсидин,
Юраклар рахналар бўлди бу кўнглум можаросидин.

Ҳаёлимда сани васлинг, етолмасман мани хайрон,
Магар васлингга етсам, пири комилни дуосидин.

Эшит арзимни эй дилбар юрак бағрим кабоб ўлди,
Рақиблар шодмон бўлди, нигоримни жафосидин.

Мани саясиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,
Кел эй кўнгул кечоли бу тирикликни бақосидин.

Ки маъшуқам деди, букун кўрарсан ёрни тангла,
Анинг учун кеча қолдим, бу дунёни бақосидин.

Хароб эрмиш мани кўнглум, киши йўқтур, ки роз айтсам,
Сўнгақлар дод этиб йиғлар юракни оху восидин.

Ҳабибинг ҳурмати ёраб, мани бу ўтга кўйдурма,
Қутулгайму мани кўнглум бу ишқни можаросидин.

Саният ишқинг была йиғлаб агар маҳналар кунни чиқсам,
Кўярмар мўмину кофир бу Машрабни навосидин, —

деб, шох Машраб эшакка тескари миниб, мавлоно Шарифнинг хизматлариға равона бўлуб, йўлда боргунча бу ғазални ўқудилар:

Кел эй дилбар, баён айлай, санга бир-бир жудолиғни,
Ки шода раҳм этиб солгай ўзига ошнолиғни.

Тамоми хонимонимдин кечибон бир сани дедим,
Ўзингдин ўзга билмайдуру ўзинг солдинг Жудоликни.

Сулаймон тахтию Жамшидни жомига бермасман,
Қўлумга косайи чўбин олиб қилсам гадолиғни.

Ўзингдин ўзгани десам, қасам биллоҳ қабул эттил,
Вафони ўзгага айлаб, манга солдинг балоликни.

Сан эй зоҳид, насиҳатни букун меҳроб аро қилғил,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз, киши сандек риёликни.

Аё, эй сангдил дилбар, манга жавру жафо қилдинг,
Нигоро кимдин ўргандинг, мунингдек бевафоликни.

Хатолар айлабон ёраб, яна даргоҳинга келдим,
Нидо келди қулоғимга, ки кечтим ҳар хатоликни.

Кел эй Машраб, ки фосиқсан, гуноҳинг ваҳмидин кўрқма.
Агар афв айласа Саттор кечар сонсиз гуноҳликни,—

деб, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб борур эрдиларки,
бир мулло келиб гарданлариға бир мушт уруб айди: «Эй
банги қаландар, хилофи шаръ қилдинг, чароки эшакка
тескари миниб борурсан». Машраб айдилар: «Мунча мул-
лолар орқамдин келадурлар, беодоблик бўлмасун, деб,
эшакка тескари миндим». Муллолар муни эшитиб, деди-
ларки: «Бу қаландар аз ёрон экан, охундни олдиға олиб
борсак, бу бизларга сўз бергудек эмас», — деб офарин
қилдилар. Шоҳ Машрабни мадрасаға олиб келдилар. Шоҳ
Машраб кўрдиларки, беш юз олти юз мулло Охунднинг
хизматларида дарс ўқуб турубдурлар. Шоҳ Машраб са-
лом қилдилар ва Охундни ёнлариға бориб ўлтуруб, бу ға-
зални ўқудилар:

Аналҳақ гўйи ижодам, тажаллипарвар ишқам,
Мудом аз хуни Мансурам майи дар соҳари ишқам.

Шаби ғамро кунад равшан, чароғи дуди оҳи ман,
Занад чун таъна бар хуршиди ахтар маҳшари ишқам.

На аз куфрам шикибойи на исломам таманнойи,
Надонам Каъбаву бутхона аз ҳам кофари ишқам.

Ба саҳро оҳи Мажнунам, ба дарё ашки Фарҳодам,
Набошад ҳамчу ман девонайи баҳру бари ишқам.

Намак парварда догам, шарар омодаи оҳам,
Матоъи дарду ғам дорам бакаф савдогари ишқам.

Шудам пайғамбари савдо мани девонайи Машраб,
Шафоат мекунад аҳли жунунро маҳшари ишқам.

Андин сўнг муллолардин ғирев чиқтики, баии маъни мавлоно Шарифдин тақаддум қилур, деб шоҳ Машрабга қасди озор қилдилар. Мавлоно ботин кўзлари бирла хабар олсалар, қаландар авлиёи таҳти қибоби экан, баланд ҳиммат девона кўрунур. Муллоларга айдилар: «Ҳаргиз анга дахл қилмангизларки, солиқи комил кишидур», — дедилар. Муллолар айдилар: «Тақсир бу қаландар эшакни меҳробга боғлабдур». Охунд муллоларни кўнгли учун дедиларки: «Эй девона, булар нима дейдурлар?» Бу замон Машраб айдилар: «Булар меҳробга бир эшакни имом деб ўтқорурлар, яна олти пулга олган кафшларини ўғри олмасун деб, орқаларида қўймай олдиларига қўюб, намоз ўқуйдурлар. Ман эшагимни ўн беш тангага сотиб олган бўлсам, киши олиб кетмайдурми?» Охунд бу сўзни эшитиб, хушвақт бўлдилар. Охунд айдилар: «Эй Машраб ана вилояти Бухоро, хуш келибсиз!» — дедилар. Андин сўнг айдилар: «Эй Машраб, аввал нима эрдинг». Шоҳ Машраб айдилар: «Аввал эшак эрдим», Ва айдилар: «Кейин нима бўлдунг?» Машраб айдилар: «От бўлдум». Мавлоно айдилар: «Кейин нима бўлдунг?» Машраб айдилар: «Тева бўлдум». Мавлона айдилар: «Айюҳаннос, Бухоро халқи билинларки, Хожам подшоҳдин келибдур. Узр айтинлар». Ҳамалари ўрунларидин туруб, узр айттилар. Андин сўнг шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Нигорим васлини излаб, талабда бир қаландарман,
Кечиб дунёи фонидин, талабда бир қаландарман.

Худодин келса бу фармон лаҳаддин бош кўторғил деб,
Кафанни буйнума чулғаб, талабда бир қаландарман.

Бошимдин то аёғимга туташти хирмани оташ,
Солиб ҳар ерда бир гулхан, талабда бир қаландарман.

Кетар Машраб бу дунёдин кафан олува хун бирла,
Қошим Баж шохрида бўлаб, талабда бир қаландарман, —

деб, шоҳ Машраб айдилар: «Тақсир манинг орзум, сизни зиёрат қилмоқ эрди, билдимки мунда зоҳидлар бор экан. Манга фотиҳа берингки иродаи ҳаж қилиб эрдим», — дедилар.

Нест ғайр аз ошики, дар корхо,

Нест жуз бори маломат борхо.

Нақди жонро дода меҳнат меҳарим,

Роҳати жон нест дар бозорхо.

Мавлоно Шариф айдилар: «Беш — олти кун мунда тунгунг, сиз ғаниматсиз», — дедилар. Машраб айдилар: «Андоғ бўлса, сизни хизматингизда дарс ўқуйлук», — деб анда бу ғазални ўқудилар:

Умийи абжад ишқам шуду устод инжо,

Рақам, сифрайи лавҳам шуду оҳод инжо.

Куфр дар мазхаби мо дунӣ мусулмони бувад,

Бараҳман кофиру тарсо ҳама мунқод инжо.

Барқ сомон гузарад умр зи маъмурайи тан,

Машрабам ҳеч надорам сари бунёд инжо, —

деб, шоҳ Машраб мавлоно Шарифда «Мушқоти шариф» ибтидо қилдилар. Ҳар кунда «Мушқот»дин бир варақ ўқуб, хужраға кириб, микроз бирла ул варақни қирқиб, пора-пора қилиб, чилимға солиб, тортар эрдилар. Дудини ютуб юборур эрдилар. Бу воқеани муллолар кўруб, мавлоноға арз қилдилар. Мавлоно айдилар: «Эй Машраб, ўқуғон дарсингизни такрор қилмай, нега чилимға солиб тортарсиз». Машраб айдилар: «Баъзиси кўнғлумға ўлтурмади хат ва қоғоз мусофир бўлмасун, деб, ҳамасини кўнғлумға тортиб олдим», — дедилар ва айдиларки: «Манга рухсат берсангиз Қуръонни назм қилсам». Мавлоно айдилар: «Қуръонни то бул вақт ҳеч ким назм қилган йўқдур, агар бу ишни қилсангиз Қуръон хор бўлса керак, наинки бу иш сиздин ҳосил бўладур». Шоҳ Машраб айдилар: «Ман сизни аҳли фаҳм десам, бир зоҳиди хушк экансиз». Андин сўнг шоҳ Машраб Бухорони Регистониға келдилар. Регистонда бир қаландар шоҳ Машрабни тутуб сўрадики: «Эй қаландар, отингиз нимадур?». Шоҳ Машраб айдиларки: «Мани отим Машрабдур». Қаландар айдиқи:

«Маънис нимадур?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Ҳар ким манга рафиқ бўлса, ман анга рафоқатлик қилурман. Ҳар қозонга тушсам қайнарман, анинг учун отимни Машраб кўйдум». Андин сўрадиларки: «Сани отинг нимадур? Қаландар айди: «Мани отим Понсадмандур». Шоҳ Машраб айдилар: «Шайтон бир маротаба манлик қилиб бўйнига тавқи лаънат тушти, сан беш юз манни кўтариб юурсан. Муносиб шулки сандин қочмоқ керак».

БАЙТ

Гуфт Шайтон як мани афтод тавқи лаънаташ,
Вой, бар он кас, ки бошад номи у Понсадмани, —

деб, шу юрганларича ағочаларининг маҳалласида бир работга бордилар. «Ана усули қиёмат, ушбу турур, тонглағача ушбу усулни қилиб борсак», — деб ағочаларни усулга солиб, ўзлари Парвардигори бениёзга муножот қилиб: «Мани дарди бедавога гирифторм қилдинг», деб бу ғазални ўқудилар:

Ғамза билан қошмига кел, санга қилай жонни фидо,
Куйди юрак жиги-жиги, оҳ нетай бўлдум адо.
Дод қилурман эй санам, бўлса қиёмат ул кунни,
Барчага марҳамат қилиб, манга бу дарди бедаво.
Қўнғлимга солди ишқини кимдин бориб дуо олай,
Кимки етар муродиға пирини қилса раҳнамо.
Ўлди бу Мажнуну хароб, Лайли ғамида билмади,
Тўйди юракка ҳасрати, кўйдимю бўлди мубтало.
Боди хазони ниммаҳал, умрума еткуруб халал,
Тавба қилиб надоматам, санга Худойи кибриё.
Машраби бекарори ишқ, тобти пирин сўроғ этиб,
Кўйди бошин бусоғага салқиди тушти бо сафо.

Алқисса, бу ғазални ўқуб туруб, эрдилар Бухоро халқиға гулгула тушти. Абдуллохон англадики: Бир қаландари оташнафас келибдур, — деб — «бир кўрсак» — деб орзуда бўлди. Охируламр Абдуллохон одам юбориб, шоҳ Машрабни ўрдаға олдуруб борди. Шоҳ Машраб йўлда борғунча бу ғазални ўқуб бордилар:

Нагмаи арғанун чолиб, дилбари хуш адо келур,
Лаззати ишқини топиб, зикри Худо сано келур.

Асли муҳаббат истасанг гули ҳавасни ташлагил,
Фақр либосини кийиб, дарбадари гадо келур.

Ушбу фироқ дардини, кимга айтай дўстларим,
Йиғламасам бу ҳолима дардима ким даво қилур.

Оҳима Маҳшаринг куяр, ҳам етти дўзахинг куяр,
Андин ўтуб бу оҳима Арш устида саро келур.

Бандаи пур гунаҳдусан, кўпгил, саҳарда йиғлагил,
Кўз ёшингни хурматидин ҳар кунда минг нидо келур.

Машраби Маҳди, Умам, хушлади фақр аҳлини,
Фақр аро кўрди матлабин сидқ ила ҳам сафо келур.

Алқисса, Абдуллахон шоҳ Машрабнинг истиқболлариға чиқиб, ўрдасиға олиб кирди. Икки кишидин қуйи ўрун кўрсатти. Кимхобларни таҳбатаҳ солдилар. Шоҳ машраб аларни устиға чиқиб ётиб сийиб юбордилар. Ултурган халойиқ таъажжубға қолдилар. Хон вазирага айтиди: «Сўрагил на учун мундоғ қиладур». Вазир сўрадики: «Эй Машраб, бу тўшакларни сизни иззатингиз учун солуб эрдук, на учун сийдингиз?» Шоҳ Машраб айтиди: «Мундоғ иззатга сиймоқ керак. Андоғ эрса тўшакка сиймай санга сийму, чароки сан ва бизни туфроқдин бино қилгандур, туфроқ бўлгонгунча сани эски латтанг бўлгонса ҳеч боки йўқтур». Шул соат Абдуллахонга беҳудлик рў берди. Дарҳол етти сипар олтун келтуруб, олдилариға ҳадаё қўйди. Шоҳ Машраб олтунни шаъниға бу ғазални ўқудилар:

Аз найистони фироқат ҳамчу оташ сар задам,
Ҳамчу алмоси шудам тоқи фалак барҳам задам,

Назди ман тоқи фалак чун зарраи хошок нест,
Ҳамчунон мисли наҳанги дар таҳи дарё задам.

Он замон беҳуд шудам, рафтам аз ин дунёи дун,
Аз биҳишти жовидон, то зери Курси по задам.

Зери Курси рафтаму, дидамки хурони бихишт,
Ман бахуронаш нагуфтам, бо малойик дам задам.

Зери дарё рафтаму дидам хурусон дар чаман,
Булбули шайдо шудам гирди чаманро пойзадам,

Машраби девонайи саргаштаам аз бахри ёр,
Олами дунёйи дунро пушти як нохун задам, —

деб, шоҳ Машраб ўшал олтуни бир тептилар. Олтун ерга сочилиб кетти. Шоҳ Машраб «ху» деб йўлга равон бўлдилар. Абдуллахон анда аёғлариға йиқилиб дедики: «На учун мани ҳадямни олмадингиз, ваҳоланки Амир Те-мур подшоҳдин қолгон хазинадин келтуруб эрдим», — деб йиғлаб турди. Яна шоҳ Машраб айдиларки: «Эй Абдулло, мен дунёни пушти по урдум, — деб юрур эрдим ва ҳам ўзум-ўзумга инонмас эрдим. Худойи таъолодин талабим бор эрдик, бир одил подшоҳ бўлса, дунё деган палидни олдимға олиб келса, ман дунёни кўтиға шаттааласам, — деб алҳамду лиллоҳ, санингдек одил подшоҳ дунё деган палидни муяссар қилди, эмди ани кўтиға шатта урганим рост бўлди», — дедилар. Шул соат Абдуллахон икки зар фўта олдуруб келиб қўйди. Шоҳ Машраб фўтани бир учини беллариға кистуруб, яна бир учини ерга судратиб қўйдилар. Яна бир фўтани ўртасидин йиртиб, аёғлариға ўраб-ўраб, лой кечиб, Балх шаҳриға равона бўлдилар ва бу ғазални йўлда боргунча замзама бирла ўқур эрдилар:

Моимки чун лолайи сахройи Мадина,
Дорим бадил доғи таманнойи Мадина.

Хар дам ба тамошойи гули кўйи бихишт,
Гулбонги забони булбули шайдойи Мадина.

Гуфтамки, бувад бодия паймояш жаҳони,
Зоҳидки, шавад бодия паймойи Мадина.

Тўбик, сарафroxта парвоз ба Аршаст,
Шохист зи нахли чаман оройи Мадина.

Мурғони дилиро фараҳи нест нишиман,
Жуз кунгурайи суди фалаксойи Мадина.

Набувад гуҳар дар садафи баҳри иродат,
Покизатар аз гавҳари яктойи Мадина.

Ҳалвойи наботаст зи Миср омада хурмош,
Тасбиҳи малак донаи хурмойи Мадина.

Дидаст Мадина ба мисли шахс жаҳонро,
Чун мардуми дийда ҳама абнойи Мадина.

По карда зи сар кун зи Мадина талаби дин,
К аз сари ҳама дин омада то пойи Мадина.

Аз мими Мадина бингар ин ки чигуна,
Династ мартаба шуда то пойи Мадина.

Кавсарки шуниди набувад ташна лабанро,
Жуз соғари об, аз кафи сақокӣи Мадина.

Жуз жойи каси хоки Мадинаки ношояд,
Жуз куббае Арш аз шарафаш жойи Мадина.

Муғон зи майи лаҳнки аз замзамаи уст,
Дар ракси абад ҳужрайи сиймойи Мадина.

Колойи Мадина чи бувад хоки раҳи ӯ,
Мулки ду жаҳон қиймати колойи Мадина.

То ёфта хизрат занам аз чашмаи жудаш,
Нузҳат, ки Хизр омада хузройи Мадина.

Сақфи ҳарамӣ уст сад машъалаи нур,
Ин гунбази фируза ба болойи Мадина.

Офоқ ҳама мунтазири мақдами ӯянд
У пардағаҳи маҳди муъаллоӣи Мадина.

Дорад баҳуд умид, ки фардойи қиёмат,
Сар барзанад аз шуълайи хоройи Мадина, —

деб, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуғонларидин сўнг,
Абдуллаҳонни ихлоси зиёда бўлуб, шул соат бир машруъ
тўн келтуруб, шоҳ Машрабга кийдуруб, айдики: «Эй ми-

рохурлар қаро аргумокни олтун эгари бирла келтуруб шоҳ Машрабга бериб миндурунлар», — деб, алар мундог қилдилар. Абдуллахон айди: «Эй Машраб меҳтарлар шодиёна чолинглар». Меҳтарлар шодиёна чолдилар. Абдуллахонни ўзи шоҳ Машрабни Регистонгача узотиб келди ва ҳам Бухорони саййиду хожаву фуқаролари тамошога келиб, турдилар. Шоҳ Машрабни аргумоклари учар қушдек ўйнаб келурди. Шоҳ Машрабни завқлари келиб бу ғазални ўқудилар:

Машраби Умам омад мастонайи бепарво,
Шамъи анжуман омад майхонайи бепарво.

Жойи ин сурӯш омад, пири майфуруш омад,
Дайрҳо бажӯш омад, ҳамхонайи бепарво.

Шамъи шоҳид, соғари майи боқи,
Турк чехра қалмоқ жононайи бепарво.

Бадасти муҳаббат кеш, султон равишу дарвеш,
Бегона бо жонони хеш, бегонайи бепарво.

Оташи муғон омад, ҳам чангу чағон омад,
Дилҳо ба фиғон омад, як Машраби бепарво.

Шоҳ Машраб «муни» деб эрдиларки, бир ғариб бечора келиб, салом қилиб турди. Шоҳ Машраб айдиларки: «Эй бечора, бери кел». Ул бечора яқинроқ келди. Шоҳ Машраб айдиларки: Агар белимдаги фўта тушуб қолса, санинг бахтингдур, агар қўлум бирла берсам дунё айтурки мани Машраб қўли бирла тутти, аммо ерга тушса, сан ердин олғил, миннатдор бўлсун ер», — деб икки қадам юруб эрдилар, фўта ерга тушти. Шоҳ Машраб ўзларини аргумокдин ерга олдилар. Боликлари Сармастни қичқирдилар. «Лаббайк» деб етиб келди. Шоҳ Машраб айдиларки: «Бир пойтеша олиб келиб, бу отни аёғига пойтеша бирлан урғил», — дедилар. Тамоми Бухоро халқи айдиларки: «Эй Машраб, мундоқ яхши аргумокни нобуд қилманг, бу икки юз тиллолик аргумокдур», — дедилар. Шоҳ Машраб айдиларки: «То ўрдадин регистони Бухорога келгунча, ушбу отни миниб, Аллоҳи таъолодин гофил бўлдум, яна ҳар бандайи муъмин бу отни устига миниб, Худойи таъолодин

гофил бўлмасун, шу сабабдин ўлдурунглар», — дерман. Улуғу кичик Бухоро аҳли навҳа бирла йиғладилар. Абдуллахон бу сўзни эшитиб келиб: «Мурид бўлай», — деди. Шоҳ Машраб айдилар: «Ман — муридни ухдасидин чиқолмасан, аммо қиёматлик бародарим бўлғил», — дедилар. Абдуллахон бир минг танга ҳада қилди. Шоҳ Машраб бир дирамни олиб қулоҳлариға санчиб ўзгасини Аллоҳ таъолони йўлиға сарф қилиб юбордилар. Шоҳ Машраб масти мустағрак бўлуб, бир сўз оғизларидин чиқиб уламолар куфрлиғиға ривоят қилдилар. Тамоми уламо жамъ бўлуб дедиларки: «Мунинг куйдурмоғлик лозимдур», — деб. Алқисса, қанча ўтун йиғдурдилар, шу соат шоҳ Машраб ўтунни устиға чиқиб, бу мухаммасни ўқудилар:

Ишқингда қўймас ҳеч ким девона бўлмағунча
Шамъингда ёнмас ошиқ парвона бўлмағунча,
Боғлаб белин бу йўлда мардона бўлмағунча,
Бошқа олиб маломат афсона бўлмағунча,
Суймас садафни ҳеч ким дурдона бўлмағунча.

Сансиз манга нигоро, икки олам керакмас,
Тахти-бахти Сулаймон манга хотам керакмас,
Хизр умрин найлайин, манга ул ҳам керакмас,
Сансиз ўлай дуо қил, манга бу дам керакмас,
Жону тандин кечмагай бегона бўлмағунча.

Аршинг қўяр оҳимдин тонгла бўлса қиёмат,
Инсу малак титрашиб йиғлаб қилур надомат,
Чикса ўтум заррача ҳеч ким қолмас саломат,
Хуру ғилмон бижидинг айтур начук аломат,
Қолмас молик дўзахинг сўзона бўлмағунча.

Тушти бошимға ишқинг ҳар дам туруб йиғладим,
Такдир Аллоҳ шундоғ деб белим маҳкам боғладим.
Ошиқ иши қаттиғ деб ҳаяойиқдин англадим,
Ишқ ўтиға дўстларим юрак-бағрим доғладим,
Раҳм айламас нигорим гирёна бўлмағунча.

Ошиқ бўлсанг туну кун жонинг қурбон айлагил,
Нору фурқат жафосин танда пинҳон айлагил,
Зулфи чин-чин куфриға зинҳор имон айлагил,
Ҳажру меҳнат балосин дилда меҳмон айлагил,
Жонингға жон улашмас, жонона бўлмағунча.

Кетмас номус ҳеч кимдин ишққа қадам қўймаса,
Адхам сифат дунёни то пушти по урмаса,
Восил бўлуб васлиға ялғуз ўзин сўймаса,
Рози бўлуб қазоға, ҳажр ўтиға қўймаса,
Тобмас дилбар сўроғин жўёна бўлмагунча.

Вақти баҳор май ичгил, билсанг ишрат ганимат,
Соки тутгил қадахни, фурсат, суҳбат ганимат.
Зоҳид айтур ёронлар, тасбеҳ тоъат ганимат,
Машраб қаландарингга ҳар кун офат ганимат,
Кўрмас маъшук юзини афсона бўлмагунча, —

деб, шоҳ Машраб чарх уруб, ўтдин чиқиб келдиларки
жандаларини ҳеч бир жойида ўтни асари йўқ. Уламолар
кўруб, ҳайрон қолдилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Мани сў-
зумни маънисига тушунмай кофир бўлди, — деб ҳукм
қилдингизлар». Уламолар айдилар: «Эй қаландар, бу иши-
миздин пушаймонмиз, маъзур тутинг». Андин сўнг ҳама
халқ офарин қилдилар, билдиларки, бу қаландарни ҳама
иши қибоб экан. Халойиқни ихлосини ёндурур экан, бо
вужуди ҳама ихлос қилдилар. Андин сўнг шоҳ Машраб
алайҳиррама «Ху» деб маҳаллайи Жуйборға равон бўлуб,
йўлда борғунча бу ғазални ўқудилар:

Ул дилбари раънони мен ёр тутай дерман,
Май берса баҳам андин бир қатра ютай дерман.

Жанат ҳуру ғилмонин, кирган сарой айвонин,
Ким бўлса харидори бир пулға сотай дерман.

Олам ҳама Лайлидур тун қоши қаросидек,
Ойдек юзига боқиб, мастона кетай дерман.

Ишқ йўлида ошиққа таън айласа гар зоҳид,
Бир ўқ била ман они отиб йиқитай дерман.

Кўз ёши чу сув бўлди дўзах ўтидин Машраб,
Ишқинг ўтидин тоблаб они қурутай дерман, —

деб, шоҳ Машраб Қушбегига етдилар. Қарасаларки,
муллолар азоби қабрдин баён қилиб турубдурлар. Айди-
лар: «Эй муллолар, нега мунча халойиқни қўркутурсиз-

лар. Олам аросида олти қаландар йўқмикин биз бирла етти қаландар бўлуб, етти дўзахни эшигини тўсуб турсак», муллолар бу сўзни эшитиб айдилар: «Эй Машраб, сиз ҳоло шул даражага бордингизму?» — деб таёққа туттилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй мухтилар, кириб охундларингизга айтинглар, охундларингиз бирла сўзлашадурман», — деб то охунд чиққунларича шоҳ Машраб каромат зоҳир қилдилар. Қўйниларидин туйикни олдилар бир овуч сув солиб эзиб ўлтурур эрдилар. Шул соат муллолар келиб охундга айдилар: «Эй Охунум, бир қаландар куфр сўзлади, бизлар ани таёққа туттук ва ул қаландар сизни чорлайдур. Охунд дарҳол чиқиб кўрдиларки, бир қаландар сезоб эзиб ўлтурубдур. Охунд айдилар: «Эй қаландар, бу начук расволик, ташлагил, бу Фиръавни нажосатидур, қўлунгни ҳаром қилмағил». Машраб айдики: «Эй мулло, кофир бўлдунг» ва охунд айдики: «Занед ин гадоеро!» Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Охунд, сен кимнинг умматидурсан». Охунд айди: «Муҳаммад алайҳиссалом умматларидурман». Шоҳ Машраб айдилар: «Агар сен уммати Муҳаммад алайҳиссалом бўлсанг, пайғамбар алайҳиссалом пашмина кийиб ўттилар, сан на учун пайравлик қилмайсан, шу кийган тўнинг ҳаромдур», — дедилар. Охунд айдилар: «На учун ҳаромдур?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Кийган тўнингда ифак бор». Охунд айдилар: «Эй қаландар агарчи ифоки бўлса ҳам ўруши ифдур». Шоҳ Машраб айдилар: «Ман ҳам етти қошук сув кўштум», — дедилар. Андин сўнг охундга Машрабни аҳволлари маълум бўлуб, охунд бошлиқ ҳамма катта-кичик уэр айттилар. Анда шоҳ Машраб бу ғазални ўқудилар:

Дардим ўтиға ёру биродар чидаёлмас,
Балким падару модару хоҳар чидаёлмас,

Дардимдин агар зарра асар қилса фалакка,
Ўтлар чоқинур чархи мунаввар чидаёлмас.

Жондин кечиб ихлос ила Ҳақ йўлиға кирсам,
Ҳамроҳлик учун анда қаландар чидаёлмас.

Исёними гар солса тарозуйи амалга,
Они кўрубон мўъмину кофар чидаёлмас.

Сўз гавҳарини фош агар қилса ўшанда,
Даллол баҳо айлабу муштар чидаёлмас.

Ул рўзи жазо берса китобимни қўлимга,
Очиб ўқусам мажмаъи маҳшар чидаёлмас.

Воиз бўлубон ваъз десам масжид элига,
Ваъзим эшитиб, масжиду минбар чидаёлмас.

Ашъори лазиз ила жавоб айлади Машраб,
Они ўқубон кўрса музаффар чидаёлмас.

ҲАЗАЛИ ДИҒАР

Хуршид юзи шуъласига жон чидаёлмас,
Кофир кўзининг зулмига инсон чидаёлмас.

Лаъли лабинг таърифини шарҳ қилурда,
Ҳам Лавҳу Қалам котибу девон чидаёлмас.

Ул нозанин ар ноз ила жилвагар ўлса,
Кўз солса анга оқилу нодон чидаёлмас.

Мен ютқон алам шарбатидин заррани ютса,
Доройи замон Вомиқи даврон чидаёлмас.

Бир ҳол ила ул шўҳи ситамгар гузар этса,
Хуру париву одаму ризвон чидаёлмас.

Меърожи Муҳаммад йўлида оқсади Жибрил,
Рафрах аёғи бирла паямбар чидаёлмас, —

деб, шоҳ Машраб хожайи Жуйборга равон бўдилар. Кўрдиларки, бир хожа эшигида халойиқ жамъ бўлуб турбдур. Шоҳ Машраб сўрадилар: «Бу начук воқеадур?» — деб. Одамлар жавоб бердиларки Хожа бир қулни туфроқга солиб қаттиг азоб қиладур. Шоҳ Машраб айдилар: «Агар ман ани гуноҳини тиласам ўтармукин?» Одамлар айдилар: «Шоядки, сиз ул бечорани гуноҳини хожасидин сўрасанғиз, ўтса, ўшал бечора азобдин халос бўлса», — дедилар. Шоҳ Машраб хожанинг қошига келиб дедиларки: «Эй хожа, бу қул сизга нима гуноҳ қилди, мунча мунга

зулму ситам килурсиз. Хожа шоҳ Машрабга қараб дедики: «Бу қул андоғ гуноҳ қилибдурки, икки юз тиллога олган арғумоғимни товуғни тезагини бериб ўлдурубдур. Анинг учун мундоғ азоб килурман», — деди. Машраб сўрадиларки: «Эй хожа, атонгиз борму?» Хожа айди: «Атом ўлгандурлар». Шоҳ Машраб айдилар: «Атонгиз кимни тезагини еб ўлди, ўшал икки юз тиллога олган арғумоқ товуғни тезагини еб ўлгон бўлса,» — дедилар. Андин сўнг шоҳ Машраб бу мухаммасни ўқудилар:

Улуғ дарёи раҳматдин ҳамиша хушки лаб бўлма,
Ки сан ҳар ерга борсанг эй азизим, беталаб бўлма,
Некулар хизматиға бординг эмди беадаб бўлма,
Мабодо қўрқаман монанди Бужаҳлу Лаҳаб бўлма.
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Азиз авлодиман деб, тутмагил роҳи шақоватни,
Кўзунг борида ахтаргил, бирор аҳли ҳидоятни,
Такаббур сахт эрур бўйнунига олма тавки лаънатни,
Бошингдин қанда қилгил, ҳар замон бу хоби ғафлатни,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Ҳазорон дарди уқбога, ҳазорон дарди сар бордур,
Талаб қил, раҳбарини йўлда дойим сад хатар бордур,
Ўзунг ўлган сўғун бошингда юз минг шуру шар бордур,
Қиёмат қайғусидин санда минг хуни жигар бордур,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Агар нафсинг муродин изласанг чун арманидурсан,
Ўзингдин ҳам хабар олсанг ўзингга душманидурсан,
Бошинг ҳафт осмонга етса, шоҳи арзанидурсан,
Агар аслинга боксанг қатрайи оби мани дурсан
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Такаббур феъли шайтондур, бу йўлга кирма эй жоҳил
Эшакни ётидек саққол оқарди сан ҳануз тоғил,
Эронлар кетдилар мағрур сурат бўлма ноқобил,
Қиёмат тушасин олгон киши албаттадур оқил,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Ки нафсинг роҳиға боряб ўзунгни ўтга қуйдурма,
Бу ўтган рўз эмастур рўз, дойим мунча қайғурма,
Бу мотамхонаға келдинг, ки асло беғам ўлтурма,

Работи кӯҳнани йўқтур вафоси мунча кӯб турма,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Кел эй Машраб, сўзунг кўтоҳ қилғил, яхшилар кетти,
Сан ҳам бир кун кетарсан жумла олам чашии тар кетти,
Ки ул дунёга яхшилар ўзидин бохабар кетти,
Тамоми халқи олам йиғлашиб хуни жигар кетти,
Сайидсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

* * *

На гурбатларни чектим, чархи бунёд дастингдин,
Мудом мотамда бўлдим, бўлмадим дилшод дастингдин,
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

Чаманни булбули бе болу парман ошеним йўк,
Мисоли чўғдек вайроналарда ҳам маконим йўк,
Азизимдин жудодурман, бошимда соябоним йўк,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

Дилимни қуввати руҳи равонимдин айирдилар,
Анисим, мунисим, дилбанди жонимдин айирдилар,
Кўзумни равшани ул меҳрибонимдин айирдилар,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

Бу оламда манингдек дил паришон ўлмасун ҳеч ким,
Кўзи ҳам термулиб, чўлларда сарсон ўлмасун ҳеч ким,
Халойиқ дийдасиға торикистон ўлмасун ҳеч ким,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

~~Насоқи манга еткурғаймасан журшиди мавлабни,~~
Саодат-вақтида бахтимга чун иқболи кавкабни,
Илоҳи сан етур, ҳиммат йўлига хаста Машрабни,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки ман ҳар қайга борсам дод этарман, дод дастингдин.

Шоҳ Машрабдин Хожа бу сўзни эшитиб, кӯб изо тор-
тиб, хомуш бўлуб ағосини олдига желди. Аноси сўрдики:

«Эй ўғлум, санга на бўлдики, келдинг, юзунг заъфарондек бўлубдур?» Хожа айди: «Эй ано, бир қаландар қошимга келди, қави ҳайкал, сурх рўй, сочлари фатила-фатила гирди камарига тушган, ман қулумни азоб қилиб турсам, келиб айдики: «Эй Хожа, бу қул на гуноҳ қилди, мунча азоб қилурсан?» Ман айдимки: «Бу қул мани икки юз тиллога олғон арғумоқимни товугни тезагини бериб ўлдурубдур, анинг учун мундоғ азоб қилурман». Қаландар айдики: «Атонг борму?» Ман айдим: «Атом ўлғон». Қаландар айди: «Атонг кимни тезагини еб ўлди?» — деди. Бу сўз манга таъсир қилиб, санинг қошингга келдим». Аноси айди: «Ман англаб эрдимки, бир шоҳ Машраб деган авлиё келган эмишлар. «Ло яъруфунаҳум» мазмунида эмишлар, ихлос қилган кишиларга носазо айтур эмишлар, — деб. — Эй ўғлум, санинг атонг сажжода нишин эрди. Нимага кейин қолдинг, филҳол борғил, аёғлариға йиқилғил, ҳар неча носазо айтқоң била ихлосингни ёндурма, этакларини маҳкам тутғил». Хожа келиб, шоҳ Машрабни аёғлариға йиқилди. Шоҳ Машраб он ҳама носазо айттилар, хожа ихлосини ёндурмади. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Хожа сан анонгни сўзиға кириб ихлосингни ёндурмадинг, эмди бир хилват жой тобғил», — дедилар. Андин сўнг шоҳ Машраб айдилар: «Эй Хожа, шул кийган либосингни манга берсанг». Хожа дарҳол игнидин ечиб берди. Қўйлак ва пожомасини ҳам тиладилар, ани ҳам берди. Андин сўнг шоҳ Машраб айдилар: «Эй Хожа, икки қўлунг бирла эшагимни қўйруқини маҳкам ушлағил, кўзунгни юмғил, ҳар вақтеки, кўзунгни оч, демасам очмағил, — дедилар. Андин сўнг Хожани кўчага олиб чиқтилар. Бухоро аҳли анинг аҳволиға қулар эрдилар. Шоҳ Машраб анда бу мустазодни ўкудилар:

Васлингни тополмай санамо фикри ғамим бор,
бир неча маҳалдур.
Ҳижрони фироқ, сўзиши дарду аламин бор,
бағрим тўла қондур.
«Валлай»ли ўқуб иштиёқим бир санга тушти,
ҳаргиз хабаринг йўқ.
Ҳасратда юрак дарду маломат ватаним бор,
ўлмакка гумондур.
Мажнун бўлубон дашти муҳаббатга тушубман,
тоқат қилаёлмай.

Ки Лайли бўлуб хусни латофат чаманим бор,
хуш гулшани жондур,
Гохи бошимга тож қўйиб, ноҳ бўлурман,
ул давлати васлинг.
Бу турфа ажаб фақри ила ким салтанатим бор,
ҳаргиз шаки йўқтур.
Лайли санамим кўрдуму жоним бера қолдим,
осон қутулай деб.
Зоҳидлар аро тоъати ризвон хижилим бор,
ўз йўлум амондур.
Машрабни агар кўзларидин қонлар оқса
шукронаси кубдур.

* * *

Ҳажринг ўтидин эй санам, ошиқи беқарор ўзум,
Юрган отинг туёқиға ошиқи хоксор ўзум.

Холу хатингни кўрмасам, йўқтур қарорим эй санам,
Икки жаҳонда бил санга сўхта дилфигор ўзум.

Исо чиқиб ҳаво ўза кўрмади маъшуқи юзин,
Ишқинг ўтиға ман кузуб, биллоҳки ёри гор ўзум.

Мажнуни бенаво деманг, Лайли санам деб изласам,
Иккисини сўроғлаган мискини бенаво ўзум.

Фазна Намонган ичида юрди Раҳимбобо сўраб,
Топмади бир раҳбари, толиби раҳнамо ўзум.

Қўргил Зулайхо ишини Юсуфга интизор экан,
Икки жаҳонда бир сани излаган ошкор ўзум.

Ҳар нафасики манда бор, қилди мадад Офок хожам,
Бўлмаса бир қуруқ яғоч, даштида кўҳсор ўзум.

Қуддиса сирруху хожам Машраб отимни қўйдилар,
Қошғари Ёрқанд ичида соҳиби номдор ўзум.

* * *

Ангда бу сўзин эй санам, ошиқи мударо ўзум,
Асло жараҳда бағри йўқ дунёда, бедаво ўзум.

Кошки юзунгни шамъига бўлмағай эрдим интизор,
Раҳм этакўр бу ҳолима, ошиқи бекарор ўзум.

Қатрайи май тотурмасанг, ол бу жонимни қийнамай,
Сансиз агар бу дунёда улмакима ризо ўзум.

Ул аросат дўзахига якка ўзум бир кирай,
Юрдуму кўрдум ҳамани дунёда пургуноҳ ўзум.

Парда кўтаргил эй санам, розу дилимни айттайин,
Барча паямбар олдида илгари додхоҳ ўзум.

Ошиқ эрусан эй рафик, кўркма бу жонни ваҳмидин,
Қилса мадад ўзи вале, журмима ҳам шифо ўзум.

Куйди юрогим ўрганиб, жавру ситам ҳам этмагил,
Оҳима жовидон куяр оташи тобдор ўзум.

* * *

Гулшани боғи ишқ аро булбули хушхабар ўзум,
Дилбари хуш хиром учун ошиқи дарбадар ўзум.

Қўйинга эй санам бориб, навҳаву зорилар қилиб,
Шому сахар фиғон этиб, булбули навҳагар ўзум.

Рўзи азалда можаро, қолиб ичида жон аро,
Яли-яли, яло, яло Довуди нағмагар ўзум.

Ё шаҳи меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ер била қўкни ахтариб, кавкабаи қамар ўзум.

Хисраву хисравон бўлуб, Рустами дoston бўлуб,
Барзуйи паҳлавон бўлуб, Ҳамзайи раҳнагар ўзум.

Ошиқи нуктадон манам, пири ҳидояхон манам
Шухрати шеър бобида Машраби муътабар ўзум.

Алқисса, шоҳ Машраб Қабодиёнға келдилар. Эшони
Сўфи Оллоёр ҳам шунда эрдилар. Сўфи Оллаёрға хабар
еттики, шоҳ Машраб келдилар деб. Сўфи Оллоёр хушнуд

бўлуб, олдилариға пешвоз чиқтилар. Икковлари бир-бир-лариға мулоқи бўлдилар. Шоҳ Машраб Сўфи Оллоёрнинг қўлларини тутуб, айдилар: «Эй Оллоёр Хузури деган бузург дўзахга хушомад қилибдурлар. Сиз Пули Сиротға хушомад қилибдурсиз. Келинг ман сизни ўтқариб қўйй». Сўфи Оллоёр айдилар: «Эй Машраб, путингизни аросиға қаранг». Шоҳ Машраб қарасалар етти дўзах оғзини очиб турубдур. Шоҳ Машраб дўзахларни кўриб айдиларки: «Эй сўфим, бу дўзахларни кўриб, мунча кўрқарсиз? Ўзини топқондин сўнг ани қўлидин нима келадур? Ҳимматни баланд тутунг», — деб бу ғазални ўқудилар:

Етти дўзах марди Ҳақни олдида гулзордур,
Қўл тутарға раҳномо ҳам, марди соҳиб кордур.

Гар қўлингдин келса, ҳаргиз мурчани оғритмағил,
Ҳам Худо бандам демас, ҳар кимки дил озордур.

То тириксан дийдадин ҳар лаҳза тўқғил, оби чашм,
Дилда дардинг бўлмаса, минг тоатинг бекордур.

Вулмағил зоҳид сифат, дунёда бул марди фақир.
Кимки ул ҳорис бўлуб, кетти тани мурдордур,

Олими худдон бўлма, олими касдон бул,
Рўзм махшар раҳнамоинг Аҳмади Мухтордур,

Сан азиз этган кишим, ҳеч киши хор айламас,
Сан агар хор айласанг, ҳар ерга борса хордур,

Машрабо даргоҳи Ҳақ чун роҳи навмиди эмас,
Ҳақ таъоло санга ҳам бир саклагони бордур.

МУҲАММАС

Бертил Худо йўлида манга соқий бир аёғ,
Ултурма куб хуморман, тоза қил думоғ,
Тарк этти хонимоними, девона қилди соғ,
Ул дам тажалли кўрди қолди юракда доғ,
То ломақонға етмади, жон тобмади сўроғ.

Тарқсам бир оқ дард билан, махшаринг куяр,
Қилсам фиғон, булоғинг ила кавсаринг куяр,

Қоч осмони паноҳға ёшун пайкаринг куяр,
Эй Жабраил, йиг эмди, ўзингни паринг куяр,
Бедардсан, фаришгасан, ишқдин йироғ.

Бағрим шикоф бўлди Муҳаммад етим эмиш,
Раҳм айламак етимға савоби азим эмиш,
Ёраб тамом олама лутфинг амим эмиш,
Билдим азиз отингни бириси Карим эмиш,
Мандин гуноҳ қилмоқ, сандин бағишламоғ.

Эй бемакон юрак ўтидин санга дод этай,
Эй моҳи нозанин сани гул бирла ёд этай,
Ғамгин кўнгулни ишқи висолингда шод этай,
Минг бир отингни шому саҳарларда ёд этай,
Тинмай оқар кўзум ёши ҳажрингда чун булоғ.

Сансан кўнгул манозили, эй моҳи дил фириб,
Дардимни айтйин санга, эй меҳрибон табиб,
Гулзори боғи ҳуснида, эй жон сан андалиб,
Доруи раҳматингни манга айлагил насиб,
Булбул ғамингда ўлди, фароғатда қолди зоғ.

Эй қодири карим, қарам бақши зулжалол,
Раҳм эт бу хаста ҳолима эй шоҳи ~~бевозол~~,
Ўтти тамом умр гунаҳ бирла моҳу сол.
Ғам юкидин букулди қаддим, бўлди мисли дол.
Бу ~~Машрабингни~~ ~~ғусса~~ ~~дардига~~ сол қулоғ.

ҒАЗАЛИ ДИҒАР

Юрур Мажнун биёбонда, ки айтур оху вовайло,
Бу ишқини бандига тушқон қачонким айтушур Лайло.
Эшитгач етти дўзах ваҳмидин кўнглум қачон қурқар,
Чиқорса оғзидин бир ўт, бу дўзах бўлғуси расво.
Кел эй дилбар, бу ҳолатда берай жоним олур бўлсанг,
Ғазаб бирла бошим чулғаб, кўлумни дам-бадам боғла,
Кел эй Машраб, умид этгил Худойинг лоязол эрмиш,
Иноят бўлса Ҳақдин ким борурсан ёр ила танҳо.

* * *

Қонимни тўкар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Тақдирин азал бўлса найлай анга бермай жон.

Минг шукр Худойимга Мансурга қўшулдум,
Ул руйи сияҳларким Мансурни ўддургон.
Бу ишқ йўлига кирган албатта кечар жондин,
Кечмаса агар жондин, айтган сўзидур ялгон.
Кўр ошиқ Фарҳодни, Ширин учун ул ўлди,
Ишқ ўтида ўртониб, охир чу фано бўлгон.

Ул ошиқи Мажнун ҳам Лайлига эрур шайдо,
Чўлларда ватан айлаб, кўз ёши равон бўлгон,
Ул зору Зулайҳо ҳам, Юсуфга бўлуб шайдо,
Кўрдунгму халойикга расвойи жаҳон бўлгон.

Кўр Зухраву Тохирни халқ ичра бўлуб машхур,
Ташлаб бу тирикликни ишқни йўлида ўлгон.
Ишқ ўтида ўргонгон ул Вомиқ ила Узро,
Маҳшар куни бўлгонда жаннатда килур жавлон,
Кўр ошиқ эронларни, эй Машраби девона,
Келганда ажал жоми жон бирла олиб ўлгон.

Алқисса, шоҳ Машраб айдиларки: «Эй сўфим, икки қўлимни аросига қаранг». Филҳол Сўфи Оллоёр шоҳ Машрабни икки қўлларини аросига қарасалар фаришталарни кўрдиларки, баъзилари қиёмда ва баъзилари рукуъда ва баъзилари сужудда ва баъзи қуъудда ва баъзилари муножотда дуо қилиб турубдурлар. Ҳар қайсилари бир муродда турубдурлар. Шоҳ Машраб айдилар: «Кўрдунгизму? Бу фаришталарни кечаву кундуз, буларга емаку ичмак ва ухламак йўқтур. Ҳамиша тоат ва ибодат қиладурлар. Аларнинг тилаклари шулдурки, илоҳо Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг умматларини етти жаннатга дохил қилгайсан. Шундай фаришталар сизнинг учун тоат ва ибодат қилсалар, беш кунлик умрингизга ҳимматингизни баланд тутунг», — деб, ўзлари «ху» деб Балх шаҳрига равон бўлдилар. Бир неча қаландарлар ҳам шоҳ Машрабга ҳамроҳ бўлуб, жуъоштилар. Шоҳ Машраб боликлари бирла бу байтни ўқидилар:

Жонимни ҳалок этмак учун турфа балойи
ул золими хункор.

Ширин санами маҳваши, хурлиқойи,
ҳусн аҳлига Сардор.

Шайдову саросимаву девона қилибдур,
бечора кўнгулни.

Бошимга баси ёғдурибон тийри жафони,
ул шўхи ситамкор.

Гар истар эсанг хусн закотини берай деб,
оламда топилмас.
Мандек яна бир мустаҳиқ зору гадойи
ишқингда гирифтор.
Парвона сифат шамъи жамолинг сари бордим,
утҳони ва лекин,
Кўргузмади бурқани очиб зарра зиёни,
ул дилбари маккор.
Қаддим ҳам ўлуб таъбийати эгма қошингдур,
ё айлади таъзим.
Ул Мусхафи ораз уза кўргач икки ёйи,
ул қавси кузахдур,
Ораз била зулфунгни жаҳон аҳли демишлар,
бир бирига ёндош.
Бу турфаки ҳамсоя бўлуб Ҳинду Хитойи
Кўргач ани ҳар бор.
Қош ёси била кирпик ўқин гоҳ отарсан,
кўксумду нишона.
Меъмори қазо жиисм ўйин қилди бинойи,
ул ўқина тайёр.
Ўтлар чоқилиб гуркурагон раъд эмасдур,
чарх ичида ҳар дам.
Оҳим ўтини шиддатидин берди садоия,
ул гунбади даввор.
Эй боди сабо қўйғилу суръат била боргил,
жононима еткур.
Дилхасталиғим бирла саломню паёми,
бисёр, ки бисёр.
Гар деса киши кимсани девонаваш этти,
бу сўзники дерман.
Бир шўхи пари пайкар заррина қабойи
ҳам лаълию дурбор,
Ҳажринга ҳаётимни нисор этсам ажаб йўк,
Машрабки ўлуб маст.
Булбулға не тонг жонин агар қилса фидоси,
кўргач гулу гулзор.—

деб, шоҳ Машраб эшаклариға тескари миниб Балх шаҳрини хос у ом кўчаларида йиғлаб юрур эрдилар. Бо-ликлари бирла сеторларини қўллариға олиб бу мустазод-ни ўқудилар:

Эй маъваши гулчехра сумансоқи нигорям,
кўнгул санга шайдо,

Жавру ситаминг хўб эрур, хосаи айёр
ошиққа хувайдо.
Нукра бадану лола руху зулфи сумансо,
сарви сиҳи комат.
Султони салотини жаҳон бориға яксон
сан хўб дилоре,
Бу гардиши дун, буқалмун, нилуфари ранг,
гаддори ситамгар.
Юз тутти жафо қилса анга зору низори,
саргашта нигунсор.
Бир учқун агар тушса юрогимдин баногох,
олам, борин ўртар.
Лек ишқинг ўти бирла кўнгулни қарори йўқ,
жисмимга на парво.
Ҳажринг ўтида кул қилибон жону кўнгулни
девонаи Машраб.
Бир йўли хаёлинг-ла яна кўкка совурди,
Эй дилбари зебо.

Алқисса, шоҳ Машраб бу мустазодни ўқуб, Балх шаҳриға кириб борур эрдилар. Қарасалар бир ўзбак, бир йўлбарсни терисини бозорға сотмоқға олиб бородур. Шоҳ Машраб ўшал ўзбакнинг жиловидин тутуб олдилар. Айдиларки: «Эй ўзбак, бу йўлбарснинг терисини манга сотгил, ман олиб пўстин қилай. Ўзбакни қаҳри келиб айдики: «Эй девона, сан киму йўлбарсни терисини олмоқ ким», — деб отиға бир қамчи уруб юроберди. Ҳануз икки қадам қўймай оти бирла сарнигун кетти, ўрнидан дарҳол туруб, ўшал йўлбарс терисини шоҳ Машрабга ҳада қилди. Яна узр шоҳ Машрабни аёғлариға йиқилди. Андин кейин шоҳ Машраб алайҳирраҳма ушбу терининг ўртасидин икки пора қилиб, ярмини орқалариға тортиб, яна ярмини эшаклариға ёпиб, ушбу ҳолат бирла эшакка тескари миниб борур эрдилар. Бир неча муллолар рўбарў келдилар. Муллолар кўрдиларки, бир қаландари қавий ҳайкал, сурхина рўй, сочлари фатила-фатила гирди камарига тушган, эшакка тескари минган, барқ уруб келадур. Дарҳол ўшал муллолар аросидин бир мулло чиқиб келиб шоҳ Машрабга салом қилди. Айди: «Эй қаландар, отингиз нимадур?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Мани отим Худой». Муллолар бу сўзни эшитиб айдиларки: «Тутунглар, бу қаландар кофир бўлди. Даъвойи Худолик қилди. Муни ўлдурмак керак. «Шоҳ Машраб тезлик бирла ўзларини эшақдин ташлаб

кочтилар. Шоҳ Машраб шул қочқонларича тўғри Маҳмудхонни ўрдасига қочиб бордилар. Кўрдиларки, Маҳмудхон етти саккиз юз кишига ош бердируб, турубдур. Шоҳ Машраб ўшал жамъиятни аросидин ўтиб Маҳмудхонни тахти остига кириб, ёттилар. Маҳмудхон муни кўриб ҳайрон қолди. Маҳмудхон шоҳ Машрабдин сўз сўроғунча бўлмай, ўттуз қирқ муллолар шоҳ Машрабни арқаларидин келиб қолдилар. Маҳмудхон муллолардин сўрдикки, «Бу нима воқеа?» — деб. Муллолар айдиларки: »Бу қаландар эшакка тескари миниб келур экан. Бизлар бориб отини сўрасак, отим Худой деди. Муни ўлдурмак керак». Маҳмудхон айди: «Эй қаландар, булар нима дейдурлар». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, эшакка тескари минганим рост турур, аммо, отимни атом ва аном Худойберган қўйган эканлар. Булар отимни сўрадилар. «Ман «Худой» деб ҳануз «берган»ини айтмай туруб, булар ит бўлуб мани қувладилар. Ман мушук бўлуб мунда қочиб келдим». Мунга турган халойиқ бу сўзни эшитиб қаҳ-қаҳ урушиб, кулушуб юбордилар. Муллолар музтар бўлишиб қолдилар. Анда Маҳмудхон шоҳ Машрабни бу сўзларини эшитиб завқ қилиб айдики: «Эй муллолар, ман бу қаландарни гуноҳини сизлардин тиларман?» — деди. Муллолар ҳам қабул қилдилар. Шоҳ Машраб Маҳмудхонга қараб айдиларки: «Эй Маҳмудхон, мани кушандам сандурсан». Маҳмудхон ҳайрон қолди. Шоҳ Машраб қўлларига сеторларини олиб ўзларини маълум ва ошкор қилмоқ учун бу ғазални ўқудилар:

Санинг ишқинда эй дилбар, ажаб девоналар бўлдим,
Бу оламда халойиқга баса афсоналар бўлдум.

Асоси салтанат узра, паривашлар шаҳаншоҳи,
Тараҳхум айлагил манга эшикларда гадо бўлдум.

Сўроғлаб васли дийдоринг жамъи халқдин сўрдум,
Эмиш жуянда ёбанда, ки ман тобмай адо бўлдум.

Нигоро ханжаринг ҳар дам, мани садпоралар қилди.
Қизил гулдек юзунг кўрмай, шаҳиди Карбало бўлдум.

Алифдек коматин дилбар қилиб ҳам бодани сўнди,
Ушал майдин ичиб ҳар дам, ажаб мастоналар бўлдум.

Бу Машраб дардини ёраб, ки ҳечким бошига солма,
Дуо айланг аё дўстлар, ки мўҳтожи дуо бўлдум,—

деб, шоҳ Машраб ўзларини маълум қилмоқ учун бу газални ўқудилар:

Кел эй дилбар, юзунг очгил, тасаддуқдур бу жоң эмди,
Фироқингда адо бўлди, куюб бу устухон эмди,

Начук айлай биродарлар, бўлубман дард ила хайрон,
Ётибдур ҳалкума жоним, манга йўқ меҳрибон эмди,

Жаҳонда ҳеч киши борму, жудолиғда адо бўлган,
Давосиз дардга учрабман, уларман бегумон эмди.

Начук тоқат қилай дилбар, ки сансиз ман бу дунёда,
Чиқар кўксумдин охим, ҳам туролмас осмон эмди.

Кетибон меҳрибон дилбар, юрак-бағрим кабоб этти,
Етолмасмаи нигоримга, қилай жоним нишон эмди.

Кел, эй Машраб, жудолик дардидин кўб шиквалар қилдинг.
Қолибдур бизга бу суннат, кетар яхши ямон эмди,—

деб, шоҳ Машраб алайҳирраҳма яна бу мусаддасни ўқудилар:

Тилимдадур ҳамавақт «Ло илоҳа иллаллоҳ»,
Забони қоли дилим ҳамд бирладур гўё.
Шикасталарга назар қил ба ҳаққи бисмилло
Илоҳи ҳурмати оёти сураи «тоҳо»
Қўлумни сен туто кўргил, ки ё расулудлоҳ,
«Мубашширан ва назиран литўмину биллоҳ».

Сифотинг эшитиб Одам чикибду жаннатдин,
Хабар берибду ҳадисинг улуғ қиёматдин,
Ғаразки баҳравар этгил, улуғ шафоатдин,
Ҳамага ёғдира кўргил, ки абри раҳматдин,
Қўлумни сан туто кўргил, ки ё расулудлоҳ,
«Мубашширан ва назиран литўмину биллоҳ».

Каломи Ҳақ сани зотинга келди «арраҳмон»
Ўқур малоика Арш узра «алламал қуръон».
Шафоатинга яқин баъда, келтуруб иймон.
Юзунгни кўра қилур сажда кавсари ризвон,

Қўлумни сан тудо кўргил, ки ё расулуллох,
«Мубашширан ва назиран литўъмину биллох».

Умид айлади ул кимса, ар эрур фожир,
Тилига тавба олиб, дилни айласа тохир,
Шафоатинг сани дилхасталаргадур зохир,
Кимки дининга мункар эрур бўлур кофир.
Қўлумни сан тудо кўргилки ё расулуллох,
«Мубашширан ва назиран литўъмину биллох».

Фироқинг ўртади Нўҳ соҳиб азо бўлди,
Мусо тажаллини истабки ошно бўлди,
Халилни дардига номинг сани даво бўлди,
Йўлингда Айюб ўшал соҳибдуо бўлди,
Қўлимни сан тудо кўргил, ки ё расулуллох,
«Мубашширан ва назиран литўъмину биллох».

Етушти сийнайи Сиддиқи покдин гавҳар,
Тамоми бутни ушотти сани кўруб Умар.
Етушди хизматингга Усмон била Ҳайдар,
Шикаста Машраби Маҳдини қилмагил музтар,
Қўлумни сан тудо кўргил, ки ё расулуллох,
«Мубашширан ва назиран литўъмину биллох».

Алқисса, шоҳ Машраб бу байтларни ўқугондин кейин Маҳмудхон шоҳ Машрабни аёғларига йиқилди ва айдики ман эшитиб эрдимки: «Машраб деган бир авлиё чиқгон эмишлар. Маккага ўтубдурлар,— деб.— Мани ниятим шул эрдик, ул қаландарни кўрсам, таҳоратлариға сув берсам,— деб манда на ҳадки сизни бир тора мўйингизни ҳам қилсам». Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ғалат айтурсан, мани сарнавиштимда ажалим санинг кўлингда битилган. Мани шаҳид қилурсан. Манинг васиятим санга шулки, мани жасадимни бир баландроқ ерга чиқориб қўйғил, токи ҳар ким кўрса йироқдан дуойи хайр қилиб ўтгай». Маҳмудхон таажжуб қилиб яна айдики: «Эй тақсир, ҳаддим бўлурму, сизнинг бир тора мўйингизни ҳам қилсам»,— деб олдидағи ошни шоҳ Машрабни олдилариға қўйди. Шоҳ Машраб ўзлари емай итларни олдиға қўйдилар. Итлари ҳам емай бир жойға бориб ётти. Андин сун Маҳмудхон айдики: «Тақсир, манинг ошимни начук емайсиз?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Санинг ошингни итим емайдур, ман начук ейдурман». Маҳмудхон айдики: «Тақ-

сир итингиз емаса ман ейдурман», — деб ошни олдурди. Иккинчи кун яна Маҳмудхон шоҳ Машрабни чақиртириб олди. Шоҳ Машраб айдиларки: «Эй Маҳмудхон, бу тахти мижозингни манга бергил. Яхши бўлур экан. Устиға чиқиб ўлтуройин». Маҳмудхон, бажону дил мана, деб тахтдин тушти. Меҳмонхонадан бўшотти. Шоҳ Машраб меҳмонхонаға кириб, тахтни устиға чиқиб, таҳ-батаҳ латта тўшакларга бавл қилиб қўйдилар. Шоҳ Машраб айдилар: «Эй Маҳмудхон, ол тахтингни!» Вазир келиб қарасаки, тахт нажосатға тўлубдур. Вазир яқосини ертиб, подшоҳға айдики: «Эй подшоҳ, қайси ердин келган банги қаландарға ихлос қилибдурсиз? Фарғонаи заминдин бир қаландар келиб подшоҳ Маҳмудхоннинг тахтини нажосатға булғабдур, — деб, абадул-абад бадномликка қолурсиз. Агар инонмасангиз ўзингиз бориб кўринг!» — деди. Подшоҳ Маҳмудхон навкарлари бирла отланиб келди. Қараса тахтни усти нажосатға ботибдур. Маҳмудхон айди: «Эй Машраб, бу нима қилганингиз?» Шоҳ Машраб айдиларки: «Хўб қилдим. Ман сани тахтингга ўлтурсам нима бўлубдур. Сан юртга ўлтурдинг». Подшоҳ Маҳмудхон бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлуб дедики: «Эй жаллодлар, бери келинглар!» Дарҳол жаллодлар келиб дедилар: «Тақсири подшоҳим нимаға амр қилурсиз? Кимни умрини паймонаси тўлубдур». Подшоҳ айди: «Машрабни олиб бориб дорға осингизлар!» Филҳол, жаллодлар шоҳ Машрабни тутуб, қўлларини маҳкам боғладилар. Анда шоҳ Машраб айдиларки: «Эй подшоҳ, сан ҳам уч кундин сўнг оламдин ўторсан». Анда жаллодлар шоҳ Машрабни дорға олуб борурда тамоми халойиқ орқаларидин навҳаву зори қилиб борур эдилар. Шоҳ Машраб жонлариға айдиларки: «Эй жон, киши маъшуқини кўргани борурда ҳам кўрқорму?» — деб жонлариға қувват бериб, йўл борурда бу ғазални ўқудилар:

Ичиб жоми муҳаббатдин ҳадиси шаккаридинман
Ўзини қудратин очкон, Худонинг дафтаридинман,

Таноби ҳалқани солғил, мани бўйнимға эй жаллод,
Киши билмас манинг қадрим, бу конни гавҳаридинман.

Дури файз айладим мақсуд, будимни айладим нобуд,
Кушандам бўлди ул Маҳмуд, ки жаннат кавсаридинман.

Тамом аъзоларим мотамда дардимни балаңидин,
Куярсан Жабраил боргил, ки ишқ пайғамбаридинман.

Муҳаббат йўлига қўйдум қадам, куйди кафи пойим,
Манинг айбимни қилманглар, ман ул куйгонларидинман.
Тажарруд пеша Исоман, тажалли ёри Мусоман.
Алини қўлига берган Муҳаммад ханжаридирман.
Манинг кўнглумдадур туфон, ки Нўҳ андин этар армон,
Ки дўзах учқуниким, учқунини аҳгаридинман.
Бу Машраб сўзини ҳар дам қилиб тафсири иллаллоҳ
Миёни лову илло ҳарфини аслиларидинман,—

деб, шоҳ Машраб яна бу ғазални ўқудилар:

Кел, эй кўнгил, букун мардона бўлғил роҳи мақсуддур,
Билолмасман на савдолар мани бошимда мавжуддур.

Кишини кўзда ёши йўқ, ани умрини хуш билманг
Аниким ўткан умри Ҳакни даргоҳида мардуддур,

Азалдин кайфият топган кишилардин сўранг дардни,
Шаробан таҳур нўш айлаган албатта хушнуддур.

Киши тақдирға тан бермас, ани иймони йўқ, бешак,
Ани қавлиға инкор айлаган қавми мардуддур.

Келибдур остонанга, ки навмид этма Машрабни,
Пушаймондан на суд эмди, кушандам Балхда Маҳмуддур.

* * *

Бир шўру фиғон бирла ҳай-ҳай на бало келди,
Жон кичкиродур кўй деб, ханжарни чопо келди,

Қўлида қилчи фўлод, қошимға келиб жаллод,
Қилди мани бебунёд тиғи гузаро келди.

Кетсам бу алам бирла, юз қоҳиши ғам бирла,
Савдойи санам бирла хуш дарду жафо келди.

Рози бўлайин ўлсам, жон бергуча бир кўрсам,
Мундоғ на бало қаттиғ, шиддатли бало келди.

Заҳматга қазо ёндош, бўлди ҳамаси йўлдош,
Ул жавру жафо бирла тиклаб югуро келди.

Дер ёрки Машраб сан кўрқуб мега йиғларсан,
Ошиқ кишига лозим бу аини ризо келди,—

деб, шоҳ Машраб дорни остига еткунча бу ғазални ўқуб
борур эрдилар. Яна дор остида дордан ўргулуб, бу ғазални
ўқудилар:

Ҳар кишини дарди бўлса йиғласун ёр олдида,
Қолмасун армон юракда қилсун изҳор олдида.

Андалиби бенаводек нолаву афғон била,
Донмо йиғлаб турарман аини гулзор олдида.

Мансури Ҳаллождек ичиб шаробан тахур,
Чарх уруб йиғлаб турарман ушбу дам дор олдида.

Ҳар киши бир журъаи нуш айласа бу бодадин
Ул қиёматда қилур арзини Жаббор олдида.

Телба Машраб қилмағил сиррингни зоҳидга аён,
Айтиб-айтиб йиғлагайсан ошиқи зор олдида.

Шоҳ Машраб айдиларки: «Андак таваққуф қилинлар,
ман ушбу жойда икки ракаат намоз ўқуй»— дедилар.
Филҳол таҳорат қилиб, икки ракаат намози шукри вузу
ўқудилар. Андин сўнг шоҳ Машраб ҳазин овоз бирла бу
ғазални ўқудилар:

Маҳкам чу белинг боғла Машраби девона,
Келди бу ажал сенга тўлғон эди паймона.

Кўрдунгму ўшал эрлар ишқ йўлида жон берган,
Юз турли балоларга ялғуз эди бу жона.

Ул ошиқ эмас дўстлар, билса бу ажал келса,
Йўқтур хабари асло ошиқ ила мастона.

Эй Машраби девона, мардонч қадам қўйғил,
Дор остига борғонда, бўлма яна хайрона,—

деб, андин сўнг шоҳ Машраб жаллодларга айдиларки: «Эй жаллодлар, манга тиғ солурсизлар, ўшал тиғ солғонда бир солинлар, икки бор солманлар». Ҳазрати соҳибқирон подшоҳим айтур эрдилар: «Эй Машраб, сан шаҳид бўлурсан»,— деб марҳамат қилур эрдилар. Ман айтур эрдимки: «Эй тақсири подшоҳим, ман шаҳид бўлодургон бўлсам, сизнинг тиғи муҳаббатингиздин умидвордурман,— деб эрдим. Шул вақтда қаламтарошларин бериб эрдилар. Ўшал қаламтарошни жандамни аросиға қўйуб кийиб эрдим»,— деб жандаларини сўқуб, шул тиғни кўзлариға суртиб, йиғлаб айттиларки: «Ҳай дариғ, ўшандоғ соҳибқирон подшоҳим айтиб эрдиларки:— Мани кушандам Қаротоғда, сани кушанданг Балх шаҳрида Маҳмудхон,— деб эрдилар». Анда шоҳ Машраб ҳазрати соҳибқирон подшоҳимнинг шаънлариға бу ғазални ўқудилар:

Водариғо, дард бирлан ман адо бўлдум нетай,
Дурру гавҳарни етурдим, тобмайин ўлдум нетай.

На ғаниматдур муридлар йиғлабон дод айласанг,
Арш уза қилган макон пирдан жудо бўлдум нетай.

Йиғлаюрман ман ғариб, тонгла қиёмат бўлғуча.
Ул муруватлик хожамдин айрилиб қолдим нетай.

Кўх бақўх, дашту биёбонларни кездим тобмадим,
Ул хожамни кўргани, ман интизор ўлдум нетай.

Мотами соҳибқиронимнинг фироқи ўртади,
Ранги зарду, кўзда ёшимни гувоҳ қилдим нетай.

Хатми Қуръон фотиҳа бирла дуо айлаб мудом,
Ҳазрати «Ёсин», «Таборақ»ни гувоҳ қилдим нетай.

Ул Муҳаммад бобонгиз уммат ғамида йиғлади.
Эй муридлар йиғламоғлик сизга фарз ўлди нетай.

Машрабо маҳшар куни йиғлаб яқонгни пора қил,
Ибни Ҳошим ул Қурайшидин жудо бўлдим нетай,—

деб шоҳ Машрабни ўзлари бир жуфтак уруб дорга осилдилар. Тиғларини жаллодларга бердилар, ўзлари бу ғазални ўқуб адо қилдилар:

Кел эй жисмим, шаҳодат тигига эмди яро бўлгил,
Хусайн ибн Алидек сан шаҳиди Карбало бўлгил.

Кириб бу жисми зоримга, фароғат кўрмаган жоним.
Худодин бу ажал келди, санам эмди ризо бўлгил.

Ки бу дунёи фонининг жафосидин халос этгил,
Худони васлини излаб, ҳамадин мосуво бўлгил.

Худо йўлида эй жаллод, манга ханжарни тезроқ кўй,
Ҳақингга бир дуо айлай, санам марди Худо бўлгил.

Ажойиб хуш муборак бу ўлим ким, бошига тушти,
Худо йўлида бир жон, минг агар жондур, фидо бўлгил.

Кел эй қобиз, манга ўлмакни таъхир айлама ҳаргиз,
Фидо эттим бу жонимни, ки маъмури қазо бўлгил.

Бу Машраб дори дунёдин шаҳодат олия излаб,
Қиёмат тонги отгонда Худога додхоҳ бўлгил.

Алқисса, шоҳ Машраб бу ғазални ўқуб бўлгонларидин сўнг: «Жаллодлар, келинлар, мани чопинлар»,— деб амр қилдилар. Жаллодлар келиб шоҳ Машрабни ҳалқаларига тиғ бирла урдилар. Шоҳ Машраб жон баҳақ таслим қилдилар. «Қолу инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожибу». «Қолу инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожибу».

Андин сўнг тамоми Балх шаҳрининг улуғ кичиклари шоҳ Машрабга мотам тутуб, йиғи ва зориға кирдилар. Шоҳ Машраб ўн тўрт кечалик ойдек бўлуб ётдилар. Маҳмудхон бир оз фурсатдин сўнг ўзиға келиб айдик: «Эй вазирлар, шоҳ Машраб қанилар?» Вазирлар айдилар: «Эй подшоҳи олампадох, ҳоло ўзингиз ўлдурмаққа ҳужм қилдингиз. Жаллодлар олиб кетдилар». Подшоҳ Маҳмудхон қўлини тиззаға уруб дедик: «Ҳай дариг, эй ноинсофлар, сизлар манга дилхоҳ бўлгонларинг қайсидурки анчайин бир ўғрини тилар эрдингизлар. Шундоғ авлиёни тиламадингизлар. Ман мутоиба қилиб, кўзимни қисиб, айтмадимму?»— деб дарғазаб бўлуб, от тортиб келиб хабар олсаки, шоҳ Машраб оламдин ўтубдурлар. Шоҳ Маҳмудхон айдик: «Эй ноинсофлар, ман сизларга шоҳ Машрабни ўлдурунлар деганимда кўзумни қисиб, ҳазилу мутоиба қилиб айтмадимму?» Жаллодлар айдилар: «Бизлар билмадук. Гарданларига таноб ҳам солмадук. Ўзлари бур жуфтук уруб,

сакраб дорға осилдилар ва ҳам ўзларини бир тиглари бор экан, ани бердиларки, шул тиг бирлан урғил деб. Бизлар ўшал тиг бирла бир солдук. Икки солғонимиз йўқ.» Андин сўнг подшоҳ Маҳмудхон пушаймон ва надоматлар қилиб зор-зор йиглади. Баъда шоҳ Машрабни жасадларини лаҳадга дафн қилдилар. Шоҳ Машрабни оламдин ўтконлариға уч кун ўтуб, тўртинчи кунда подшоҳ Маҳмудхон уйда ётиб эрди. Уйни атрофидин овоз келдики: «Алқасосу ҳақ. Эй Маҳмуд қоч!»— деб қочкунча бўлмади, уйи босиб қолди. Маҳмудхон ҳам оламдин ўтти. Шоҳ Машрабни вафотлариға етти кун бўлуб эрдик, тўққуз қаландар Балхга талқин айтиб келдилар. Маҳмудхонни вазирлари бу қаландарларни келганларини эшитиб, олдилариға чиқиштилар. Бу сўзни сўрадилар: «Эй қаландарлар, қайдин келурсизлар?» Алар айдиларки: «Келишимизни ўртаси Макка, ҳоло шахри Хиротдин келдук». Вазир айдик: «Эй қаландарлар бизга Худойи таъоло бир валини қаромат қилиб эрди. Отлари Машраб экан. Бизлар қадрларини билмадук. Подшоҳимиз шаҳид қилди. Маҳмудхонни ўзи ҳам ўлди»,— дедилар. Анда қаландарлар айдилар: «Бизлар Машрабни яхши тонурмиз. Уч кундурки, бизлар ани кўзумуз бирла кўруб келдук. Хирот даштида кафанлари бўйинларида итларини кейинлариға солиб, Маккаи Мукаррамага кетиб бородурлар.» Вазирлар бу сўзларни эшитиб, отланишиб шоҳ Машрабни лаҳадлариға келиб кўрдиларки, гўрларини қибла тарафдин бир эшик очилибдур. Анда на кафан кўрунудур ва на жасад. Ҳеч бир нимарса йўқ. Вазир кўз ёши қилиб, лаҳадни кўмуб, дуо ва такбир қилиб ёнди. Вазир тонгла кечаси туш кўрди. Вазирға шоҳ Машраб айдилар: «Эй вазир, ман равзаи пайғамбар алайҳиссаломнинг зиёрат қилиб келдим. Ишконмиш деган ерни таъйин қилдиларки, мани қабримни ўшал Ишконмишга кўтаргил»,— деб вазир эрта билан бориб гўрларин очиб кўрдик, шоҳ Машрабнинг жасадлари ётибдур. Андин сўнг вазир ул лаҳаддин олиб, Ишконмишга дафн қилди. Шоҳ Машрабни қабрлари Ишконмишдадур.

Валлоху аълам биссабов.

ИЗОҲЛАР

Рабби арини... лан тарони... — Бу ибора «Аъроф» сурасининг 143-оятдан. Ушбу оятнинг таржимаси куйидагича:

«Қачонки Мусо₂ (ваъдалашган) вақтимизда (Тур тоғига) келиб, Парвардигори унга (бевосита) сўзлагач, у: «Парвардигорим, менга (жамолнинг) кўрсатгин, сенга бир қарай» — деди. (Аллоҳ) айтди: «Менику ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа бок. Бас, агар у (менинг назарим тушганида) ўрнашган жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан».

Қачонки, Парвардигори у тоққа кўринган (назар ташлаган) эди, у парчаланиб кетди ва (бу ҳолни кўрган) Мусо хушсиз ҳолда йиқилди. Унга келганидан кейин эса деди: «Поко Парвардигоро, ўзингга тавба қилдим. Энди мен иймон келтурувчиларнинг аввали, пешқадамиман».

Шаробан тахур — Муъминларга жаннатда улашйладиган шароб. Бу ҳақда «Нодирул меърож»да шундай дейилади: «Вақтеки, мўминлар беҳишта кирсалар, ул тўрт анҳордин тўрт коса ичсалар роҳат топарлар ва Раҳиқдин ичсалар саломатда бўлурлар. Кофур ва Салсабилдин ичсалар Аллоҳи таъоло тарафига мутаважжих бўлғайлар. Занжабил ва Таснимдин ичсалар Аллоҳи таъоло дийдорига мунтоқ бўлғайлар. Вақтеки, Каасардин ичсалар ҳиммат ва сафолари Аллоҳи таъоло мулоқотига булур. Вақтеки, шароби Тахурдин ичсалар Аллоҳи таъолони бечун ва бечугуна дийдорига мушарраф бўлғайлар. («Нодирул меърож» Тонкент, 1329 ҳ. 367-бет).

Ли мааллоҳ... — Ли мааллоҳи вақтун ла ясаъани фиҳи малакун муқаррабун вало набийюн мурсалун. Ушбу ҳадиси шарифнинг маъмуни шундай: «Менда шундай вақт, лаҳзалар бўладики, уша лаҳзаларда (Аллоҳга ҳаттиқ боғланганим туфайли) яқин фаришта ҳам, мурсал пайғамбар ҳам орага синамайди.» «Нодирул меърож»да бу ҳадиси шариф куйидагича шарҳланган: «Ва ҳамиша он ҳазрат саллаллоҳи алайҳи васалламга орзу эрдиким, бир жос бўлсаким, ончи мазкур вақтни ҳосил ва натижаси эрди муфт вақтлари бўлғай».

«Малаки муқарраб Жабраил алайҳиссаломдин иборат эрди ва набийи мурсал Иброҳим Халил алайҳиссаломга ишорат йўх, балки, набийи мурсал қолаби муборакларидан иборат бўлуб ва малаки муқарраб руҳи пур футуҳларидан киноят бўлғай. Алар ўртага гунжойиш этмаса ва икки олам нукуди Худойи таъолони виждонин тарозусида тортмоқга арзимас нимарса эрди, ложарам, бу манзили бесабот ва бу мажлиси тўрт тароф ва олти жиҳотдин чиқариб ул нимарсанким, зотан мақсудлари эрди анига восил қилдилар».

Қуруъуллоҳи ақад — Айтгин, Эй, Мухаммад! Аллоҳ бирдир, яъни ягонадир. (Қуруън. Ихлос сураси, 1-оят.)

Кунту канзан — Қолан-набию алайҳиссалому хабаран аниллоҳи таъоло: «кунту канзан маҳфиян фаарадту ан уърафа фахалактул халқа».

Яъни пайгамбар салаллоҳи алайҳи васаллам айдилар; — ҳазрати Ҳақ субҳонаху ва таъоло айди. — ман бир гўшайи қаноатда ёшурулғуҳ ганж эрдим, мани Тангрилигимни ҳеч ким билмас эрди, ўз қудратимни бидурмокни дўст тутабу, қамуғ оламни халқ қилдим, мани бирлигимга иқрор қилсунлар деб. (Қиссаи Рабғузий. Тошкент, 1898 й, 2-бет.)

Инни заламту нафси фағфир ланал хатоё — Мен агар ўз нафсимга зулм қилсам, яъни гуноҳ ишга қўл урсам бизнинг хатоларимизни ўшанда ўзинг кечиргин.

Инна алайка настьо ё дафиал балоё — Эй, балоларни дафъ қилувчи, албатта биз сен томонга талпинамиз.

Ё раббано тақаббал минни баҳаққи «тоҳо» — Эй, бизнинг парвардигоримиз, «тоҳо» сураси ҳурмати туфайли менинг дуоларимни қабул қилгин.

Суббуҳун қуддусун рабул малоиқати варруҳ — Поклик билан ёд қиламанки, руҳ ва фаришталарнинг парвардигори покдир.

«Ваҳдаҳу» ҳам «ло шарик» ўқуб баён келтурмишам... — Ваҳдаҳу ло шарик... — ло илоҳо иллаллоҳу ваҳдаҳу ло шарика лаҳ — Бир худодан бошқа худо йўқ. У (худо) танҳодир, унга ҳеч қандай шерик йўқ.

Ихди-нас-сиротал мустақим — Бизни тўғри йўлга бошла, ҳидоят қил. (Қуръон. Фотиҳа сураси. 5-оят.)

Ло тақрабус-салота ва антум сукаро — Сизлар маст ҳолатда бўлганингизда намозга яқинлашманглар. (Яъни маст бўлиб намоз ўқиманглар.) Бу оят ҳақ шаробнинг тўла-тўқис ҳаром деб эълон қилинмасидан олдин нозил бўлган.

Заламно раббано... — Қоло раббано заламно анфусано ва ин лам тағфир лано ва тарҳамно ланакунанна минал хосирин — Айтдилар иқовлари: (Одам алайҳиссалом ва Мома Ҳаво) — Парвардигоро, жонимизга жабр қилдик. Ва агар бизларга мағрифат ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, биз зиён кўргувчилардан бўлиб қоламиз. (Қуръон. Аъроф сураси, 23-оят.)

Фазкуруни азқуркум... — Фазкуруни азқуркум вашқуру ли вало тақфурун-Бас, мени эслангиз, мен ҳам сизларни эслайма, ва менга шукр қилингиз ва мени инкор қилмангиз! (Қуръон. Бақара сураси 152-оят.)

Қолу бало... Аласту бираббикум... — Ва из ахаза раббука мин бани одама мин зуҳуриҳим зуррийяхаҳум ва ашҳадаҳум ало анфусихим аласту бираббикум. Қолу бало. Шаҳидно. Ан тақулу явмал қиёмати инно кунно ан ҳозо гофилн — Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни пушти камарларидан то қиёмат кунигача дунёга қоладиган барча) зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?» — деб. ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шохид», — деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик аҳд-паймонни олишимиз) қиёмат кунда «Бизлар бундан беҳабар эдик», — демасликларингиз учундир. (Қуръон. Аъроф сураси, 172-оят.)

Субҳональвази асро... — Субҳоналлази асро биабдиҳи лайлан минал масжидил ҳароми инна масжидил ақсаллази борално қалаҳу лиғуриғжу мин оётино. Иминаху хувае самийул-басир — Бир кеча, бандаси (Муҳаммад) — ни — унга ўз оят мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маққадаги) Масжид ал-Ҳаромдан (Кулудсадаги) Биз — (Аллоҳ) атрофини баракотли қилдиб қўйган масжид Ал-Ақсога сайр қилдирган пок зотдир. Дарҳақиқат, у эшитувчи, кўргувчи зотдир. (Қуръон. Ал-исроъ сураси, 1-оят.)

Мазкур оят Муҳаммад алайҳиссаломнинг метр-рожалари билан боғлиқ воқеаларга ишора қилади.

Ва бил волидайни эҳсоно... — Ва қазо раббука алло таъбуду вало ийёҳу ва

бил волидайни эҳсоно. Иммо яблуганна индақал кибара аҳадухумо ва килохумо фало такул лахумо уффин вало таважжухумо ва кул лахумо кавлан каримо — Парвардигорингиз, Ёлғиз унинг ўзига ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага, яхшилик қилишингизни агар эйти. Агар уларнинг (ота-онангизнинг) бирови ёки ҳар иккиси сенинг қўл остингда кесалик ёшига етсалар, уларга қараб «уф» тортма ва уларнинг (сўзларини) қайтарма. Уларга (донмо) яхши сўз айт. (Куён. Ал-исроъ сураси, 23-оят.) Иктадайтум эхтадайтум... — Асхоби кавнуҷуми иктадайтум эхтадайтум — Асхобларим гўё юлдуз кабирлар. Агар уларга иктидо (эргашмоқ, партавлиқ қилмоқ) қилсанглар ҳидоят (тўғри йўл, нажот) топарсизлар. (Ҳадиси шариф.)

Иннани анлавоҳ... — Иннани аналлаҳу ло илоҳа илло ана фаъбудни ва ақимис-салоти лизикри — Албатта мен Худоман, мендан бошқа бирор Худо йўқ. Менга ибодат қил ва мени эслаш учун намоз ўқишга манғул бўл. (Куён. Тоҳо сураси, 14-оят.)

Ёсин — Куёндаги 36-сура.

Таборақ — (Ал-мулк) — Куёндаги 67-сура.

Борақаллоҳул азим — Сенга улуг оллоҳнинг баракаси бўлсин.

Наҳну қасамно... — Аҳум яқсимуна раҳмата раббик. Наҳну қасамно байнаҳум манийтаҳум фил даътид дунё ва рафаъно баъзаҳум фавак баъзин даражотин лияттаҳиза баъзуҳум баъзан суҳрийё. Ва раҳмату раббика хайрун миммо яжмаун — Биз дунёда умр ўтказишлари учун улар ўртасида маншат (ризқ-рўз, насиба)ларини тақсимлаганимиз. Баъзиларнинг даражаларини, мартабаларини баъзиларидан устун қилдик. Токи баъзилари устидан тамасқур, ҳукмронлик қилишлари, бир-бирларидан фойда олишлари учун.

Ва Парвардигорингнинг раҳмати улар (кофирларнинг) жамъ қилган нарсаларидан (бойлик, майда-чуйда шёлларидан) яхшироқдир. (Куён. Зухруф сураси, 32-оят.)

Байтул ҳаром, Байтул ҳарам — Макка шаҳридаги Каъба деб аталган машҳур зиёратгоҳи шу номлар билан янгиради.

Гулзори Жаҳан — Диний асарда таъкидланганича, Иброҳим пайғамбарнинг кофир душмани — Намруд катта ўт ёқтириб шу ўтга уни ташлатган, ўт эса уни қуйдириш ўрнига Оллоҳни ҳаққорон билан тулзорга айланган.

Пайғамбарлар — Бу ҳақда «Ибодатул исломийя» китобида ўқиймиз: Савол: Куёнда неча адал пайғамбарларнинг исмлари бордур? Жавоб: Куёнда йигирма беш пайғамбарнинг исмлари бордур. Улар: Ғадам, Идрис, Нух, Худ, Солиҳ, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Аълоб, Шувейб, Мусо, Ҳарун, Исроил, Сулаймон, Юсуф, Ғаиб, Аъсаф, Зулкифл, Закарийё, Яъё, Йисо, Муҳаммад алайҳиссалоту вассалом ҳазратларидурлар. Узайр ва Луқмон ва Эшқарнайн ҳазратларини номлари ҳам Куёнда бордур, лекин алар ~~қайси~~ пайғамбар бўлганлари жазман маълум эмас. Аларнинг баъзи уламолар пайғамбарлардан ҳисоб қилмишлар ва баъзи уламолар тақволик авлиё оллолардан ҳисоб қилмишлар.

Куёнда ~~беш~~ ~~китобнома~~ ва лекин номлари маълум бўлгон пайғамбарлар ҳам бор. Улар: Шис, Юшъ, Хизр, Башир, Дониёл, Ишмуил, Ашқаб, Арсаб, Хуқиб, Жиржа, ~~қайси~~ ~~қайси~~ пайғамбарларнинг номлари ҳадиеларда ва таворих китобларда баён қилинмишдур. Пайғамбарларнинг аввало Одам алайҳиссалом бўлса, охири Муҳаммад алайҳиссаломдурлар. «Қисасул анбىя» да пайғамбарларнинг аҳволи муфассал баён этилгандир.

(«Ибодати исломийя» Урта Оснё ва Қозоғистон диний бошқармаси нашриёти. Тошкент, 1991, 16 — 17-бетлар)

Чор ёр, чаҳор ёр — Тўрт ёр. Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин хилофат тахтига ўтирган у кишига энг яқин бўлган тўрт киши — Абу-Бакри Сиддик, Умари Форук, Усмони Зиннурайн, Алийи Муртазо ризвоналлоҳи таоло алайҳим ажмаин.

Мубашширан ва назиран литуъмину биллоҳ...— Инно арсалнока шохидан ва мубашширан ва назиран литуъмину ва расулиҳи ва туаззируҳу ва туваққируҳу ва тусабихуҳу букратан ва асило — Албатта биз сени гувоҳ ва башират берувчи ва кўрқитувчи қилиб юбордик. Токи Аллоҳ ва унинг расулига иймон келтирсанглар ва унинг (диниға) қувват берсанглар ва унга эътиқод қўйиб буйруғини пок тутсанглар ва эртаю кеч уни поклик билан ёд этсанглар. (Қуръон. Фатҳ сураси, 9- оят).

Маҳшар — Тўпланадиган жой, қайта тириладиган жой (киёматда).

Маҳшар ерида ҳар қайси бандани ўз қўлларига номайи аъмолини берурлар. Савоб қилган бандаларига ўнг тарафдин ва баъзиларига орқа тарафларидан берилиб тарозу мезониға ўлчаниб бандаларнинг қилган яхшию-ямон ишлари ўзларига маълум бўлур (Қаранг: «Умдатул ислом» 1 китоб, Тошкент 1991, 10- бет). Фаришталар — Фаришталар Оллоҳу таъолонинг хурматлик ва баландмақом бандасидурлар. Оллоҳу таъоло нимани буюрса шунини қилурлар, доимо итоат ва ибодатда бўлиб ҳеч гуноҳ қилмаслар. Фаришталарда эр, хотун, туғмоқ, туғдурмоқ, емақ ва ичмоқ, ўлмақ ва ухламақ бўлмас. Буларнинг ичларида муқарраблари (энг улуғ ва Оллоға яқинлари) Жаброил, Микоил, Исрофил ва Азроил алайҳимус-саломдурлар. (Мазкур китоб, 8- бет).

Мулло Бозор охунд — Бухорли Баҳодир эшоннинг муриди бўлгон Охунд мулло Бозор Намангани бўлиб, Фарғонада машҳур ва маълум бир мулла бўлгон, қабри бу кун Наманган шаҳридадир. Мажзубнинг «Тазкиратул авлиё»сида ҳам мулло Бозор охунд ҳақида маълумот бор. (Ушбу маълумот профессор Фитратнинг «Машраб» ҳақидаги мақола-сидан олинди).

«Офоқ Хўжа — Машҳур Маҳдум Аъзам Даҳбедийнинг авлодидан бўлиб, Қитой Туркистонда жуда катта нуфуз қозонгон. Вафоти 1695 да.» (Қаранг: мазкур мақола).

ЛУҒАТ

Абас — бехуда, бекорга, бефойда
Абру — қош
Адам — йўқлик, фанолик
Аёғ — коса, қадаҳ
Ажр — мукофот
Азозил — шайтоннинг асл оти
Алфоз — сўзлар, лафзлар
Андалиб — булбул
Аръар — арча, тоғ сарви
Аржуманд — азиз, шарафли, қадрли
Ариғ — покиза, соф, тиник
Ариш — осмоннинг энг юқориси
Афганда — жароҳатланган мажруҳ
Афгор — мажруҳ, яраланган
Афғол — феъл, қилиқлар, ҳаракатлар
Ахтар — юлдуз
Аҳмар — қизил
Бадр — ўн тўрт кечалик тўлишган ой, тўлин ой
Бадсиришг — ёмон табиатли, ёмон феълли
Бараҳман — Ҳиндуларнинг оташпарастлар ибодатхонасининг рухонийси
Барқ — ўт, олов, чакмоқ, яшин
Бахшиш — авф этиш, бағишлаш
Баянбор — бирданга, бир марта бада, дафъатган
Бедил — юраксиз, маҳлиё, ошиқ
Бекон — умидсиз, маҳрум, мақсадига эришолмаган
Бисмил — сўйилган
Биҳамдиллех — Худога шуқур, худога ҳамд бўлиши...

Бол — қанот
Бор — юк, мева, ҳосил, марта, ижозат
Босафо — сафоли, ёқимли, тоза
Ботин — ички томон, кўнгил, ич (зоҳирнинг зидди)
Буд — борлик, мавжудлик
Бурҷаъ — чачвон
Буқаламун — ўзгарувчан
Бўрё — Бўйра
Валлоҳу биллоҳ — Худога қасамки, худо ҳаққи
Ваҳдат — бирлик, якка-ягоналик, танҳолик
Во — очик
Во жзун — тескари
Воли — берилган, мафтун
Воҳид — Битта, якка-ягона, худо
Гардун — фалак, осмон
Гардон — айланувчи
Гирон — киймат, оғир, оғир юк
Гил — лой
Гиря — йиғи, кўз ёши
Гесу — кокил, ўрилган соч
Гити — олам, дунё
Гузур — ўтмоқ
Гум — йўқолган, изи ўчган
Гуянда — сўзловчи, айтувчи
Гуриҳ — ғам-гусса, тугун
Гуша — бурчак
Дигар — ўзга, бошқа
Дийда — кўз
Дилафруз — кўнгилни шод этувчи
Дилситон — кўнгил олувчи, севгили

Диловар — юракли, пахлавон
Довар — ҳукмдор подшоҳ
Дом — тузоқ
Долбой — овчи ов қушини қўлга келтириш учун унга кўрсатиб чакирадиган гўшт
Дуруд — яхшилик тилаб дуо қилиш, пайғамбарга мактов юбориш
Дуго — букулган, эгик
Жафожў — жафо қилувчи, жафокор
Жунун — жиннилик, девоналик
Жустужў — қидириш, излаш
Жуянда — изловчи, ахтарувчи
Залил — хор, паст
Занах — бағбақа, сақоқ
Захм — яра
Зишт — хунук, ёмон
Зуд — тез
Зулжалол — Азамат ва энг буюк, Аллоҳнинг сифати
Ийд — байрам
Истиғфор — тавба қилмоқ, гуноҳини Аллоҳдан тиламоқ
Ихфо — яширин, махфий қилиш
Кавкаб — юлдуз
Кавсар — жаннат булоғи
Кавнайн — икки дунё
Каманд — сиртмоқ
Канъон — Ливан мамлакатининг мелоддан аввалги номи
Кибриё — улуглик
Киром — саховатли, азиз
Кишвар — вилоят, мамлакат
Ком — тилак, орзу, оғиз, танглай
Қудурат — хиралик
Кул, кулл — ҳамма, барча
Кунж — бурч, кунжак
Кутоҳ — қисқа
Малул — малол келтирмоқ
Манозил — манзиллар
Маркаб — миниладиган ҳайвон
Маъво — бошпана, уй, жой
Моҳ — ой
Мужаррад — ёлғиз, бўйдоқ
Музтар — ночор
Муришд — тўғри йўлга солувчи, пир
Мурғ — қуш
Мустағрақ — ғарқ бўлган, ғарқ этилган
Муттако — суянчиқ, мададжор
Мўғбача — май ташувчи, соқий

Ниғаҳбон — кузатувчи, қараб турувчи
Нигин — узук
Ниёз — умид, ўтиниш, ҳожат-маңдлик
Нобино — кўр
Нонадид — қўринмас, ғойиб
Нор — анор, олов
Обид (а) — ибодат этувчи
Обу гил — сув ва тупроқ
Олуда — буланган
Офият — соғлик, тинчлик
Паём — хабар
Паймона — қадах
Пайкон — тикан, киприк
Паймон — ваъда
Партав — нур, шуъла
Пираҳан — қуйлак
Пой, по — оёқ
Порсо — сакланувчи
Пур — кўп
Пурхашм — аччиғи тез
Работ — карвонсарой
Роз — сир, яширин
Рукуъ — бош эгиш (намозда)
Сажжода — жойнамоз
Сайд — ов
Сайёд — Овчи
Саййид — жаноб, пайғамбар авлоди
Сано — макташ, улуғлаш
Сарвар — бошлик, йўлбошчи
Саркаш — итоатсиз, ўжар
Саҳл — осон, енгил
Сақар — дўзах
Сийрат — ҳулқ-атвор
Сиришк — кўз ёши
Собир — сабрли
Сол — йил
Соғар — май қадах
Суд — фойда
Тавил — узун
Тажалли — кўриниш, партавланиш
Тай — юриш
Тараҳҳум — раҳм қилиш
Тарёк — афюн
Тарсо, торсабача — христиан, насроний
Тақи — яна
Таҳ-батаҳ — қатма-қат, устма-уст
Таҳқиқ — текшириб кўриш, ҳақиқ

қатни билиш.
Тийра — қора, ғам-ғуссали
Тоқ — гумбаз
Тулуъ — чиқиш, кўриниш
Туман — ўн минг, жуда кўп
Турра — кокил
Улум — илмлар
Умнат — бир пайғамбарга тобеъ кишилар
Умам — Машрабнинг адабий та-халлусларидан бири, Зарра
Урён — яланғоч
Устухон — суяк
Уқбо — боқийлик, у дунё
Фузун — Ортик, кўп
Хаданг — ўк, камон ўқи
Хайма — чодир
Хароботий — майхона аҳли
Хилъат — ҳашаматли кийим
Хирад — ақл
Хирож — солиқ
Хиром — чиройли юриш
Ҳолиқ — яратувчи, халқ қилувчи, Худо
Хонабардўш — уй-жойи йўк
Хўбон — яхшилар
Худнамо — шухратпараст, мута-каббир
Ҳар сў — ҳар томон
Ҳашр — тўпланиш, ўлганлар ти-рилиш жойи

Ҳукум — машаққат
Хуршиди Канъон — Канъон ку-ёши. Юсуф алайҳиссалом.
Хушоб — тоза, тиник
Хўтан — Шарқий Туркистондаги қадимий шаҳар
Чокар — хизматкор
Шажар — дарахт
Шарр — ёмонлик
Шаҳбоз — лочин
Шуоъ — ёруғлик
Шўр — ғавғо
Яғмо — талон-тарож
Қаҳҳор — қаҳр қилувчи, Худо
Қиём — тик туриш, намозда тик туриш
Қол илми — дунёвий илмлар
Ғабғаб — ияк, бағбака
Ғофир — кечирувчи, Худо,
Ғулом — хизматкор, кул
Ҳаводор — кибри, димоғдор
Ҳин — вақт, замон, пайт
Ҳоди — Тўғри йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи
Ҳуққа — қимматбаҳо тошлар, бе-заклар, тақинчоклар солина-диган қутича

МУНДАРИЖА

«Қиссаи Машраб» хусусида.....	3
Изоҳлар.....	166
Луғат.....	170

Литературно-художественное издание

ПОВЕСТЬ О МАШРАБЕ

Художник Ю. Габзалилов

Ташкент, издательство «Ёзувчи»

на узбекском языке

Адабий-бадий нашр

ҚИССАИ МАШРАБ

Мухаррир *А. Қутбиддин*. Расмлар мухаррири *Х. Худайбердиев*.

Техн. муҳаррир *У. Ким*. Мусаҳҳихлар: *М. Хужаева, М. Садиров*.

ИБ № 15

Босмахонага берилди 24. 07. 91. Босишга рухсат этилди 30. 10. 91. № 2 короз. Бичими $84 \times 108^{1/32}$ Юқори босма. Таймс гарнитураси. Шартли босма тобоғи 9,24. Нашр тобоғи 8,42. Шартнома 27—91. 113/4240 рақамли буюртма. Жами нусха 60.000. Баҳося шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон жумҳурияти Матбуот Давлат қўмитаси Янгийўл ижара китоб фабрикасида терилди. Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44-уй.

Ўзбекистон жумҳурияти Матбуот Давлат қўмитаси Фафур Фулом номидаги нашриёт — матбаа бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002 Тошкент ш. Сағбон кўчаси, 1-берк куча, 2-уй.

Қиссаи Машраб Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Халил, Шарофхон Жамолхои ўғли; Сўзбоши муаллифи: М. Жўраев; Изоҳлар ва луғат муаллифи: Сайфиддин Рафъиддин.— Т.; Ёзувчи, 1992.— 176 б.— (Халқ китоблари).

Машраб. У ҳақда юзлаб ҳикоялар, ривоятлар битилган. Гоҳо девона, гоҳо мискии гоҳо... Шоҳ Машраб кўнглимиз, бутун ички дунёмиз қаҳрамонидир. Биз ундан ўзимизни, кечмишимизни излаймиз. Бирга изтароб чекамиз, ҳақиқатнинг сароб ёлқинларини кўрамиз. На илож? Сизга чин дилдан тақдим этаётганимиз — Машраб ҳақидаги қиссадир. билан суҳбатлашнинг, кўнгиллашнинг, сирлашнинг, снгил тортасиз.

Повесть о Машрабе.